

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 297.9

М – 44

МАРУПОВ ИЛҲОМ ИСЛОМОВИЧ

Глобаллашув шароитида диний конфессияларнинг бағрикенгликни
таъминлашда ўрни

5А120602 - Диншунослик

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:

т.ф.н., доц. Муҳамедов Н.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I боб. Марказий Осиёдаги диний конфессиялар тарихидан	
1. Марказий Осиё тарихида миллий ва диний қадриятлар уйғунлиги.....	9
2. Юртимизда фаолият кўрсатаётган динларда бағрикенглик тамойилларининг аҳамияти.....	22
I боб бўйича хулоса.....	32
II боб. Ўзбекистондаги христиан диний конфессиялари	
1. Христианликнинг илк йўналишларидан бири несторианликнинг Марказий Осиёга кириб келиши ва тарқалиши.....	34
2. Христиан диний конфессияларининг Ўзбекистонда диний бағрикенгликни мустаҳкамлашдаги роли.....	44
II боб бўйича хулоса.....	59
III боб. Ўзбекистоннинг этник ва конфессиявий хилма-хиллик шароитида бағрикенгликнинг жамият маънавий тараққиётига таъсири	
1. Ижтимоий ва этник бағрикенгликнинг моҳияти.....	61
2. Диний бағрикенглик борасида Ўзбекистон тажрибаси.....	72
III боб бўйича хулоса.....	87
Хулоса.....	89
Адабиётлар рўйхати.....	92

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, маънавий кадриятларни тиклаш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий соҳаларда тубдан янгилаш даври бошланди. Ўтган йигирма икки йил давомида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида сезиларли равишда кўплаб ўзгаришлар рўй берди. Шу билан бир каторда кўпмиллатли ва кўпконфессияли юртимизда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлашда қатор ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик қилаётган бир шароитда турли конфессия вакиллари билан мулоқот қилишнинг юксак маданиятига эришиш катта аҳамият касб этади. Ҳозир Ўзбекистон Республикасида 16 диний конфессия эмин-эркин фаолият кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам кўпдинлилик шароитида жамият ва дин орасидаги муносабатларда мувозанатни сақлаш лозим бўлади. Зеро, диннинг жамиятда ўзига хос ўрни мавжуд. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан айтилган қуйидаги сўзлар ниҳоятда муҳимдир: “Дунёвий ва диний кадриятлар ўртасидаги нозик муносабатларнинг моҳиятини ҳар томонлама тўғри тушунтиришимиз керак. Тарих ва ҳаёт тажрибаси шундан далолат берадики, дунёвий ва диний кадриятлар бир-бирини тўлдирмас экан, бугунги куннинг оғир ва мураккаб саволларига тўлақонли жавоб топиш осон бўлмайди”¹.

Дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади ва шу билан бирга яхшилик, тинчлик, дўстлик каби кадриятларга таянади. Дин одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат ва бағрикенгликка даъват этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат вакиллари яшамоқда. Улар турли диний эътиқодга мансуб фуқаролар бўлиб,

¹ Каримов.И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 96.

республикамиз келажаги унинг маънавий юксалиш даражасига, ўзаро муносабатлардаги тотувликка ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Шу нуқтаи назардан караганда, юртимизда конфессиялараро муносабатлар, уларнинг мазмуни жамиятдаги мавжуд ижтимоий муносабатларнинг характерини белгилаб берувчи омил сифатида чиқади. Тарихга назар ташласак, Ўзбекистон худуди қадим даврлардан турли маданият, тил, урф-одат, турмуш тарзига эга бўлган, хилма хил динларга эътиқод қилувчи аҳоли яшаган ўлка эканлигига гувоҳ бўламиз. Улардан айримлари христиан динига эътиқод қилувчи аҳоли ҳисобланади.

Ҳозирги глобаллашув шароитида бошқа конфессия вакиллари билан ўзаро ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик муҳитида яшаш долзарблиги қуйидаги омиллар билан белгиланади:

Биринчидан, глобаллашув шароитида турли диний конфессиялар фаолиятини ўрганиш ҳозирги кунда улар ўртасидаги бағрикенглик тамойилларини аниқлаш имконини беради.

Иккинчидан, бағрикенглик тушунчасининг тарихий ва замонавий асосларини янада мустаҳкамлаш учун асос сифатида хизмат қилади.

Учинчидан, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган конфессияларнинг ижтимоий ҳаётимизда тутган ўрнини очиб беради.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши. Марказий Осиёда фаолият кўрсатган диний конфессиялар, хусусан, христиан конфессиялари тарихи ҳамда уларнинг диний-маърифий, маданий-ахлоқий жиҳатларини ўрганиш тадқиқотнинг объекти деб белгиланди. Христианлик конфессиялари фаолияти ва тарихини ўрганиш, тадқиқ қилишда манбалари тадқиқотнинг предмети этиб белгиланди.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Ўзбекистонда глобаллашув шароитида диний конфессиялар тарихига доир илмий маълумотларни ўрганиш ҳамда ушбу мавзуга оид бажарилган тадқиқотларни таҳлил этиш. Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Марказий Осиё тарихида миллий ва диний кадриятлар уйғунлигини тадқиқ этиш;

- юртимизда фаолият кўрсатаётган динларда бағрикенглик тамойилларининг аҳамиятини очиб бериш;

- христианликнинг илк йўналишларидан бири несторианликнинг Марказий Осиёга кириб келиши ва тарқалишини таҳлил қилиш;

- христиан диний конфессияларининг Ўзбекистонда диний бағрикенгликни мустаҳкамлашдаги ролини ифодалаб бериш;

- ижтимоий ва этник бағрикенгликнинг моҳиятини ифодалаб бериш;

- диний бағрикенглик борасида Ўзбекистон тажрибаси таҳлил этиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Ўзбекистондаги диний конфессиялар, хусусан, христианлар фаолияти ва тарихига доир маълумотлар тадқиқот доирасига тортилди. Ўзбекистонда бугунги кунда ижтимоий ва этник бағрикенгликнинг аҳамиятини ўрганиш, бу борадаги изланишлар самарасини ошириш, тадқиқот натижалари асосида қўлланмалар ишлаш ва ижтимоий йўналишдаги олий таълим тизимида жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Республика Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорлар, Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг асарларида соҳага оид баён қилинган фикр ва тамойиллар, рус муаллифлари асарлари, хусусан, архив ҳужжатлари тадқиқотнинг методологик асоси ва манбалари бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, диссертацияда статистик йилномалар, вақтли матбуот, радио ва телевидениеда эълон қилинган материаллардан таҳлилий фойдаланилди ва назарий жиҳатдан умумлаштирилди.

Христианлик дини ва унинг моҳияти, тарқалиши сабаблари, Марказий Осиёга кириб келиши, унинг доирасида амалга оширилган миссионерлик ҳаракатлари тўғрисида кўплаб диншунос тадқиқотчилар самарали

изланишлар олиб боришган. Рус тадқиқотчиларидан С.Н.Абашин², В.В.Бартольд³, Л.С.Васильев⁴, Л.И.Жукова⁵, Ўрта Осиё ва Тошкент епархияси архиепископи В.З.Иким (руҳонийлик исми – Владимир)⁶ бу мавзуда тадқиқот ишларини олиб боришган.

Бугунги кунда юртимизда ҳам ушбу мавзуда самарали ишлаётган бир қатор тадқиқотчиларни келтириш мумкин. А.Мўминов, Ҳ.Йўлдошхўжаев, Д.Раҳимжонов⁷, Ш.Ёвқочев⁸, Ш.Ғаффоров⁹, С.Агзамходжаев, Д.Раҳимжонов, Н.Мухамедов¹⁰, А.Очилдиев, Ж.Нажмиддинов¹¹ каби тадқиқотчиларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Шунингдек, ушбу мавзуда В.Бартольд¹², Р.Бенсман¹³, И.Волков¹⁴, Г.Кречмар, Х.Ратке¹⁵, П.Литвинов¹⁶ каби муаллифлар ҳам мавзуга оид тадқиқотлар олиб боришган. Ўзбекистонлик олимлар – Э.Ибрагимов¹⁷,

² Абашин С. и другие. Центральная Азия в составе Российской империи. – М.: Новое литературное обозрение, 2008. – С. 161-217.

³ Бартольд В. О христианстве в Туркестане в домонгольский период (по поводу семиреченских надписей). Сочинения. – Т. II. – Ч. 2. – М.: Наука, 1964. – С. 125-137.

⁴ Васильев Л. История религий Востока. – М.: Книжный дом “Университет”, 1999. – С 36-74.

⁵ Жукова Л. Из истории древних культов Средней Азии: Христианство. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 117 с.

⁶ Митрополит Ташкентский и Среднеазиатский Владимир (Иким). Христианство в Центральной Азии. – М.: М. Сканрус, 2011. – 751 с.

⁷ Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д ва бошқалар. Диншунослик. – Т.: Мехнат, 2004. – Б. 108-132.

⁸ Ёвқочев Ш. Марказий Осиё динлари тарихи. – Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006. – Б.76-87.

⁹ Ғаффоров Ш. Тарих ва тақдир: Россия империясидан Туркистонга кўчирилганлар. – Т.: Фан, 2006. – 223 б.

¹⁰ Агзамходжаев С., Раҳимжонов Д., Мухамедов Н., Нажмиддинов Ж. Дунё динлари тарихи. – Т.: Тошкент Давлат Шарқшунослик институти, 2011. – 120-128.

¹¹ Очилдиев А. Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари (юз саволга юз жавоб). – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – 197 б.

¹² Бартольд В.В. Еще о христианстве в Средней Азии // Сочинения. Т.2. 4.2. М.: Изд. вост. лит., 1964; Ўша муаллиф. О христианстве в Туркестане в домонгольский период // Сочинения. Т.2. 4.2. – М.: Изд. вост. лит., 1964. – С. 105.

¹³ Бенсман Р. Деятельность религиозных организаций по укреплению межрелигиозного согласия. // «Межрелигиозное согласие — важное условие углубления демократических процессов в странах Центральной Азии (на примере Республики Узбекистан)». Материалы международной конференции. – Т., 2002.

¹⁴ Волков И.В. Конфессиональные особенности интеграционных процессов в Туркестане (1910-1916 гг.) // Власть: Общественно-науч. политич. журн. – Москва: ЗАО "Изд-кий дом "Парад", №4. 2009. – С. 149.

¹⁵ Кречмар Г., Ратке Х. Евангелическо-лютеранская Церковь в России, на Украине, в Казахстане и Средней Азии. – СПб., Серебряные нити, 1996.

¹⁶ Литвинов П.П. Государственно-религиозные и этноконфессиональные отношения в Туркестане (1865-1917). Автореф дис... док. ист. наук. – Москва, 1998. – 340 с; Государство и ислам в русском Туркестане (1865-1917 гг.) (По архивным материалам). – Елец: ЕГПИ, 1998; Неисламские религии Средней Азии (вторая половина XIX – начало XX вв.). – Елец: ЕГПИ, 1996. – 319 с.

¹⁷ Ибрагимов Э. Ўзбекистонда христиан конфессиялари фаолияти ва уларнинг диний бағрикенглик аънаналари шаклланишида тугган ўрни. тарих фанлари номзоди... дис. автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2010. – 26 б; Ўша муаллиф. Ўзбекистонда диний бағрикенгликни мустаҳкамлашда православ

Л.Жукова¹⁸, Д.Зияева¹⁹, О.Лисицкая²⁰, А.Мўминов каби олимлар томонидан изланишлар амалга оширилган.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи.
Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида билдирилган кўрсатмалар, асрлар оша миллий қадриятга айланган анъаналаримизга ҳурмат билан ёндашиш, ёш авлодни инсонийлик, ватанпарварлик, диний ҳамда миллатлараро бағрикенглик руҳида тарбиялаш тўғрисидаги фикрларга риоя қилинди. Ўзбекистон тарихини ўрганишдаги илғор усуллар, архив ҳужжатларини тадқиқ тажрибаларидан фойдаланилди.

Диссертацияда тарихий жараёнлар ва ижтимоий-маънавий муҳит тарихий, қиёсий-таҳлилий ва мантиқий таҳлил усулида ёритилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.
Мамлакатимиз тарихини ўрганиш жараёнида диний конфессиялар тарихини кенг қамровли тарзда тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу айниқса, ижтимоий-маданий, миллий ва диний қадриятларимиз тикланишида муқаддас қадамжолар ва масжид, мадрасаларнинг тарихий аҳамиятини ўрганишни тақозо этади. Тадқиқот натижалари асосида Ўзбекистондаги диний конфессиялар, айниқса, христианлик ҳақида кўплаб фактологик маълумотлардан фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагиларда кўринади:

- Марказий Осиё тарихида миллий ва диний қадриятлар уйғунлиги мисоллар ёрдамида очиб берилди;
- юртимизда фаолият кўрсатаётган динларда бағрикенглик тамойилларининг аҳамияти ўз ифодасини топди;

дини фаолияти // Тошкент ислом университети илмий-таҳлилий ахбороти. – Т.: Тошкент ислом университети, 2003. №1.

¹⁸ Жукова Л.И. Из истории деревних культов Средней Азии. – Т.: 1994; Ўша муаллиф. К истории римско-католического костела в Ташкенте // К истории христианства в Средней Азии. – Т.: Узбекистон, 1998; К истории христианства в Средней Азии // Составитель Л. Жукова. – Т.: Узбекистон, 1998.

¹⁹ Зияева Д. XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкент шаҳридаги номусулмон диний кофессиялар. – Т., 2009.

²⁰ Лисицкая О.В. История католических общин в Туркестане (вторая половина XIX века – 1917 год). – Ташкент, 2004.

- христианликнинг илк йўналишларидан бири несторианликнинг Марказий Осиёга кириб келиши ва тарқалишини таҳлил қилинди;

- христиан диний конфессияларининг Ўзбекистонда диний бағрикенгликни мустаҳкамлашдаги роли ифодалаб берилди;

- ижтимоий ва этник бағрикенгликнинг моҳияти очиб берилди;

- диний бағрикенглик борасида Ўзбекистон тажрибаси таҳлил этилди.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Диссертация кириш, уч боб, олти бўлим, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми – 100 саҳифа. Фойдаланилган манба ва адабиётлар сони – 64 та.

I боб. Марказий Осиёга фаолият кўрсатган диний конфессиялар тарихидан

1. Марказий Осиё тарихида миллий ва диний қадриятлар уйғунлиги

Жаҳондаги аксарият давлатлар кўп миллат ва динли бўлгани каби Ўзбекистон ҳам шундай мамлакатлар қаторига киради. Унда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик каби умуминсоний қадриятлар ўзининг чуқур илдизларига эга.

Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистонда азалдан турли урф-одат, маданият, тил, турмуш тарзига эга бўлган, хилма-хил динларга эътиқод қилувчи бир-бирига ўхшаш бўлмаган бир неча халқлар яшаган ўлкадир. Ўзбекистоннинг жўғрофий нуқтаи назардан муҳим савдо йўллари чорраҳасида жойлашгани, кўплаб давлатлар билан иқтисодий, маданий алоқалар қилгани ерли халқнинг диний ва маданий ҳаётига катта таъсир кўрсатган. Миллати ва диний қарашидан қатъи назар инсонни ардоқлаш ва ўзгаларни қадрлаш, катталарга хурмат ва бошқаларни иззат қилиш каби туйғулар Ўрта Осиё халқларининг юксак сифатларидир. Айнан шу омиллар халқимизнинг нафақат маънавий-маърифий, балки диний бағрикенглигининг маънавий асосини ташкил этади.

Президентимиз таъкидлаганларидек, турли миллат вакилларига хурмат, улар билан баҳамжиҳат яшаш, диний бағрикенглик, дунёвий билимларга интилиш, ўзга халқларнинг илғор тажрибалари ва маданиятини ўрганиш каби хусусиятлар ҳам халқимизда азалдан мужассам²¹.

Ўз навбатида Амударё ва Сирдарё оралиғи географик ҳолатининг ўзи буюк тамаддунлар минтақасининг марказида қадимги Шарқ, эллин, ғарбий Эрон, Турк, Хитой маданиятларининг ўзаро фаол ҳамкорлик қилишига имкон туғдирди²².

²¹ Каримов И. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 31.

²² Мирзаев Р. Фердинанд Рихтгофен – “Буюк Ипак йўли” атамасининг асосчиси // Мозийдан садо. – Тошкент, 2005. № 2 (25). – Б. 42-45.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон заминида азалдан ислом ва бошқа динлар, маданиятлар ўзаро ҳамжиҳатликда ривожланиб, жамиятнинг маънавий юксалишига беқиёс ҳисса қўшишган.

Мамлакатимиз илк диний қараш ва тасаввурлар пайдо бўлган энг қадимий ўлкалардан бири эканлиги кўплаб тарихий манбаларда зикр қилинган. Қадим замонларданок минтақада зардуштийлик, буддавийлик, яҳудийлик, насронийлик каби мураккаб идеологик тизимга эга динлар тинч-тотув фаолият олиб боришган. Тешик-Тош ғорларидаги қадимий қабрлар, Фаёз ва Қора-Тевадаги буддавийлик топилмалари, Далварзинтепа ва Суғдиёна қолдиқлари, ҳозирда француз ва япон археологлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган изланишлар натижалари фикримизнинг тасдиғидир²³.

Т.ф.д., проф. А.Ҳасановнинг таъкидлашича, қадимги замонда халқлар ва элатлар ўртасида умуман диний адоват бўлмаган. Қадимги дунёда яшаган аҳолининг ҳар бир давлат, ҳар бир шаҳари, ҳар бир қабиласи ўз маҳаллий бош худоси ва коинот ҳамда табиат кучларини ифодаловчи жуда кўп бошқа худоларга сиғинган. Бу худолар бир-бирига айнан ўхшаш бўлса-да, аммо ҳар бир халқнинг тилида турли исмлар билан номланган. Қадимги замоннинг охирида инсон руҳининг улкан ютуғи ва дунёқарашининг ҳақиқий инқилоби сифатида яҳудийликнинг сўнгги босқичи христианлик, зардуштийлик ва ислом каби этик (юксак ахлоққа асосланган) динлар пайдо бўлди. Аммо улар айни вақтда бежиз догматик (ақидавий) динлар деб аталмаганки, халқлар ўртасида ўзаро диний келишмовчилик ва рақобатни юзага келтирди. Мазкур динларнинг ҳар бири фақат бир худо (яъни фақат шу динга хос худо) бор, бошқаларнинг худоси бут-санамдан бўлак нарса эмас, деб ҳисоблай бошладилар. Ҳатто, бир дин вакиллари орасида ҳам “ҳақиқий-ноҳақиқий”га ажратиш юз берди. Хуллас, мана деярли 2 минг йилдан бери Ер юзида “ҳақиқий эътиқод” йўлида қонли можаролар давом этиб келмоқда. Бахтли

²³ Қаранг: Дервиш Р.А., Левтеев Л.Г., Мусакаева А. Памятники истории религии и культуры в Узбекистане. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – С. 10-12, 56-60.

тасодиф туфайли Ўзбекистон тарихи бу “умумий коида”дан мустасно тарзда кечди дейиш мумкин, яъни бизда диний асосда бирорта уруш содир бўлгани йўқ²⁴.

Азалдан халқимизга хос бўлган хислат – бағрикенглик бир зумда пайдо бўлган эмас, у биз учун анъанавийдир. Ўзбекистоннинг диний тарихига қисқача назар ташласак, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди инсонларда илк диний тасаввурлар ва ақидалар пайдо бўлган энг қадимги ўлкалардан бири эканига гувоҳ бўламиз. Тош асрининг ўрталарида аждодларимиз орасида турли хайвонлар ва Қуёшга топиниш, кейинроқ фетишизм, анимизм, афсунгарлик (магия) тарқалди²⁵.

Марказий Осиё шароитида зардуштийлик турмуш тарзига хос ўтроқ деҳқончилик ва кўчманчи чорвадорлик ўртасида турли зиддиятлар бўлган. У кейинчалик монотеистик ғоялар ривожига шубҳасиз катта ҳисса қўшган. Негаки, “Зардушт одамларни Ахурамаздага сажда қилишга чақириб, инсоният маънавияти тарихида янги босқични бошлаб берди. Биринчидан, у кўпхудоликка (политеизм) қарама-қарши яккахудолик (монотеизм)га, яъни, диний эътиқоднинг юқори босқичига қадам қўйган эди. Иккинчидан, илгари одамлар худолар қаҳридан, уларнинг даҳшатли вайрон қилувчи қудратлари олдида ожиз, кўркув даҳшати остида сиғинишган бўлса, эндиликда эса Зардушт одамларга қалби кишиларга меҳр-шафқат билан тўлган, яхшилик томон ундовчи, уларнинг ўлимидан кейин мангу фаровон ҳаёт билан таъминлай оладиган тангри Ахурамаздага ибодат қилишга чақирди”²⁶.

Турли тарихий, илмий ва адабий манбаларда “Авесто” - “Ҳаёт йўриқномаси”, “Насихатнома”, “Қонунлар тўплами”, “Билимлар мажмуаси” сифатида талқин қилинади. “Авесто” Турон, Хуросон, Озарбайжон, Месопотамия, Эрон, Кичик Осиё халқларининг милоддан аввалги қадим даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, диний қарашлари, олам ва одам

²⁴ Ҳасанов А. Ўзбекистонда диний бағрикенгликнинг тарихий анъаналари // Жаҳолатга қарши маърифат – тинчлик ва барқарорлик асоси. – Т.:Тошкент ислом университети, 2003. – Б. 40-41.

²⁵ Ўзбекистон – диний бағрикенглик ўлкаси // Бағрикенглик – барқарорлик ва таракқиёт омили. – Т.:Тошкент ислом университети, 2007. – Б. 101.

²⁶ Зардуштийлик // Фалсафа. Қомусий луғат. – Т.: “Ўзбекистон файласуфлари” миллий жамияти, 2004. – Б. 131.

тўғрисидаги тасаввур, урф-одат ва қадриятлари ҳақида қимматли маълумотлар берувчи ноёб манбадир.

Айни пайтда айтишимиз керакки, “Авесто” нинг барча нусхаларини йўқ қилиб ташлашга кўрсатма берган Александр Македонский бошчилигидаги босқинчилик даври минтақа тарихида халқлар бегона динларга зўрлаб киритилганига далил десак бўлади. Албатта, босқинчилар ўз фикрлари ва ғояларини ёйиш мақсадида муқаддас манбада акс этган ғояларни йўқ қилишга ҳаракат қилишган.

Чор Россиясининг XIX аср ўрталарида Туркистонни эгаллаб олиши натижасида миллий, маънавий қадриятлар завола топа бошлади. Колониал бошқарув тизимининг ўрнатилиши бошқа салбий натижалар қаторида, халқларнинг ғурури, миллий ифтихори ва диний эътиқодлари поймол этилди. Бундай ҳаракатлар собиқ совет ҳукмронлиги даврида ҳам давом эттирилди. Атеистик ғоя билан қуролланган ҳукумат ўзининг биринчи кунлариданок динга, жумладан, исломга қарши қатъий кураш бошлади²⁷.

Кушон ва Эфталитлар давлатлари даврида Ўзбекистон ҳудудига бевосита Ҳиндистондан буддавийлик кириб келди ва кенг илдиз отди. В.Литвинскийнинг таъкидлашича, Марказий Осиёда “хунарманднинг хонадони ва чорикорнинг кулбасигача будда дини кириб борганди”²⁸.

Буддавийликнинг Ҳиндистондан Марказий Осиёга кириб келишини одатда кушонларнинг ҳукмронлиги билан боғлайдилар. Император Канишка (I асрнинг охири – II асрнинг бошлари) даврида Кушон подшоҳлиги ушбу диннинг марказларидан бирига айланган. Жумладан, Канишка зарб қилдирган тангаларда бошқа илоҳиятлар билан бир қаторда Будда тасвири ҳам учрайди. Хитойлик Сюань-Цзянь берган хабарга кўра, VII асрнинг бошларида Термизда 10 та буддавийлик хонақоҳи (сангарама) ва мингта роҳиб фаолият олиб борган.

²⁷ Қаранг: Keller. Shoshana // Islam in Soviet Central Asia 1917-1927 : Soviet Policy and the Struggle for Control. – Central Asian Survey, 1993/1, XI. – P. 27-28.

²⁸ Ўзбекистон – диний бағрикенглик ўлкаси // Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили. – Т.:Тошкент ислом университети, 2007. – Б. 101.

Ўтган XX асрнинг бошларида Амударёнинг ўнг қирғоғида буддавийликка мансуб кўплаб қимматбаҳо металллар – олтин ёки кумушдан ясалган кўп сонли тангалар, ҳайкалтарошликка оид майда тасвирлар ва бошқа ёдгорликлар топилган²⁹.

Бағрикенглик ва муросанинг илдизлари узоқ асрларга бориб тақалади. Республикамиз ҳудудида фаолият кўрсатган турли динлар маданияти бўйича изланишлар олиб бораётган япон олими Като фикрига кўра Сурхондарё воҳасида аниқлаган ноёб Будда маданияти ёдгорликлари, яҳудий ёдгорликлари, Бухорода насронийларнинг зиёратгоҳлари юртимиздаги ислом обидалари билан бир қаторда туриши ҳеч кимни ажаблантирмайди.

Дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади ва яхшилик, тинчлик, дўстлик каби хусусиятларга таянади. Дин одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади. Аксарият динлар бу дунёни фоний, ўткинчи деб ҳисоблайдилар. Улар инсоннинг яшашдан асл мақсади – бу дунёда хайрли, савоб ишлар қилиб, боқий дунё синовларига тайёргарлик кўриш деган ғояни тарғиб этади. Барча динларда инсон ҳаётининг моҳияти, мазмуни, кишилар ўртасидаги сиёсий-ҳуқуқий, ахлоқий муносабатларни тенглик ва адолат мезонлари асосида ўрнатиш ўз аксини топган. Жаҳон динларидан бири христианлик дини инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган ахлоқий меъёрлар: саховат, раҳмдиллик, ўз яқин кишиларини севиш, ҳамдардлик, кечиримлилиқ каби умуминсоний қадриятларга тарғиб этади.

Айни пайтда буддавийликда азоб-уқубатларнинг сабаблари, улардан қутилиш ҳақида тушунтирилади ҳамда азобларни тугатиш, яъни нирвана ҳолатига эришиш йўли кўрсатиб берилади³⁰.

Ўзбекистон ҳудудида зардуштийлар билан бир қаторда буддавийликка эътиқод қилувчилар ҳам яшаганлар. Милоднинг биринчи асрларидан бошлаб,

²⁹ Қаранг: Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2005. – Б. 30.

³⁰ Пупар П. Религии. – М.: Весь Мир, 2003. – С. 92.

Самарқанд ва Бухорога кириб келган яҳудийлар жамоалари вакиллари ҳозирга қадар ўз динларига эркин эътиқод қилиб келмоқдалар³¹.

Маълумки, яҳудийлик миллий дин бўлиб, унда ҳам бир қатор эзгулик ва бағрикенглик ғоялари илгари сурилган. Жумладан, яҳудийлик динида Яхве Сино тоғида Мусо пайғамбарга тақдим этган 10 васият қуйидагилардан иборат эди: ягона худо – Яхведан бошқаларига сиғинмаслик; ерда, кўкда ва сувда ўзига худо яратиб олмаслик; яъни бут, санамларга сиғинмаслик; шанба кунини ҳурмат қилиш ва уни Худога бағишлаш; ота-онани эъзозлаш; қотиллик қилмаслик; худонинг номини бекордан бекорга тилга олмаслик; ўғирлик қилмаслик; зино қилмаслик; ўз яқинларига ёлғон гувоҳлик бермаслик; ўз яқинларининг мол-мулкига кўз олайтирмаслик. Ушбу диний ва ахлоқий мезонлар инсон маънавиятини безайдиган омиллардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда яҳудийлик дини вакилларининг истиқомат қилиши халқимизга хос ўзбекона бағрикенглик, этник, маданий ва диний сабр-бардошлиликнинг яна бир юксак намунаси бўлса, ажаб эмас. Хусусан, яҳудийлар жамоасининг вакиллари билан бири Р.Бенсман шу ҳақда тўхталар экан, Бухорода дастлабки синагога VIII асрдаёқ қурилгани, бошқа дин вакиллари билан бир қаторда ўз динларига эркин эътиқод қилиш учун ўша пайтда ҳам шароит яратиб берилганини таъкидлаб “Ўрта аср Европаси ва Византия империясида қувғин қилинган яҳудийлик Марказий Осиёда бошқа динлар билан бир хил ҳуқуққа эга эди”³², – деб ёзади.

Юқорида қайд этилган динлардан ташқари, Ўзбекистоннинг баъзи ерларида яҳудийлар, монийчилар, маздакийлар жамоалари истиқомат қилган. “Бундан деярли 1,5 минг йил аввал ҳозирги Марказий Осиёни ўз ичига олган Ғарбий турк ҳоқонлиги тахтида ўтирган Истами (552–576 йиллар) бағрикенг ҳоким сифатида танилганди. Шу даврда туркий қабилаларда диний тафаккур ўз тараққиётининг энг юқори поғонасига кўтарилган, бош худо – Тангрига

³¹ Ибрагимов Э. Ўзбекистон – диний бағрикенглик ўлкаси // Ўзбекистон – бағрикенг диёр. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – Б. 69.

³² Бенсман Р. Деятельность религиозных организаций по укреплению межрелигиозного согласия // Межрелигиозное согласие – важное условие углубления демократических процессов в странах Центральной Азии (на примере Республики Узбекистан). Материалы международной конференции. – Ташкент, 2002. – С. 125-126.

сиғиниш кенг миқёсда бошланганди. Шундай бўлса-да, Истами-ҳоқон ўлкада маълум бўлган барча динларга эркин йўл қўйиб берди”³³.

Юртимизда исломдан олдин мавжуд бўлган динлар каторида Шом (Сурия) ва Эрон орқали кириб келган христиан динининг несториан мазҳаби сезиларли ўрин тутган. Христиан жамоалари ғуз, тўққизўғиз каби баъзи кўчманчи турк қабилаларининг вакиллари хам ўз ичига олган. Академик В.Бартольднинг фикрича, VI асрда Самарқандда христиан епископи ва бевосита араблар келишидан олдин эса митрополити бўлган. Ҳозирги Тошкент ва Хоразм вилоятлари худудида хам христиан динига мансуб аҳоли мавжуд эди.

Бир қатор илмий адабиётларда Марказий Осиёга христианлик III асрларда кириб келган деб талқин қилинади. Бу Эронда мазкур дин вакиллари таъқиб қилиниши ва уларнинг бошқа худудларга кўчиб ўтиши билан боғланади. Эрон шоҳи Шопур I (241 – 272 йиллар) асир олинган Рим аскарларини шарқий ерларга жойлаштирган. Улар орасида насронийлар хам бўлган. Баъзи ёзма манбаларда 334 йилда Марвда епархия фаолият кўрсатгани қайд қилинади. Бу Марвда христианларнинг 334 йилдан аввалроқ пайдо бўлгани ва йирик жамоалари шаклланишидан далолат беради.

Демак, милоднинг илк асрларидаёқ Марказий Осиё, айниқса, Марв ва Бақтрияга асосан несторианлар кириб келган бўлса-да, улар орасида православ вакиллари, ҳарбий Сурия черкови йўналишига мансуб ёқубийлар хам бор эди. Марвлик епископлар Шарқий Черковда катта эътибор қозонганлар ва Черков соборларида иштирок этганлар³⁴. Араблар ушбу худудларга кириб келганларидан сўнг христиан жамоаларининг фаолияти аста-секин заифлашган. Туркистонга христианларнинг иккинчи дафъа кириб келиши ўлканинг Чор Россияси томонидан истило қилиниши билан боғлиқ.

Рус шарқшуноси В.Бартольднинг қайд этишича, ислом VIII асрда Мовароуннаҳрга кириб келиб, маҳаллий динлар ва уларга хос қадрият,

³³ Ҳасанов А. Ўзбекистонда диний бағрикенгликнинг тарихий анъаналари // Жаҳолатга қарши маърифат – тинчлик ва барқарорлик асоси. – Т.: Тошкент ислом университети, 2003. – Б. 41.

³⁴ Қаранг: Ибрагимов Э. Ўзбекистон – диний бағрикенглик ўлкаси // Ўзбекистон – бағрикенг диёр. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – Б. 70.

одатлар билан уйғунлаша бошлади³⁵. Ўз навбатида Мовароуннаҳр халқлари ислом динини ўз маҳаллий ахлоқ ғоялари, ҳуқуқий меъёрлар ва урф-одатлари билан бойитишган. Мазкур ҳолат Мовароуннаҳрда исломнинг ўзига хос хусусиятлар касб этишига олиб келди. Ўша вақтга келиб минтақада шаклланиб улгурган қулай бағрикенглик муҳитида бу тасодифий ҳодиса эмас эди.

Ислом дини барқарор бўлганидан, то шу бугунги кунгача, Ислом дини кенг ёйилган мусулмон давлатларида бошқа ҳақ динларга ҳам бемалол йўл берилган. Улар черков, синагогаларига кириб, ибодатларини бемалол қилаверганлар. Ҳатто, уларнинг молу жонлари давлат ҳимоясига олинган.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, ўтмишда Ўзбекистонда диний ва этник муносабатлар асосида бирор марта ҳам низо чиқмагани қайд қилинади. Шу ўринда айтишимиз керакки, мазкур воқеликни бугунги кунда мамалакатимизда фаолият кўрсатаётган ислом, христиан, яҳудий динлари ва бошқа конфессияларнинг ўзаро муносабатларида ҳам яққол кўриш мумкин. Бундай дўстона муносабатлардан хулоса қилиб, Республика Президенти Ислом Каримов: “Мусулмонлар ва христианларнинг Ўзбекистон заминида биргаликда ҳамнафас бўлиб яшаши диний-маънавий тотувликнинг нодир тимсоли ва барча дин вакилларига нисбатан бағрикенгликнинг энг яхши намунаси деб ҳисобланишига арзигуликдир”³⁶ дея воқеликни аниқ кўрсатиб берди.

Дарҳақиқат, ислом дини халқлар орасида тинчлик ва дўстлик масалаларига кенг ўрин ажратган бўлиб, бунда бошқа динга эътиқод қилувчилар билан ҳамкорлик қилишни таъқиқламайди. Қуръонда аниқ-равшан қилиб айтиб қўйилган: “Дин тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз юртингиздан (ҳайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик

³⁵ Бартольд В. Сочинения. - М., 1996. Т.6. – С. 105.

³⁶ Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 102.

қилишингиз ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолатли кишиларни севар»³⁷.

Қуръонда инсонларнинг дини, ирқи, миллатидан қатъи назар Ер юзида турли дин ва маданият вакиллари – инсонлар ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда умргузарон қилишлари таъкидланган: “Эй, инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳ наздида (энг азизу) мукаррамроғингиз тақводорроғингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор зотдир»³⁸.

Кўриниб турибдики, ҳар қайси диннинг муқаддас, илоҳий манбаларида одам ўлдирмаслик, ўғрилик қилмаслик, ёлғон гувоҳлик бермаслик, одамлар орасини бузмаслик, аксинча, ҳамжиҳатлик, инсонпарварлик, бағрикенглик каби умуминсоний қадриятлар зикр этилган.

Ўтмишнинг энг яхши ютуқларини ўзида мужассамлаштирган Ўрта Осиё ҳудудидаги маданият, ўз навбатида, нафақат ислом маданиятининг кейинги ривожига, балки Ғарб ренессансига, умумжаҳон миқёсидаги толерантлик тамойиллари ривожига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Демак, юртимиз халқларининг маданий ютуқлари нафақат мусулмон, балки жаҳон маданиятининг ажралмас қисмидир. Ана шу даврда яратилган Имом Бухорийнинг «ал-Жомий ас-саҳиҳ» ҳадислар тўплами (IX аср) замондошлари томонидан анъанавий сунний тўплаларнинг энг яхшиси деб тан олинган ва ҳозирда ҳам бутун дунё мусулмонларининг энг асосий китобларидан бўлиб қолмоқда. Бу китобда диний мутаассиблик, ақидапарастлик учун асос бўладиган ғоялар тарғиб қилинмаганлиги ҳам юртимиз тарихида ижтимоий бағрикенглик тамойиллари устувор бўлишига хизмат қилган³⁹.

³⁷ “Мумтаҳана” сураси, 8-оят. (Қаранг: Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири /Таржима ва тафсир муаллифи: А.Мансуров. – Т.: Тошкент ислом университети, 2004. – Б . 550.

³⁸ “Ҳужурот” сураси, 13-оят.

³⁹ Қаранг: Ҳусниддинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик. -Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006. -Б. 12.

Маълумки, IX асрдан бошлаб Мовароуннахрда ханафий (Имоми Аъзам) мазҳаби қарор топди ва тарқала бошлади. Бу ҳам бежиз бўлмаса керак, зеро, Имом Аъзам мазҳаби ўзга динлар ва маҳаллий урф-одатларга нисбатан эркинлик бериш билан бошқа мазҳаблардан ажралиб туради. Ҳанафийлик таълимотини такомилга етказган ватандошларимиз – Имом Мотуридий ва Бурҳониддин Марғиноний каби алломалар мусулмонлар орасидаги ғоявий тарафқашликка барҳам бериш, ислом динининг сунна йўналиши, яъни аҳли сунна ва жамоа йўли барқарор бўлиб қолишига катта ҳисса қўшдилар.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, ўша пайтдаги бағрикенглик бир вақтнинг ўзида, бир томондан, Имом Бухорий, Имом Термизий каби дин алломалари, яъни илоҳий тафаккур эгалари, иккинчи томондан эса, Форобий, Хоразмий, Беруний каби дунёвий билимларни чуқур эгаллаган ва илм-фан кадриятлари устуворлиги ғоясини илгари сурган мутафаккирлар ёнма-ён яшаши, ижод қилишлари учун кенг имкон яратган.

Ал-Хоразмийнинг алгебра ва арифметика асослари ифодаланган “ал-Жабр вал-муқобала” асари Осиё ва Европада тегишли фанлар бўйича асосий манба ҳисобланган.

Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” (“ал-Қонун фит-тибб”, XI аср) XIX асрга қадар Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам тиббиёт бўйича асосий қўлланма бўлиб келган. Людвиг Ф.Грюнебаум фикрича, Ибн Синонинг “Ишқ рисоласи” (“ар-Рисала фил-ишқ”) ўрта аср француз сайёҳ-шоирларининг назокатли лирикасига асос бўлиб хизмат қилган⁴⁰.

Маҳмуд Замахшарийнинг (XII аср) Қуръонга ёзган тафсири бу соҳадаги манбаларнинг энг яхшиларидан бири деб тан олинган. Муаллифнинг ўзи “Жоруллоҳ” (“Аллоҳнинг кишиси”) ва “Фахр ал-Хоразм” (“Хоразм фаҳри”) номларини олган. Араблар эса, бу араб бўлмаган олим, ўз асарлари ва фаолияти билан уларни араб тилига ўргатганини тан олганлар⁴¹.

⁴⁰ Хусниддинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик. -Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006. -Б. 12.

⁴¹ Уватов У. Маҳмуд аз-Замахшарий. – Т.: 1995. – Б. 25.

XIII асрдаги мўғуллар истилоси Марказий Осиё халқлари ҳаёти ва ислом динининг минтақадаги ривожланишига таъсир кўрсатмай қолмади. Ўша даврда минтақада шаклланган тасаввуф босқинчиларга қарши омманинг бирлашишида муҳим аҳамият касб этди.

Маълумки, мўғулларнинг қарийб икки асрлик истибдоди даврида таназзулга юз тутган илм-фан ва маданият Амир Темурнинг буюк ислохотчилик сиёсати туфайли Мовароуннаҳр ўзининг кўҳна шуҳратини яна тиклади. Бироқ, Соҳибқирон вафотидан сўнг темурийзолалар ўртасида сиёсий низолар, тожу тахт учун курашлар авж ола бошлади. Шундай бир пайтда элу юрт тақдири, халқ манфаатларини суфийлар ҳимоя қилишган.

Темурийлар даврида ислом Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Амир Темур томонидан барпо этилган обидалар ҳанузгача юртимизни безаб турибди ҳамда жаҳон меъморчилигининг асл намуналаридан ҳисобланади. Гўри-Амир, Регистон ансамбли, Бибихоним Ўзбекистоннинг юксак тарихий қурилиш маданияти ва санъатининг ифодаси бўлиб қолган. Уларни қуришда кўп миллат, турли мазҳаб вакиллари ҳам иштирок этгани тарихий манбаларда қайд этилган⁴².

Бир ҳолатни алоҳида таъкидлашимиз керакки, “асрлар давомида йирик шаҳарларимизда масжид, черков ва синагогаларнинг мавжуд бўлиши, турли миллат ва динга мансуб қавмларнинг ўз диний амалларини эркин адо этиб келаётгани бунинг тасдиғидир. Тарихимизнинг энг мураккаб, оғир даврларида ҳам улар ўртасида диний асосда можаролар бўлмагани халқимизнинг диний бағрикенглик борасида катта тажриба тўплаганидан далолат беради”⁴³. Ўз навбатида диний бағрикенглик ижтимоий ҳаётда доимо адоватга қарши ўзига хос қалқон вазифасини бажарган.

Фалсафа фанлар доктори, профессор А.Очилдиевнинг таъкидлашича, “у (яъни, диний бағрикенглик) турли эътиқодларнинг бир замон ва маконда биргаликда мавжуд бўлишига, уларнинг ташувчилари ўртасидаги ҳамкорлик

⁴² Хусниддинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик. -Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006. - Б. 13.

⁴³ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 61.

ва ҳамжихатликнинг шаклланишига йўл очган. Бу эса, ўз навбатида, юрт тинчлиги ва тараққиётига, умуминсоний маданият ва маънавият ривожига хизмат қилган⁴⁴.

Архиепископ Владимирнинг таъкидлашича, XIX асрда Россиянинг марказий минтақаларидан мажбурлаб кўчирилган дехқонлар ночор аҳволга тушиб қолганда маҳаллий аҳоли уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатган. Ўша давр воқеаларини кўрган иеромонах Харитон “маҳаллий аҳоли ночор кўчманчиларга раҳмдиллик билан муносабатда бўлдилар, бусиз уларнинг кўпчилиги очлик ва муҳтожликдан ўлиб кетган бўлар эдилар”, – деб гувоҳлик берган⁴⁵.

Туркистон ерларига кириб келган Рус православ руҳонийлари асосий эътиборни миссионерлик фаолиятига эмас, балки ўз жамоаларининг диний эҳтиёжларини қондиришга қаратганлар. Православлар черков қурганларида маҳаллий мусулмон аҳоли ҳам ёрдам кўрсатгани маълум. Масалан, Чирчиқ шаҳридаги “Муқаддас Георгий” ибодатхонаси қурилишига маҳаллий имом ва савдогарлар моддий эҳсон қилганлар. Бу ҳолат ушбу динлар вакиллари орасидаги ўзаро ҳурмат ўша даврлардан шаклланганига далил бўла олади.

Шўролар даврига келиб, большевиклар томонидан мусулмонлар ҳам, бошқа дин вакиллари ҳам бирдек таъқибга учрадилар. Россиядан Марказий Осиёга кўплаб православ руҳонийлари бадарға қилинди. Биргина Тошкентдаги “Боткин” қабристони ортида 3 мингга яқин сургун қилинганлар жойлаштирилган бўлиб, баъзи гувоҳларнинг таъкидлашича, деярли ҳар куни мусулмонлар келиб, уларга озиқ-овқат ва кийим-кечак тарқатганлар. Шундай ҳолатлар ҳам маълумки, баъзан мусулмонлар ўз ҳаётларини хавф остига қўйиб, православларни таъқибдан сақлаб қолганлар. Биргаликда бошдан кечирилган азоб-уқубатлар инсонларни янада жипслаштирди⁴⁶.

⁴⁴ Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – Б. 92.

⁴⁵ Қаранг: Хусниддинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик. -Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006. -Б. 13; Архиепископ Владимир. ...А друзей искать на Востоке. – Т., 2000. – С. 43.

⁴⁶ Ибрагимов Э. Ўзбекистон – диний бағрикенглик ўлкаси // Ўзбекистон – бағрикенг диёр. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – Б. 69.

Умуман олганда, диний ва дунёвий тамойилларни сунъий ажратиш, уларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйиш ҳаракати заволга юз тутишини тарихнинг ўзи кўрсатиб турибди. Мамлакатимиз тарихининг ҳар қайси даврида дин доимо одамларда яхши хислатларни кўпайтириб, ёмонлардан халос бўлишга чорлаган, юксак умуминсоний қадриятларга асосланган ҳақиқий динга диний экстремизм ва терроризмнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Бугунги кунда маънавий ва диний жабҳаларда кечаётган мураккаб жараёнда барча миллат ва дин вакиллари бир-бирларига нисбатан ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига амал қилишлари доимий барқарорликнинг муҳим омилларидан биридир.

Бутун жаҳонда, хусусан, минтақамизда охириги пайтларда кучайиб бораётган диний ақидапарастлик ва жангарилик исломнинг асл моҳияти бўлган бағрикенгликка зид ҳаракатларга сабаб бўлаётир. Давлатларнинг дунёвий тараққиёти, демократик ўзгаришлар, диний бағрикенглик жараёнига ақидапарастлик, диний муросасизлик ва экстремизм каби иллатлар салбий таъсир кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат, бундай ҳаракат, оқим ва ташкилотларнинг номлари ва шиорлари турлича бўлишига қарамай мақсадлари бир – диндан ниқоб сифатида фойдаланиб, давлат сиёсатига аралashiш, ҳокимиятни қўлга киритишдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Илом Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобида диннинг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳақида, жумладан, шундай дейди: “Биз дин бундан буён ҳам аҳолини олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятларидан, тарихий ва маданий меросидан баҳраманд қилиши тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралashiш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки

бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз»⁴⁷.

Хулоса қилиб айтганда, халқимизнинг миллий ва диний қадриятларининг ҳозирги демократик жамият қадриятлари билан уйғунлашиши республикамизнинг келажакда янада раванқ топиши, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишида муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

2. Юртимизда фаолият кўрсатган динларда бағрикенглик тамойилларининг аҳамияти

Истиқлол ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, жумладан, маънавий жабҳадаги янгилаш ва туб ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Динга бўлган муносабат ижобий томонга ўзгарди, виждон эркинлиги қонун орқали қафолатланди. Миллий ва диний қадриятларни тиклаш, улуғ алломаларимиз ҳаёти ва фаолиятини тадқиқ этиш, уларнинг бутун жаҳон афкор оммаси тан олган асарларини халқимизга қайтариш бўйича хайрли ва эзгу ишлар амалга оширилди. Диний расм-русумлар, байрамларни ўтказиш, эркин ибодат қилиш, диний ўқув юртларини очиш, хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш учун кенг имкониятлар юзага келди.

Эътиқод эркинлиги диний бағрикенгликнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатлари диний ташкилотлар ва давлат муносабатларида доимо долзарб масалалардан бири бўлиб келган. Бу бежиз эмас, албатта. Дин мамлакат аҳолисини руҳий чиниқтириш ҳамда юксак ахлоқ, ватан ва халқ манфаати йўлида фидокорлик, поклик, ўз миллатига содиқлик каби қадриятларни кундалик ҳаётга татбиқ этиш орқали турмуш тарзини ўзгартириш ва юрт фаровонлигини оширишга хизмат қилади. У инсондаги энг қимматли, энг эзгу фазилат ва хислатларни юзага чиқаришга қодир⁴⁸.

⁴⁷ Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт қафолатлари. -Т.:Ўзбекистон, 1997. -Б. 44.

⁴⁸ Ҳусниддинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик (монография). -Т.: Тошкент ислом университети, 2006. -Б.25.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, кўп конфессияли жамиятда турли дин вакилларининг ўзаро дўстлик ва аҳилликда яшаши ҳамда бунёдкорлик ишларида давлат билан ҳамкорлик қилиши барқарор тараққиётни таъминлайдиган асосий омиллардан ҳисобланади. Қолаверса, “Инсон эътиқодсиз, имонсиз яшай олмайди. Чунки комил ва собит эътиқод жамият маънавий қиёфасини белгилайди”⁴⁹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида, жумладан, шундай дейилади: “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”⁵⁰.

Агар эътибор берадиган бўлсангиз, ушбу моддада дунёвий давлатнинг динга бўлган муносабатини кўрсатадиган асосий омилларни кўришимиз мумкин. Аввало, давлат виждон эркинлигини кафолатлаш орқали динга қарши сиёсат олиб бормаслиги таъкидланмоқда. Иккинчидан, эътиқод қилиш ёки қилмаслик инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми экани кўрсатилган.

Шунингдек, юқоридаги омиллардан келиб чиқиб, жамиятда диний мувозанат, бағрикенгликни таъминлаган ҳолда давлат диний қарашларнинг мажбуран сингдирилишига йўл қўймаслиги эътироф этилмоқда.

Бу борада юртбошимиз таъкидлаганларидек, “Мамлакатимизни демократик тамойиллар, илм-фан ютуқлари, юксак технологиялар асосида модернизация қилиш билан бирга, муқаддас динимизни, миллий ўзликимизни асраб-авайлаб яшашни мақсад қилиб қўйганмиз”⁵¹.

Ўз навбатида айтишимиз керакки, “аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим

⁴⁹ Хусниддинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик (монография). -Т.: Тошкент ислом университети, 2006. -Б.26.

⁵⁰ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2003. -Б.8.

⁵¹ Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч қудратимизга, халқимизнинг букилмас иродасига боғлиқ. -Т.: Ўзбекистон.2004. -Б.8.

вазифа бўлиб қолди”⁵². Хусусан, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Хожа Аҳрор Валий каби мутафаккирларнинг юбилейлари нишонланди. Аждодларимиз илмий-маънавий меросини ўрганиш ва тадқиқ этиш долзарб масалага айланди.

Дунёдаги аксарият мамлакатларда дин ва давлат ўртасидаги муносабат замирида диннинг давлатдан ажратилиш тамойили асосий ўринни эгаллаган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида шундай дейилади: “Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди”⁵³.

Ўзбекистон мустақиллигининг илк кунлариданоқ ижтимоий ва маънавий ҳаётда диний омилнинг ўрни тубдан ўзгарди. Бунга сабаб – давлатнинг динга бўлган муносабатида юзага келган ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ. Зеро, фуқаролар ҳақиқий эътиқод эркинлигини ҳис қила бошлади.

Юртимиз тарихан кўп миллатли ўлка ҳамда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик туфайли бу заминда турли-туман дин вакиллари эмин-эркин ва ўзаро ҳамжиҳатликда истиқомат қилишмоқда.

Мустақилликдан сўнг амалга оширилган тадбирлар таҳлили асосида диний соҳа ислохотларидаги асосий тамойилларга қуйидагиларни келтириб ўтиш ўринлидир:

- диний ташкилотлар давлат сиёсатида асло аралашмайди. Президентимизнинг “Дин ўз йўли билан давлат ўз йўли билан” деган ибораси айнан шу маънода айтилган. Жаҳон тажрибасига кўра, ҳар қандай дунёвий ҳуқуқий давлатда сиёсат диний таъсирдан холидир;

- дунёвий давлат умуминсоний тамойиллар, ҳуқуқ ва қонунларга таянган ҳолда жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техник, маданий

⁵² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон. 1998. –Б.524.

⁵³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон. 1992. –Б.20.

муаммоларни ҳал қилади. Диний ташкилотлар Ўзбекистон давлатининг секуляр (дунёвий) характерини эътироф этишлари назарда тутилади;

- мамлакатимизда ҳар қайси дин ва диний ташкилот бошқа дин вакилларига нисбатан тенг ҳуқуқли ва ўзаро дўстона муносабатда бўлмоғи даркор;

- давлат таълим тизими дин ва диний ташкилотлар таъсиридан батамом холи бўлиши шарт;

- республикаимизда фаолият кўрсатаётган имомларнинг аксарияти махсус диний маълумотга эга эмас эди. Уларни тайёрлаш мақсадида қисқа муддатли малака ошириш курслари ташкил этилди;

- Ўзбекистондаги мавжуд диний таълим услубиёти тадрижий тарзда ислоҳ қилина бошланди. Масжид мадраса эмас, яъни у билим (ўқув) маскани вазифасини бажармайди. Шу боисдан масжидларда диний таълим бериш тўхтатилиб, диний таълим фақат янги ташкил этилган махсус ислом ўқув юртларида олиб борилиши белгиланди;

- турли дин вакилларининг орасида бир-бирига ҳурмат ва бағрикенглик руҳини вужудга келтириш учун Қуръоннинг “динда мажбурлаш йўқ” (Бақара, 256) ғоясини қўллаш лозим⁵⁴. Мазкур тушунча асосида диний миссионерлик фаолиятининг олди олинмоқда.

- республикаимиздаги масжидларда имомларни танлаш ва тайинлаш ишига алоҳида эътибор берилмоқда. Айрим ҳолларда уларнинг умуман диний тайёргарлиги ҳам йўқ эди. Шўро даврида диний таълимда узилиш юзага келгани туфайли мустақилликнинг дастлабки даврида дин пешволари ва уламолар орасида диний қарашларни халққа тўғри етказа оладиганлари санокли эди. Шундан келиб чиқиб, диний таълим муассасаларининг ўқув режалари қайта кўриб чиқилди, фаол, билимли дин уламолари сонини кўпайтириш, дунёвий олимлардан кўпроқ фойдаланиш давом эттирилиши йўлга қўйилди⁵⁵.

⁵⁴ Обидов Р. Қуръони каримда Исо пайғамбар сиймоси. -Т.: Тошкент ислом университети, 2002. – Б.12.

⁵⁵ Хусниддинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик (монография). -Т.:Тошкент ислом университети нашриёти, 2006. – Б.36.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Эндиликда олдимизда турган энг муҳим вазифа – ана шу юксак тушунчалар билан бирга миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қилладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларниг маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим тарбия ишларининг марказига кўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат”⁵⁶.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2011 йилнинг 1 январигача бўлган маълумотларига кўра республикада 2051 та исломий ташкилот, жумладан, 2039 та масжид, Тошкент ислом институти, 9 та ўрта махсус ислом билим юрти фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, жами 176 та ноисломий диний ташкилот, шулардан 160 та христиан черкови, 8 та яҳудий синагогаси, 6 та баҳоий жамоаси, 1 та Кришнани англаш жамияти ва 1 та будда ибодатхонаси фаолият олиб бормоқда. Истиклол шарофати туфайли тарихда биринчи марта Тошкентда православ ва протестант семинариялари фаолият кўрсата бошлади.

1995 йил октябрь ойида минтақамизда биринчи бор Тошкент шаҳрида “Бир само остида” шиори билан ўтказилган халқаро мусулмон-насроний конференция, 1996 йилнинг ноябрда эса Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 125 йиллик тантаналари ўтказилгани юртимиз ва халқимизга хос бағрикенглик анъаналарининг ёрқин мисоли бўла олади.

Ўзбекистон том маънода диний бағрикенгликнинг тарихий меросхўри сифатида жаҳон ҳамжамиятида эътироф этилмоқда. Зеро, бу юртда мозийда ҳам диний бағрикенглик шу заминда яшовчи турли эътиқодга мансуб

⁵⁶ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2009. – Б.75.

халқларни олий мақсад – юрт фаровонлиги сари интилишларини таъминловчи муҳим омил бўлиб келган, ҳозирда ҳам шундай давом этмоқда. Дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади ва яхшилик, тинчлик, дўстлик каби хусусиятларга таянади. Дарҳақиқат, ҳар бир инсон, жамоа ва миллатлар башариятнинг турли-туман маданиятлардан иборат эканини англаши ва ҳурмат қилиши жуда муҳим. Зеро, бағрикенгликсиз тинчлик, тинчликсиз тараққиёт бўлмайди⁵⁷.

Динлараро ва конфессиялараро мулоқотни қўллаб-қувватлаш ва бу борада барқарорликка эришишда халқаро ташкилотлар муҳим ўрин тутаяди. Ҳозирда динлараро соғлом мулоқотни рағбатлантириш цивилизациялараро мулоқотни таъминлаш тизимининг узвий таркибий қисми сифатида БМТ, Европада Ҳамкорлик ва хавфсизлик ташкилоти каби тузилмалар фаолиятдан кенг ўрин эгаллаган. Бу йўналишда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1995 йилни “Халқаро бағрикенглик йили”, 2000 йилни “Халқаро жаҳон маданиятлари йили”, 2001 йилни “БМТ шафелигидаги цивилизациялараро мулоқот йили”, 2001-2010 йиллар оралиғидаги даврни эса Халқаро нозўравонлик маданияти ва сайёрамиздаги болалар манфаати йўлида тинчликни таъминлаш ўн йиллиги, деб эълон қилингани глобал диний ҳаётдаги асосий ижобий ўзгаришлардан ҳисобланади. Шунингдек, БМТ бош Ассамблеясининг Ислом Конференцияси Ташкилоти билан ўзаро ҳамкорлик ҳақидаги ҳар йили имзоланадиган резолюцияси ҳам бу йўналишдаги муҳим тадбирлардан саналади. Ушбу резолюцияга мувофиқ 2001 йил май ойида бутунжаҳон диний ва маънавий етакчилар саммити чақирилиб, БМТ қошидаги диний вакиллар Кенгаши таъсис этилди. Бундан ташқари, Европа Кенгаши Парламентлар Ассамблеяси томонидан “Ислом цивилизациясининг Европа маданиятига қўшган ҳиссаси” тўғрисида илгари сурилган тавсиялар ҳам динлараро соғлом мулоқотни мустаҳкамлаш йўлидаги глобал аҳамиятга молик ишлар сирасига киради⁵⁸.

⁵⁷ Усмонов И. Ўзбекистон – диний бағрикенглик анъаналари меросхўри. www.tiu.uz

⁵⁸ Комилов К. Диний глобаллашувнинг мазмун ва моҳияти. Илмий-таҳлилий ахборот//Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. № 4.-Б.17.

Аждодларимизнинг буюк ва улуғвор меҳнати ҳамда меросини ўзида мужассам этган диний кадрятлар бугунги кунда ҳаётга қайтарилмоқда. Бундай ишлар нафақат ислом динида, балки бошқа конфессиялар доирасида ҳам кечмоқда. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “Халқимизнинг этник, маданий ва диний сабр-бардоши маънавий Уйғонишнинг яна бир битмас-туганмас манбаидир. Минг йиллар мобайнида Марказий Осиё ғоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва тинч-тотув яшаган марказ бўлиб келди. Этник сабр-тоқат, бағрикенглик ҳаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрларга айланди... Айни шу заминда кўп асрлар мобайнида жаҳон маданиятлари дунё миқёсида бир-бирини бойитган”⁵⁹.

Юқорида таъкидланганидек, халқимизга хос диний бағрикенглик асослари мураккаб тарихий жараёнлардаги синовлардан ўтган. Айни пайтда ана шундай оғир синовларни бошидан кечирган турли эътиқод вакиллари қийин пайтларда бир-бирларини қўллаб-қувватлаб, ўзаро ёрдам беришгани тўғрисида кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

Россиянинг марказий минтақаларидан XIX асрда мажбурлаб кўчирилган рус чорикорлари ночор аҳволга тушиб қолганда мусулмон аҳоли уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатганлиги ҳақида тарихий далиллар ҳам мавжуд. Бу борада митрополит Владимир ўша давр воқеаларини кўрган иероманак Харитоннинг “Маҳаллий аҳоли бечора кўчманчиларга ҳамдардлик билан меҳрибонлик қилишмоқда, акс ҳолда уларнинг кўпчилиги очарчилик ва муҳтожликдан ўлиб кетган бўлар эдилар”⁶⁰, деган сўзларини келтиради.

Евангель-лютеран черкови вакиллари ҳам ўтган асрнинг 30-йилларидаги ҳолат юзасидан шундай маълумотларни келтиришади: “Немислар гавжумроқ истиқомат қиладиган жойларда нафақат ибодат уйлари, балки мактаблар ҳам ташкил қилинган. 1909 йилда Тошкентда қурилган немис мактаби ўзига хос маданият маркази бўлган. Мактабда спектакллар, концертлар ва бошқа

⁵⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон. 1997. –Б. 141–142.

⁶⁰ Архиепископ Владимир. ...А друзей искать на Востоке. –Т.: 2000. – С. 43.

байрамлар ўтказилган. Ёзда лютеранлар кечалари Кирха яқинидаги Солорга олиб борадиган боғда сайр қилардилар, немис қўшиқларини куйлардилар ва ўзаро дўстона суҳбатлар уюштирардилар”⁶¹. Лютеранларнинг бундай эркин ҳолати турли эътиқоддагиларнинг бир-бирига сабр билан муносабатда бўлганининг яққол исботидир.

Проф. А. Абдусамедовнинг таъкидлашича, етмиш йиллик собиқ шўролар даврида халқ қалбидан ҳақиқий эътиқодни сиқиб чиқаришга уринишлар бўлди. Диний кадрятлар турли баҳоналар билан оёқ ости қилинди. Бунинг оқибатида бебаҳо маданият – архитектура ёдгорликлари, масжиду мадрасалар, черковлар, халқнинг тарихий хотираси, маънавияти, дунёкараши муҳрланган солномалар, диний асарлар ва қўлёзмалар йўқ қилинди. Шу нуқтаи назардан қараганда, айниқса 1920–30-йиллар оғир кечганини таъкидлаш зарур. Масалан, 1929–1930-йилларда Туркистон худудида кўплаб масжидлар ёқиб юборилган. Биргина Тошкентда 1911 йилда 26 мадраса бўлса, шулардан 1930-йилларда 23 таси вайрон қилинган⁶².

Шу ўринда айтишимиз керакки, бундай ҳолатлар кейинчалик ҳам давом этди. Масалан, 1950-йиллардан кейинги даврда 20 мингга яқин ёдгорликлар бузиб ташланди. Фарғона водийсида тарихий ёдгорликларнинг учдан бир қисми сақланиб қолган, холос⁶³.

Ачинарлиси шундаки, ушбу даврда нафақат ислом, балки бошқа дин вакиллари ҳам кўп азият чекишди. “Большевиклар православлик ва исломга бир хилда ғазаб билан тажовуз қилдилар. Бу ўлкада улар ибодатхоналарни вайрон қилдилар, масжидларни ёқдилар. Уларнинг ўзлари руҳонийни ҳам, муллани ҳам қамадилар”⁶⁴, – деб таъкидлайди митрополит Владимир.

Христианликнинг бошқа конфессиялари ҳам ушбу қатағондан четда қолмади. Жумладан, Рим-католик черкови Ўзбекистондаги собиқ

⁶¹ Кнауер Н.Х. Евангелическо-лютеранская церковь в Туркестане // К истории христианства в Средней Азии (XIX–XX вв.) / Сост.: Л.И. Исукова. –Т.: Узбекистан, 1998. – С. 244.

⁶² Қаранг: Абдусамедов А. Социал тараққиёт ва ислом. –Т.: Ўзбекистон. – 1984. –Б. 93.

⁶³ Ибрагимов Н. Нет народа без храма...//Человек и политика. – 1991. – № 10. – С. 25–27.

⁶⁴ Рядом с исламом. Беседа корреспондента «Независимой газеты» Юрия Егорова с главой Ташкентской и Среднеазиатской епархии Русской Православной Церкви архиепископом Владимиром // Восток свыше / духовное и литературно-историческое издание. –Т.: 2001. – Вып. 1. – С. 50.

ординариуси К.Кукольканинг костел биноси тарихига тўхталар экан, совет даврида “Костел биносини турар жойга мослаштириб, ҳар хил мақсадларда фойдаланилди. Турли йилларда бу бинога кабель заводи ётоқхонаси, республика акушерлик мактаби ётоқхонаси, Ўзбекистон тиббиёт техникаси бошқармаси ва омборхонаси, орган музыкаси зали жойлаштирилгани”⁶⁵ ҳақидаги маълумотларни келтириши ҳам ўша даврларда динга салбий муносабат кўрсатилганидан далолат беради.

100 йилдан кўп тарихга эга Евангель-лютеран черкови ибодатхонаси – кирха тақдирида ҳам шундай жараёнлар бўлиб ўтган. Бу ҳақда В.Корнелиус кўйидаги маълумотларни келтиради: “1937 йил кирха ёпилганидан сўнг, то Иккинчи жаҳон урушига қадар бўш ётди. Уруш даврида омборхона вазифасини ўтади. Кейинчалик уни икки қаватга мослаштирилиб, Геология бошқармаси, Итбоқарлар жамияти, ётоқхона сифатида фойдаланилган”⁶⁶.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг диндорлар ўз ибодатлари, диний маросимларини эркин амалга ошириш, ибодатхоналарини қайта тиклаш ва ишга туширишлари учун имкониятлар яратиб берилди. 1992 йил 8 сентябрда Немис евангель-лютеранлар черкови расмий рўйхатдан ўтди. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 майдаги қарори билан кирха лютеранларга қайтариб берилди. 1992 йилда рим-католиклари жамоаси ташаббуси билан тарихий ёдгорлик – костёлни тиклаш ишлари бошлаб юборилди. Тиклаш ва таъмирлаш ишлари архитектор С.С.Адамов бошчилигидаги тошкентлик таъмирчилар томонидан олиб борилди. Ибодатхона (Тошкент ш, Ҳамза тумани, 80/1) 2000 йилнинг 22 октябрида очилди. 1996 йилда кирханинг, 2002 йилда костелнинг 100 йиллиги тантанали нишонланди.

Ҳукуматимизнинг бундай одилона сиёсатини тўғри тушунган юртимизда фаолият кўрсатаётган турли эътиқод вакиллари кўллаб-

⁶⁵ Куколка К. Из истории католичество в Узбекистане (вторая половина XIX–XX век) // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – Т., 1999. – № 3–4. –Б.156.

⁶⁶ Корнелиус В. Евангелическо-лютеранская церковь // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – Т., 1999. – № 3–4. –Б. 158.

қувватлашмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Библия жамияти ижрочи директори С.Митин: “Диний бағрикенглик ва қонун устуворлиги – бу кўпмиллатли давлат қурилиши лозим бўлган пойдеворнинг бир қисмидир”⁶⁷, – деган нуқтаи назарни илгари суради.

Митрополит Владимир бу хусусда: “Орамизда дўстлик ришталари ҳамма соҳаларда намоян бўлмоқда: ҳар бир православнинг мусулмон дўстлари мавжуд бўлгани каби руҳонийлар ва имомлар ўртасида ҳам дўстлик алоқалари жуда баланд. Дўст-мусулмонларга тадбиркорлик соҳаси ёки конституция бўйича ёрдам билан мурожаат қилинса, албатта сўралган нарсани оламиз. Бизда зиддиятлар у ёқда турсин тушунмовчиликлар ҳам мавжуд эмас”⁶⁸, – деб таъкидлайди.

Евангель-лютеранлари черкови раҳбари К.Вибенинг “Мана 129 йилдирки лютеранлар черкови қавми гўзал Ўзбекистон ерида яшаб келмоқдалар ва унинг гуллаб-яшнаши учун бор имкониятларини ишга солганлар ва солмоқдалар”⁶⁹, – деган сўзлари ҳам динлараро ижобий муносабатларнинг яққол исботидир.

Умуман олганда, Ўзбекистондаги турли конфессиялар ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликка асосланган. Умумбашарий ғоя – диний бағрикенглик юртимизда азалий қадриятлардан ҳисобланиб, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида мамлакатда расмий фаолият олиб бораётган барча диний конфессиялар вакиллари ўз жамоаларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун қоидаларига қатъи риоя қилаётганлари ҳамда диний бағрикенгликни мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшаётганликларини доимо таъкидлаб келмоқдалар.

⁶⁷ Митин С. Веротерпимость и торжество закона // Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – тараққиёт омили / Таҳрир ҳайъати: З.Хуснидинов, Т.Алимов, А.Ҳасанов ва б. –Т., 2003. –Б. 48.

⁶⁸ Архиепископ Владимир. ...А друзей искать на Востоке. –Т.: 2000. – С. 45.

⁶⁹ Вибе К.К. Мир и благодать нашему дому // Ўзбекистон – бағрикенг диёр / Масъул муҳаррир А.Очилдиев. –Т.: Ўзбекистон, 2007. –Б. 164.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан диний бағрикенглик сиёсати одилона олиб борилмоқда. Республикада ислом билан бир қаторда 16 диний конфессия вакиллари эмин-эркин фаолият кўрсатаётгани бунинг яққол мисолидир. Ҳар қандай кўпмиллатли ва кўп динли давлатда миллатлараро тотувлик ва конфессиялараро ҳамкорлик, жамиятдаги барқарорлик ва тараққиётга мустаҳкам замин яратувчи, унинг истиқболни белгилаб берувчи омиллардан саналади.

I боб бўйича хулоса

Тадқиқотнинг I боби бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Марказий Осиё азалдан турли урф-одат, маданият, тил, турмуш тарзига эга бўлган, хилма-хил динларга эътиқод қилувчи бир-бирига ўхшаш бўлмаган бир неча халқлар яшаган минтақа саналади. Бунда Ўзбекистоннинг жўғрофий нуқтаи назардан муҳим савдо йўллари чоррахасида жойлашгани, кўплаб давлатлар билан иқтисодий, маданий алоқалар қилгани ерли халқнинг диний ва маданий ҳаётига катта таъсир кўрсатган.

2. Ўзбекистондаги миллатлараро ҳамжиҳатлик ва динлараро бағрикенглик бўйича ўзининг мустаҳкам тарихий илдизларига эга. Бизнинг худудимиз минг йиллар давомида Буюк Ипак йўлининг муҳим қисми бўлиб келган. Бу ерда савдо-сотик, илм-фан, маданият марказлари вужудга келган. Уларнинг ривожланишида халқимизга хос бағрикенглик, меҳмондўстлик, ўзга маданият вакилларига ҳурмат туйғулари асосий омиллардан бўлган. Шунинг учун ўлкамизда турли халқлар урф-одат ва анъаналари ўзаро уйғунликда ривожланган.

3. Мамлакатимиз худудида фаолият юритган зардуштийлик, буддавийлик, ислом ва христианлик каби дин вакилларининг асрлар давомида ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатиб келиши диний бағрикенглик илдизлари чуқур бўлганининг яққол исботи десак бўлади.

4. Ўзбекистон ҳукумати мустақилликнинг илк кунлариданоқ ўзининг динга муносабатини “Дунёвийлик – дахрийлик эмас” тамойили асосида аниқ ва қатъий белгилаб олди. Давлатнинг динга муносабати “Инсон эътиқодсиз

яшай олмайди” деган ишонч асосида белгиланди. Бу тамойилдан келиб чиқиб, ҳозирги кунда мамлакатимизда турли диний конфессиялар диний бағрикенглик, ўзаро ҳамжихатлик каби умуминсоний қадриятлар асосида фаолият кўрсатиб келмоқда.

5. Ўзбекистон турли динларга мансуб қадриятларни асраб-авайлаш барча фуқаролар ўз эътиқодини амалга ошириши учун зарур шароитларни яратиб бериш, динлар ва миллатлараро ҳамжихатликни янада мустаҳкамлаш улар ўртасидаги қадимий муштарақ анъаналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Мустақиллик туфайли ўзлигимизни англаш, маънавий, миллий ва диний қадриятларимизни тиклаш жараёни кечаётган ҳозирги пайтда нафақат исломга, балки бошқа диний конфессияларга ҳам муносабат тубдан ўзгарди.

II боб. Ўзбекистондаги христиан диний конфессиялари.

1. Христианликнинг илк йўналишларидан бири несторианликнинг Марказий Осиёга кириб келиши ва тарқалиши

Марказий Осиё худудидаги цивилизацияларнинг юзага келиш тарихи қадимий даврларга бориб тақалади. Археологик топилмалар бу минтақада исломгача оташпарастлар билан бир қаторда буддизм ва христиан динларига эътиқод қилувчилар ҳам истиқомат қилганини кўрсатмоқда.

Марказий Осиёга христианликнинг тарқалиш жараёни кўплаб мутахассисларнинг тадқиқот мавзуси бўлган. Хусусан, рус шарқшуноси В.В. Бартольднинг тадқиқотларидан бири Егтисойдан топилган сурёний қабр тошларига бағишланган. В.В. Бартольд Мовароуннахрнинг мўғулларгача бўлган давр тарихига оид тадқиқотларида ушбу мавзуга қайта-қайта мурожаат этган⁷⁰.

Шунингдек, ушбу мавзу Г.И. Богомолов, Ю.Ф. Буряков, Л.И. Жукова, А.А. Мусакаева, Г.В. Шишкина, З.И. Усмонова, Л.И. Альбаум, И.Д. Иваницкий, Т.В. Беляева, Б.А. Абдулғозиева, В.Д. Горячева, С.Я. Перегудова, К.М. Байпаков, Л.В. Ундерова каби тадқиқотчилар томонидан ҳам ўрганилган⁷¹.

Рим империясининг шарқий худудларида пайдо бўлган христианлик I асрдаёқ империяга қарам бўлган халқларнинг асосий диний эътиқодига айланди. Кейинчалик империяда расмий дин сифатида тан олинди. Кўп ўтмасдан христианликда турли оқимлар ва йўналишлар юзага келди. Христианлик ақидасига зид оқимлар империя худудидан Шарққа, асосан, Эрон, Ўрта Осиё, Шарқий Туркистондан Хитойгача бўлган худудларга қувиб чиқарилди. Бу жараёнлар христианликнинг тезлик билан тарқалишига сабаб бўлди. Кейинчалик янгидан-янги қавмларни ўз ичига олган христианлик бир

⁷⁰ Жукова Л. Из истории древних культов Средней Азии: Христианство. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 3.

⁷¹ Қаранг: Ёвқочев Ш. Марказий Осиё динлари тарихи. – Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006. – Б. 76.

неча аср мобайнида ривожланиб дунёдаги энг катта динлардан бирига айланди⁷².

Христианлик таълимоти тарқалишида христиан жамоаларининг Шарқ ва Жанубга ҳаракатлари даврида амалга оширган кенг миссионерлик фаолияти катта роль ўйнади. Экваториал Гвинея, Бурунди, ва Тонга каби Африка давлатларининг герб ва байроқларида “библия”, ёки “вифлеем юлдузи”нинг мунтазам акс этиши маҳаллий аҳолига тарғиботчилар кўрсатган давомли таъсирлардан далолат беради⁷³.

Христианликнинг ўша вақтда кенг халқ оммаси учун тушунарли ва таъсирчан бўлганлиги унинг тез суръатларда тарқалишига асосий сабаблардан бири бўлди. Айтиш мумкин, христиан тарғиботчилари инсонларга диний таълимотларини етказиб бериш учун астойдил ҳаракат қилишлари бу диннинг тез ёйилишига туртки бўлди⁷⁴. Бунга мисол сифатида ҳаворийлар ҳақидаги ривоятлардан бирини келтириш мумкин. Ривоятда айтилишича, ҳаворийлар Павел ва Барноба Кичик Осиёда миссионерлик ҳаракатларини олиб бораётган вақтда Ликаоний вилоятига келишади ва катта бўлмаган шаҳарча дарвозаси олдида христианлик дини ҳақида ваъз айта бошлашган. Маҳаллий аҳоли ликаон тилида гаплашганлиги учун ҳаворийларни яхши тушунишмайди, бироқ тарғиботчиларнинг ҳатти-ҳаракатлари уларга шунчалик кучли таъсир кўрсатадики, ўзларига гуёки худоларнинг ўзи намоён бўлди деб ўйлашади. Шу боис, Барнобани Зевс, Павелни Гермес сифатида қабул қилишади. Чунки, Барнобанинг сукут сақлаб салобат билан туриши, Павелнинг эса халққа мурожаат қилиши уларга Зевс ва Гермесни эслатиб юборган эди. Зевс ибодатхонасининг коҳини буқа ва гулчамбар келтириб уларнинг шарафига қурбонлик қилмоқчи бўлади. Вазиятни яхши тушунган Павел ва Барноба ўзларининг худди уларга ўхшаган одам эканликларини кўрсатиш мақсадида

⁷² Жукова Л. Из истории древних культов Средней Азии: Христианство. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 5.

⁷³ Ёвқочев Ш ва бошқалар. Марказий Осиё динлари тарихи. – Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006. – Б. 76.

⁷⁴ Жукова Л. Из истории древних культов Средней Азии: Христианство. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 6.

устиларидаги кийимларини йиртиб ташлашади. Афтидан, лакаонийликларни ишонтириш катта машаққат талаб этган кўринади⁷⁵.

Христианликнинг Марказий Осиёга кириб келишига Рим империясида христианларнинг беаёв тазйиқ остига олиниши ҳам сабаб бўлди⁷⁶. III асрга тегишли бир Сурия манбасида чегаралари икки дарё оралиғини қамраб олган Кушон давлатидаги христианлар ҳақида маълумот келади. Кушон давлати орқали христианлик Эрон, Ўрта Осиё, Муғулистон ва ҳаттоки, Хитойгача етиб борди⁷⁷.

Ўрта Осиё, Туркистон ва Хитой ҳудудларига христианлик Эрон, Сурия, кейинроқ эса Буюк ипак йўли орқали кириб келган. Христиан таълимотига кўра, бу диннинг Шарқда, Ҳиндистонда ва чегарадош давлатларда ёйилиши хаворий Фома ва Андрей Первозванный номи билан боғланади.

Шунингдек Ҳиндистондаги христиан жамоалар ҳозиргача ҳам “апостол Фома христиани” номи билан юритилади.

Ҳозирги даврда ҳам Ўзбекистон ҳудудида христианлар ва мусулмонлар учун муқаддас “Иова булоғи” мавжуд бўлиб, улардан энг машҳури Бухоро шаҳрида жойлашган. Айнан Хоразм Иова Многострадальный яшаган маскан бўлганлигини олимлар томонидан қадимги Хоразмни Месопотамия цивилизацияси билан бир бўлганлигини тасдиқловчи тахминлар ҳам исботлайди.

Рим императорлари томонидан христианлик қабул қилиниб, давлат дини бўлганидан сўнг Форсда христианларни қувғин қилиш бошланди ва улар Марказий Осиё ҳудудига кўчиб кела бошладилар. Археологлар илмий тадқиқотлар жараёнида Марв шаҳри ҳамда I-II асрларда қурилган черковларга яқин жойларда II-III асрларга оид қабрларни топганлар⁷⁸. 334 йилдан Марвда христиан епископ тилга олинади.

⁷⁵ Жукова Л. Из истории древних культов Средней Азии: Христианство. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 6.

⁷⁶ Ёвкочев Ш. Марказий Осиё динлари тарихи. – Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006. – Б.

77.

⁷⁷ Жукова Л. Из истории древних культов Средней Азии: Христианство. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 8.

⁷⁸ Усмонова З. Христианские памятники Туркмении. Из истории древних культов Средней Азии. Христианство. Т.: 1994. -Б. 29-31.

Шундай қилиб милонинг илк асрларидаёқ христианлик Марказий Осиё, айниқса, Марв ва Бактрияда кенг тарқалган эди. Марвлик епископлар Шарқий черковда катта эътибор қозонганлар ва черков соборларида иштирок этганлар⁷⁹. Муқаддас ёзувни шарҳлаш, черков маросимлари, Исо борасидаги ихтилофлар охир-оқибатда Православ черковининг турли секта ва йўналишларга бўлинишига олиб келди⁸⁰.

Марказий Осиёда исломдан олдин христианларнинг мавжуд бўлгани ашъвий далиллар билан ҳам исботланган. Улар орасида черков, монастыр, христианликка оид буюм, қабртош ҳамда тангалар бор.

Несторианлик христианликдаги йўналишларининг энг кам сонлисидир. У V аср бошларида пайдо бўлган. Бу йўналиш асосчиси 428-431 йилларда Константинополь патриархи лавозимидаги монах Несторий ҳисобланади⁸¹. Несторий самимий, ўзига ишонган ва ниҳоятда шон-шуҳратга интилувчи шахс бўлган. Даставвал унинг ўзи арианлар ва гностикларга қарши курашчи сифатида обрў қозонган. Шу сабабли Константинополь патриархи лавозимига лойиқ топилган.

XX асрга келибгина Несторийнинг сўнги кунлари ҳақида маълумот топилди. 1910 йилда топилган ва нашр қилинган Несторийнинг “Трактат Ираклида Эфеского” (“Эфес Ираклид Трактати”) асари шуни кўрсатадики, Мисрдаги сургун вақтида у қарашларини қайта кўриб чиқиб, ўз хатоларини тан олган ва фикрларидан воз кечган. Унинг ўзи несторианликни танқид қилиб, ўша вақтда монофизитларга қарши курашаётган Флавиан Константинопольский ва Льв Великийнинг православликка оид қарашларини қўллаб-қувватлаб Царградга хат ёзади. Черков доираларида Несторийни Тўртинчи Бутун Жаҳон Соборига таклиф қилиш масаласи муҳокама қилинади. У Черков томонидан кечирилгач, сургундан ватанига қайтаётиб йўлда вафот этади⁸².

⁷⁹ Журнал. Восток свыше. III.:2002.-С.23.

⁸⁰ Ретвеладзе Э.В. Великий шелковый путь. -Т.: 1999.-С.73.

⁸¹ Ўша аср. – Б. 138.

⁸² Митрополит Ташкентский и Среднеазиатский Владимир(Иким). Христианство в Центральной Азии. – М.: М. Сканрус, 2011. – Б. 102.

Христианликнинг бошқа йўналишлари намоёндаларидан фарқли равишда несторианлар “Исо Масих Худонинг ўғли бўлмаган, балки Худо мужассамлашган инсон бўлган, шу сабабли Исо Масихнинг худолик ва инсонлик табиати бир-биридан фарқлидир”, деб эътиқод қиладилар. Шунга боғлиқ равишда уларда Биби Марям Худони эмас, балки Исони дунёга келтирган деб ҳисобланади ва унга алоҳида эътиқод қилинмайди. 431 йилда Учинчи Бутун Жаҳон Эфес соборида несторианлик эътиқоди ва оқими “ересь” (бидъат) сифатида қораланган ва таъқиб остига олинган⁸³.

Бугунги кунда мазкур черков тарафдорларининг сони тахминан 200 минг кишини ташкил этади. Улар Ироқ (82 минг), Сурия (50 минг), Ҳиндистон, Эрон, АҚШ, Россия, Грузия, Арманистон ва бошқа мамлакатларда жойлашган⁸⁴.

431 йилда Византиядаги христианларнинг Эфес соборида можаро юз бергач, несторианлик оқимининг христианлари, ҳукмрон дин ақидаларига хилоф иш қилган деб эълон қилинди. Шунинг учун Рим Империясидан ташқарига чиқариб юборилган несторианлар ва христианларнинг бошқа гуруҳлари ўзларини “Шарқ Черкови” деб номлаб, Шарққа, Эрон, Сурия ва Фаластинга қараб ҳаракатландилар. Миссионерларнинг фаол олиб борган тарғиботлари натижасида христианлик бу ҳудудларда тезлик билан тарқала бошлади. Бу диннинг таъсир доираси шу даражада кенгайдикки, ҳатто Эрон шоҳининг бир томонида зардуштий коҳини ўтирса, иккинчи томонида католик мазҳабидаги христиан жой эгаллаганди⁸⁵.

431 йилда Эфесдаги Бутун дунё Христианлар соборида Несторий еретик⁸⁶ деб эълон қилинди, унинг таълимоти қораланди. Кейинчалик, аниқроғи 449 йилда лаънатланди. 431 йил Эфес соборида унинг

⁸³ Агзамходжаев С., Раҳимжонов Д., Муҳамедов Н ва бошқалар. Дунё динлари тарихи. – Т.: Тошкент ислом университети, 2011. – Б.138.

⁸⁴ Ўша аср. – Б. 139.

⁸⁵ Бартольд В. О христианстве в Туркестане в домонгольский период (по поводу семиреченских надписей). Сочинения. – Т. II. – Ч. 2. – М.: Наука, 1964. – Б. 125.

⁸⁶ Юнонча “haireisis” сўздан олинган бўлиб, диндан чиққан деган маънони англатади.

дунёкарашини Александр вакиллари ҳимоя қилган бўлса ҳам Антиохия вакиллари Нестория-Криллнинг қаршичилигини еретик деб эълон қилишди.⁸⁷

Узил-кесил 451 йил Халкадокия саборида несторианлик диндан чиқиш деб эълон қилинди. Несторийнинг издошлари жазодан ўз таълимотларидан воз кечиш йўли билангина қутилиб қолдилар⁸⁸.

Қувғиндан қутилишгандан сўнг, несторианлар ягона диний жамоага бирлашишди ва 489 йил Эронга кўчиб ўтишди. Улар Антиохия бой анъаналарини асос қилган ҳолда Оссурия Шарқ Черковини қурдилар.

Ҳозирги кунда Марказий Осиё минтақасида асосан жанубий-шарқий Қозоғистонда ва қисман Қирғизистонда несторианлик авлодлари сақланиб қолган.

Несторианларни Ғарб черкови еретик деб эълон қилгандан сўнг, улар ғарбга эмас, шарққа боришни танлашди. Форслар давлати ўрта асрлар охиридагина ўз номига эга бўлди, несторианлик кўчиш вақтида у ер Эроншаҳр деб номланарди, подшоҳ шаҳаншоҳ дейилар, ҳудуди Индостандан то Дашти Қипчоққача (Буюк Чўл), Помир тоғларидан Кавказгача ёйилган эди. Бу буюк давлат 18 та сатрапликка бўлинган, Суғд (Самарқанд) Эроншаҳрнинг 18 сатраплиги марказларидан бири эди. Шунинг учун бу ерда мажусийлик босими кучли бўлган. Лекин барибир унинг диний ҳукмронлигига қарамай, несторианлар ўзларининг марказларини ташкил қила олишди, улар ҳозирги Бухоро, Тошкент, Фарғона, Жанубий ва Жанубий-Шарқий Қозоғистон ва ҳозирги Қирғистон ҳудудларини эгалладилар.

Бухоронинг кенг ҳудудларида, собиқ Эроншаҳрнинг бир қисмида, несторианликнинг тарқалиши шаҳар марказининг шаклланиш жараёнида акс этди. Бу нарса VIII аср бошларигача, яъни арабларнинг босиб олиши вақтигача бўлди. Қадимий шаҳар Варахша, Варганз, Ромитон, Кармана, Пойкант ва Бухоронинг ўзи бир хил схема асосида қурилган: ҳарбий иншоот,

⁸⁷ Aziz S. Atiya . A History of Eastern Christianity. London. 1968. Page. 250.

⁸⁸ Махдумзода Б. «Неистовые несториане» Санкт-Петербург. Издательство Шандал. 2001. – С. 12.

шахристон, кабристон ва христианлик ибодатхонаси биноси. Бухородаги христианлик ибодатхонаси шарқий дарвозада жойлашган эди⁸⁹.

Несторианлар Эрондан сўнг Марв ва Ҳирот шаҳарларида асосий марказларига асос солдилар. Бу икки шаҳарга аввалига епископлик кейинчалик 544 ва 585 йилларда архиепископлик номи берилган⁹⁰.

Савдо йўлларининг жонланиши Несториан черковлари ўз миссионерлик ҳаракатларини ортиришларига олиб келди. Бу жараён Йешуяб II (628-643)нинг патриархлиги ва Сосонийларнинг Эрондаги охири сулолалари даврида юз берди. Йешуяб Самарқанд, Ҳирот, Ҳиндистон ва Хитойда митрополиялар тузилганини рўйхатга олди. Кўпчилик патриархлар даврида митрополияларнинг рўйхатга олиниши сурёний анъана бўйича бўлган⁹¹. Самарқанд митрополиясининг тузилиши айниқса эътиборга лойиқ. Маълумки, Суғдда епископлик бўлганлиги бу ерда христиан анъаналари етарлича узоқ ва барқарор бўлганлигидан далолат беради. Марказий Осиё халқларидан суғдийларгина христиан таълимотини ёйишда фаол иштирок этдилар. Суғдийларнинг мустамлакалари Шарқий Туркистондан то Хитой чегараларигача борган. Кўпгина суғд тилидаги христиан ёзувлар топилди. Булар суғдий савдогарлар ва мустамлакачилар орасида кўп христианлар бўлганлигидан дарак беради. Диндорларнинг асосий қисмини эса несториан сектасига мансублар ташкил этарди.

Лекин манбаларда несториан христианларнинг миссионерлиги аввалроқ бошланганлиги баён қилинган. Кембридж университетининг таниқли олими Марк Диккенс бу миссионерлик ҳаракатларининг бошланган вақтини аниқ бериб ўтади(милодий 498 йил)⁹².

Христианликнинг қадимий қолдиқларидан бир қисми Еттисувдан топилган. Бу маскан миссионерларнинг биринчи бўлган жойларидан далолат

⁸⁹ Саидумаров С.М. Марказий Осиёда христиан динининг тарқалишида несторианликнинг тутган ўрни//Ижтимоий фанларнинг долзарб муаммолари. Иккинчи анъанавий илмий-услубий конференция материаллари тўплами. – Тошкент.: ТошДШИ. 2011. – Б. 175.

⁹⁰ Dickens M. “Nestorian Christianity in Central Asia”. Cambridge. 2001. Page 3.

⁹¹ Sachau E. Zur Ausbreitung des Christentums in Asien. Berlin., 1919., zettel-19

⁹² Dickens M. “Nestorian Christianity in Central Asia”. Cambridge. 2001. Page-4

беради ҳамда несториан черковининг таъсир доирасини кўрсатиб беради⁹³. VIII асрга оид Христиан черкови ва VI-VII асрларга тегишли қабристон кўҳна шаҳар Оқ-Бешимдаги текширувлар асносида аниқланди⁹⁴. Қабристондаги дафн этилганларнинг аксарияти христиан дафн маросими бўйича кўмилган. Худди шу қадимий шаҳарда VII-VIII асрларга оид Несториан хочи тамғаси босилган хум кўмилган. Бу ҳам археологик қазилмалар давомида топилди.

Суғд халқининг несториан дунёсида қилган ишлари сифатида нимани келтирсак бўлади? Несториан черковининг ибодат тили қадимий сурёний тили эди. Лекин несторианлик Марказий Осиёга кириб келгач, унинг ибодат тили ҳам ўзгарди. Эндиликда суғд тили ибодат тили бўлиб қолди.⁹⁵

Марказий Осиёдаги несторианлик тўғрисида жуда оз маълумотлар етиб келганлиги хақида юқорида айтиб ўтилди. Буларнинг ичида улар тўғрисидаги ҳужжатлар диққатимизни тортади. Бу ҳужжатларда асосан суғд несториан христианлари борасида гап кетади. Лекин ҳужжатларнинг аксарият қисми сақланиб қолинмаган. Борлари асосан эътиқод, мадҳия, псалом⁹⁶, дуолар, маърузалар, шарҳлар ва бошқаларни ўз ичига олади. Эътиборга молик жиҳат бу ҳужжатлардаги ҳамма нарса суғд тилида бўлганлигидир. Бундан келиб чиқадики, суғдлар христиан руҳдаги матнларни ўзларининг тилларига ўгиришда анча фаол бўлганлар.⁹⁷ Бу шунчаки илм эдими ёки ўз эътиқодига мустаҳкам ёндошишми, бу ҳали ҳам гипотеза.

637 йил Ислоннинг Эронга кириб келишидан эътиборан несторианлик янги қонуний ҳимояланган бошқарувга эга бўлди. VII-XIV асрлар орасида минтақада ислоннинг ҳукмронлигига қарамай бу даврда кўплаб несторианлик жамиятлари Марказий Осиёда ҳам гуллаб яшнади.

⁹³ Бернштам А.Н. Согдийская колонизация Семиречья.- КСИИМК. Вып. 6. 1940. Стр. 49.

⁹⁴ Кызласов Л.Р. Археологические исследования на городище Ак-Бешим в 1953-1954 гг. - Труды ККАЭЭ. Т. 2.М., 1953.стр. 220.

⁹⁵ Dickens M. "Nestorian Christianity in Central Asia". Cambridge. 2001. Page-6.

⁹⁶ Бу ҳужжатда IX-X асрларга оид Туркистоннинг Турфон дашти яқинида жойлашган Булайсиқ несториан монастири хусусида ҳам маълумотлар бор.

⁹⁷ Dickens M. "Nestorian Christianity in Central Asia". Cambridge. 2001. Page-6.

Илк ўрта асрларда (IV-VIII асрлар) Суғд, Уструшона, Шош, Хоразмда несторианлик хочлари, суратлари, Суғд ёзуви ва муқаддас хайвонлар тасвири туширилган тангалар зарб этилган⁹⁸. Бундай тарихий буюмларнинг топилиши Самарқанд ва унинг атрофлари христианлар учун муқаддас жой бўлганлигидан далолат беради. Самарқанд ва Ургутдаги топилмаларни ўрганиб чиққан М.Е. Массон ҳам бу жойларда насронийлар яшаган деган хулосага келган⁹⁹.

Арабларнинг Ўрта Осиёни кириб келиши кўплаб мафкуравий ўзгаришларга олиб келди. Араблар ўзлари фатҳ этган худудларда ислом динини тарқата бошладилар. Кўплаб черков ва ибодатхоналар масжидга айлантирилди. Масалан, Атторан яқинидаги черков Бону Ханзан ва Калон масжидларига айлантирилган.

Несторианликнинг таъсири XII аср бошига келиб кучайди. 1009 йилда несториан руҳонийлари Марказий Осиё халқлари орасидаги муғул тилида сўзлашувчи энг йирик қабила караитийларни чўқинтирганлар. XI-XII асрларда Самарқандда несторианлар митрополияси ўз фаолиятини давом эттираётган эди. Шу вақтда несторианлик турк халқлари ўртасида кенг тарқалди. Қорахонийлар турк сулоласи давлат тепасига келиши билан уларнинг Суғдга келиши кучайди¹⁰⁰.

XIII аср бошларида Марказий Осиё мўғуллар томонидан забт этилган эди, оқибатда кўплаб шаҳарлар вайрон бўлди. Шу билан бирга уларнинг Ўрта Осиёга келиши билан яна несторианлар таъсири кучайганлиги кузатилади. Марко Поло ҳам XIII асрнинг иккинчи чорагида Самарқанда қурилган Авлиё Иоанн Креститель черковини тилга олиб ўтган¹⁰¹.

Эрондан несторианларнинг таъқиб қилиниши оқибатида VI асрдан бошлаб уларнинг Марказий Осиёга кириб келиши тезлашди ва тез орада минтақадаги митрополитларни ўз тасарруфига олди. Фақатгина Хоразм

⁹⁸ Ёвқочев Ш. Марказий Осиё динлари тарихи. – Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006. – Б.83.

⁹⁹ Ўша асар. – Б. 83.

¹⁰⁰ Ёвқочев Ш. Марказий Осиё динлари тарихи. – Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006. – Б. 85.

¹⁰¹ Ўша асар. – Б. 84.

(Хвалис митрополити) архиепископи бевосита Антиохия патриархлиги таркибига кирганлиги ва Византия билан алоқада бўлганлиги учун ўз эътиқодига содиқ қолди¹⁰².

VIII асрда Араб халифалиги аскарларининг Мавароуннахрни эгаллаши натижасида маҳаллий халқнинг фаол равишда исломга кириши бошланди. Кўплаб несторианлар ибодатхоналари мусулмонлар томонидан масжидга айлантирилди. Лекин несторианлар бутунлай қувғин қилинмаган, чунки тавҳид масаласида икки дин вакилларида умумийлик, яъни Аллоҳнинг ягона ва Исо (а.с) Унинг ўғли эмас, балки расули эканлигига несторианлар ҳам, мусулмонлар ҳам эътиқод қилган. Несторианлар бошқа дин вакилларида кўра, мусулмон жамиятида бир қанча имтиёзларга эга бўлган ҳолда обрўли мавқеъларда бўлишган. Айниқса, волийлар саройларида несториан олимлар, табиблар ва амалдорлар бўлган. Несторианлар ҳаттоки, мелкит епископлари (православ) ва яковитлар (монофизит)нинг несторианларга бўйсунушлари тўғрисидаги халифанинг фармони чиқарилишига эришганлар¹⁰³.

XI асрда христианлар Хитойга қувғин қилинди. Қочоқ несторианлар кўчманчи қабилалар орасида секин-аста ўз тарафдорларига эга бўлди. Ҳаттоки баъзи кераит ва найман каби мўғул қабилалари бутунлигича чўқинтирилган эди. Шу билан бир қаторда Чингизхон қўшинининг асосини ташкил қилувчи туркий шато ва басмал қабилалари несторианликка эътиқод қилишган. Айнан несторианлик ақидалари мўғуларнинг ягона мақсад йўлида бирлашиши ва кўчманчиларни қириб ташламоқчи бўлган Хитойга қарши курашда туртки вазифасини ўтаган. Хитойга қарши курашган қўшинларни Уба (Уар), Маргуз (Маргуз), Могуси (Моисей) каби несториан саркардалар бошқарган¹⁰⁴.

X - XIII асрлар мобайнида Марказий Осиё христианлари ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги маълумотлар сақланиб қолинмаган. Фақатгина, XIII асрда мўғулларнинг минтақани босиб олгандан кейин, барча динларни

¹⁰² Митрополит Ташкентский и Среднеазиатский Владимир (Иким). Христианство в Центральной Азии. – М.: М. Сканрус, 2011. – Б. 102.

¹⁰³ Ўша асар. – Б. 102.

¹⁰⁴ Митрополит Ташкентский и Среднеазиатский Владимир (Иким). Христианство в Центральной Азии. – М.: М. Сканрус, 2011. – Б. 102.

тенглаштирганликлари ҳақида маълумот сақланиб қолган. Муғуллар мусулмон, христианлик ва оташпарастлик динларига ҳурмат билан қараб, бу диндагиларни ҳар қандай солиқ ва мажбуриятлардан озод қилишган. Бундан ташқари, несторианлик маълум даражада устунликка ҳам эриша олди, сабаби муғулларнинг энг кучли қабиласи саналмиш кераитлар несторианликка эътиқод қилишарди¹⁰⁵. Муғуллар империясининг қулаши, несторианларнинг заифлашишига ва Ўрта Осиёдаги фаолиятлари якунига етганидан далолат беради.

2. Христиан диний конфессияларининг Ўзбекистонда диний бағрикенгликни мустаҳкамлашдаги роли

XIX аср охири XX аср бошларида Ўзбекистоннинг турли бурчакларида, масалан, Тошкент, Самарқанд, Фарғона водийси, Термиз каби шаҳарларда ҳам христиан диний ибодатхоналари ва черковлари қурила бошланди. Бундай ҳолга асосий сабаб, Ўзбекистонга ҳарбийлар, ўлка бошқарув идоралари ходимлари билан бир қаторда, Россиянинг марказий минтақаларидан камбағал, ерсиз деҳқонлар кўчиб келиши ҳисобига православ христианларининг сони ортиб кетиши сабаб бўлди. Ўша пайтда православ жамоаларига ҳарбий руҳонийлар раҳбарлик қилганлар.

XX асрнинг 20-йилларига келиб Тошкентда йигирмага яқин христиан православ ибодатхоналари фаолият кўрсатарди. Улардан айримлари ўзининг бадиий архитектура қурилиши жиҳатидан Россия шаҳарларидаги машҳур ибодатхоналар даражасида эди. Ҳозирда эса, шулардан иккитаси Муқаддас-Успенск Кафедрал собори ва “Боткина” қабристонига князь Александр Невский черкови сақланиб қолган.

Муқаддас-Успенск Кафедрал собори ҳақида қуйидаги тарихий маълумотларни келтириш жоиздир. 1860-йил охирларида Тошкент шаҳри атрофида ҳарбий госпитал очилади. Ҳозирги кунда бу ҳарбий госпитал ҳарбий қабристонга яқин ерда жойлашган. Ушбу ҳарбий госпитал ва

¹⁰⁵ Митрополит Ташкентский и Среднеазиатский Владимир (Иким). Христианство в Центральной Азии. – М.: М. Сканрус, 2011. – Б. 103.

кабристон худудида 1871-йил 30-сентябрда вақтинчалик Пантелеймон номли ибодатхона қурилган. Бу мўъжазгина черковда атиги 70 га яқин шифокор ва ходимлар хизмат қилар эдилар. 1879-йил 31-январда черковни янги биноси қуриб битказилди. Бу янги бино генерал-губернатор К. П. Кауфман томонидан ажратилган 3000 рубл маблағ ҳисобига қад кўтарди. Кейинчалик чиройли тошлардан ясалган қўнғироқхона қурилди. Бу иншоот Тошкент савдогари Гильди Дмитрий Захонинг шахсий жамғармаси асосида барпо этилди. Дмитрий Захо 15 йил мобайнида шу черковда сардор бўлиб хизмат қилди. Бу хизматлари эвазига II даражали муқаддас «Станислав» ордени билан тақдирланди.

Совет ҳокимияти ҳукмронлигининг 30-йилларида Ўзбекистондаги бошқа черковлар каби бу черков ҳам ёпиб қўйилди. Қурилганига 70 йил бўлган госпитал черкови кейинчалик Муқаддас-Успенск Кафедрал собори деб юритила бошланди. 1992-йилда черков гумбази, бутхона ва қўнғироқхоналар янгиланди. Ҳозирги кунга қадар Кафедрал собор тўлиқ тикланди.

Александр Невский черкови эса икки ярим йил муддат ичида архитектор А.А. Бенуа лойиҳаси асосида ва инженер Е.П. Дубровин бошчилигида қуриб битказилди.

Замондошларимизнинг ҳикоя қилишларича, черковнинг ажойиб биноси славян услубида қурилган эди. Черков асоси кириш йўлида жойлашган беш томонлама ишланган қўнғироқхонадан иборат бўлиб, марказдан саккиз бурчакни ҳосил қилган эди.

Ўтган асрнинг 30-йилларига келганда черков биноси ачинарли ҳолга келган эди. 1996 йилга келибгина буткул капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Сўнгра, собиқ черков Мухтор Ашрафий номли Давлат консерваторияси қошидаги Муסיқа ва Опера театр-студиясига берилган. Бу черков ва ибодатхоналардан ташқари, Тошкентда кўпгина христиан диний черковлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммаси тарихий обида сифатида ҳам сақланиб қолинмаган. Масалан, Спассо-Преображенск собори, ўша даврда

яшаган Туркистон ўлкаси генерал-губернатори уйи рўпарасидаги майдонда қурилган. Бу ҳозирги Алишер Навоий Давлат кутубхонаси билан республика Вазирлар Маҳкамаси биноси оралиғида жойлашган. Спассо- Преображенск соборини дастлабки лойиҳаси 1866-йили академик А.И. Резановнинг архитектураси асосида ишлаб чиқилган. Собор қурилиши бошланганидан сўнг, маълум сабабларга кўра 1871-йилга келиб тўхтатиб қўйилди. Шу йили А.И. Резанов ҳам вафот этди. Сўнгра, 1882-йилдан бошлаб инженер И.М. Погоский раҳбарлигида Спассо-Преображенск соборини қуриб битказишга муваффақ бўлинди. Ташқаридан собор жуда чиройли кўринишга эга бўлиб, русча-византия услубида қурилган эди. Ички томони эса, даврнинг машҳур академиги М.О. Микешиннинг гўзал эскизлари асосида яратилди. Алоҳида қурилган уч қаватли кўнғироқхона архитектор В.С. Гейнцельман проекти асосида лойиҳалаштирилган. Архитектор В.С. Гейнцельман собор қурилишига ҳам шахсан ўзи бошчилик қилган.

Кўриниши ва услуби жиҳатдан кўнғироқхона ягона архитектура комплекси бўлган ибодатхонага яқин ерда жойлашган. Кўнғироқхонанинг баландлиги 33 метрга яқин бўлиб, ўнта йирик кўнғироқлар эса, ҳар бири 9,2 тонна, 6,2 тонна, 2,2 тонна оғирликда бўлган. 1930-йилларга келиб Спассо-Преображенск собори бошқа черковлар сингари таъқибга учраб, таланиб олиб кетилди.

Бундан ташқари, Сергей Радонежский черкови ҳам Тошкентда 1892-1896-йилларда қуриб битказилди. 1897-йил 24-апрелда тантанали равишда очилиб, Сергей Радонежский номи берилди. Бу черков 1931 йилларга келиб, советлар томонидан бузиб ташланган. Шунга ўхшаш Благовацен черкови, Кадет корпуси черкови, Покров Пресвятой Богоматерь номли черковлар ҳам шундай ҳолга олиб келинди.

Ўзбекистонда христианликни ривожланишида христиан диний черковлар ва ибодатхоналарнинг неча йиллар давомида қурилиб фаолият

кўрсатиб келаётганлигидан ўзига хос муҳим аҳамиятга эга эканлигини билиб олсак бўлади³⁷.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон ҳудудида кўпгина черковлар фаолият юритиб келмоқда.

Собиқ атеистик тузум сал кам бир аср давомида кўпгина миллат вакиллари ўз эътиқод эркинликларидан маҳрум этди. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришганидан сўнг, маҳаллий миллатлар орасида диний фаолият жадаллашди. Қадимдан яшаб келаётган турли диний конфессиялар ўз фаолиятларини эркин амалга оширяптилар.

Конфессия сўзи латин тилидан олинган бўлиб, “жамоа”, “гуруҳ” деган маъноларни англатади⁴⁵. Ўзбекистон ҳудудида 16 та христиан диний конфессиялари фаолият юритмоқда. Улар қуйидагилардир:

Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси.

Туркистон ҳудудида илк православ черковлари XIX асрнинг 40-йилларидан эътиборан фаолият кўрсата бошлаган. 1850 йилда биринчи ибодатхона қурилган. 1871 йилда Россия императорининг фармонида биноан Тошкент ва Туркистон Епархияси ташкил этилган. Ўлка генерал-губернатори фон Кауфманнинг таклифига кўра епархиянинг маркази этиб Верний (ҳозирги Алмати) шаҳри танланган. 1916 йилнинг охирига келиб епархия маркази Тошкентга кўчирилган.

1936 йилда Рус Православ черкови Патриархининг қарорига асосан епархия иккига ажратилган - Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси ва Олма-ота ва Қозоғистон епархияси.

1990 йил 20 июлдан Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясини Иким Василий Захарович (руҳонийлик исми Владимир) бошқариб келмоқда. У 1991 йил 23 февралда архиепископ даражасини олган.

2006 йилнинг 1 ноябрига қадар Рус православ черковининг Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясига қарашли 36 та диний ташкилот рўйхатга олинган,

³⁷ К истории христианства в Средней Азии. (XIX-XX вв.) Ташкент, “Узбекистан”, 1998. – С. 5.

⁴⁵ Очилдиев А, Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари (Юз саволга-юз жавоб), -Т.: “ТИУ” нашриёти. 2009. –Б. 12.

жумладан 1 та марказ, 1 та семинария, 2 та аёллар ва 1 та эркаклар монастири ҳамда 31 та черков.

Ўзбекистон ҳудудида Рус православ черкови Москва Патриархлигининг Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси фаолият олиб боради. Тахминий маълумотларга кўра республика аҳолисининг деярли 9 фоизи ўзини христианликнинг православ йўналишига мансуб билади. Маркази Тошкент шаҳрида бўлган епархия минтақадаги тўрт мустақил давлат – Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон ва Қирғизистондаги православ динига мансуб фуқароларнинг диний эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган православ диний ташкилотларини бирлаштиради.

Православ черкови раҳбарлари христианликнинг бошқа йўналишларини тан олмайдилар ва улар билан алоқа қилмайдилар. Ҳозирги вақтда республика бўйича 36 та диний ташкилот, жумладан Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси, Православ семинарияси, 2 та аёллар ва 1 та эркаклар монастири ҳамда 31 та ибодатхона рўйхатдан ўтган⁴⁶.

Рим-католик черкови.

Рим-католик черкови христианликнинг энг йирик ва жуда катта мавқега эга йўналиши ҳисобланади. Шунинг билан бирга республикамизда амалда бўлган қонун-қоидаларга асосан Ўзбекистон ҳудудида фаолият юритаётган барча диний ташкилотлар билан бир қаторда кўрилади ва уларнинг ҳеч бирига қўшимча равишда бирон-бир имтиёзлар ажратилмайди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда Рим-католик черковига оид 5 та диний ташкилот фаолият юритмоқда – Тошкент шаҳридаги Рим-католик черковлари маркази ва тўртта диний ташкилот бор. Республикадаги мавжуд 5 диний ташкилот раҳбарларининг барчаси Ватикан давлати фуқаролари ва дипломатик ваколатга эгадирлар.

Республикамизда христианликнинг католик йўналишига эътиқод қиладиганларнинг миқдори жуда оз. Мазкур диний ташкилотларга асосан

⁴⁶ Ҳусниддинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш омиллари ва муаммолари. фал. фан. ном. дисс. Тошкент, 2000. –Б.117.

Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган хорижий мамлакатларнинг элчихона вакиллари ибодат учун борадилар.

Евангель христиан баптистлар.

Баптистлар протестантликнинг энг йирик ва обрўли йўналишларидан бири ҳисобланади. Евангель христиан баптистлар черкови республикадаги ноисломий диний ташкилотлар сирасига киради.

Ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Республикасида 23 та баптистлар диний ташкилоти рўйхатга олинган, жумладан Ўзбекистон Евангель христиан баптистлар черковлари уюшмаси ва 22 та черков.

Мазкур йўналиш раҳбарлари айнан миссионерлик фаолияти билан шуғулланмайдилар. Уларнинг йиғилишлари қатъий ҳолда фақат белгиланган вақт ва жойларда ўтказилади.

Тўлиқ инжил христианлар.

Мазкур ташкилот республикадаги энг тез суръатларда ривожланиб бораётган диний йўналиш ҳисобланади. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририга асосан диний ташкилотларнинг Марказий бошқарув органини ташкил этиш учун республиканинг саккизта ҳудудий бирикмасида рўйхатга олинган диний ташкилотларнинг бўлиши шарти мазкур йўналиш раҳбарларини республикадаги диний урф-одатлари яқин бўлган бошқа кичик диний ташкилотларни ўз таркибига қўшиб олишга ҳаракат қилган.

Шу тариқа ҳозирги кунга келиб, Тўлиқ инжил христианлар черковига оид жами 21 та диний ташкилот рўйхатга олинган бўлиб, шундан 1 таси – черковлар маркази, 1 таси – Протестант семинарияси (Самарқанд шаҳрида) ва 19 таси черковлардан иборат.

Ҳозирги кунда республика бўйича яна бир қатор диний ташкилотларни рўйхатга олиш бўйича ҳаракат олиб борилмоқда. Мазкур йўналишга мансуб диний ташкилотларнинг умумий сонини ҳатто черков раҳбарларининг ўзлари ҳам билмайдилар.

Тўлиқ инжил христианлар черкови ўз муаммоларини ҳал этишда деярли ҳар доим хорижий ҳомийларининг ёрдамларидан фойдаланиб келадилар⁴⁷.

Еттинчи кун христиан адвентистлар.

Еттинчи кун христиан адвентистлар черкови протестант черковлари ичида унча узоқ тарихга эга эмас. Лекин, улар томонидан олиб борилаётган миссионерлик фаолияти натижасида диний ташкилот миқдори ва эътиқод қиладиганлар сони тобора ортиб бормоқда.

Ҳозирги кунга келиб республикаимиз бўйича 10 та адвентистлар диний ташкилоти рўйхатга олинган. Диний ташкилотлар таъсисчилари орасида кам бўлса-да, лекин аҳамият берарли даражада маҳаллий миллат вакилларининг борлигини кўриш мумкин.

Евангел лютеранлар черкови.

Евангел лютеранлар черкови протестантликнинг энг катта, обрўли ва узоқ тарихга эга йўналишларидан бири.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳозирги вақтда лютеранларнинг 3 та диний ташкилоти фаолият юритаётган бўлиб, улар деярли давлат ва маҳаллий ҳокимият органларига катта муаммолар келтириб чиқармайдилар.

Евангел лютеранлар черкови Қонуннинг илк таҳрири кучга бўлган вақт давомида марказий бошқарув органи сифатида фаолият юритган. Ҳозирда диний ташкилот раҳбарлари Адлия вазирлиги қошида ташкил этилган Республика комиссиясининг қарорига мувофиқ тарзда мазкур марказий органнинг қайта рўйхатга олиниши масаласи билан шуғулланмоқдалар.

Республикада диндорларга яратиб берилган шарт-шароитларга қарамасдан, лютеранларнинг сони йил сайин камайиб бормоқда. Бунга сабаб – немис миллатига мансуб фуқароларнинг доимий яшаш учун Германияга кўчиб кетаётганликларидир. Бу жараён натижасида диний ташкилотлар таъсисчиларининг сони камайиб бормоқда.

⁴⁷ Ибрагимов Э. Жаҳон динлари тарихи, -Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. Тошкент-2007. -Б.11-16.

Новоапостол черкови.

Новоапостол черкови протестантликнинг янги ташкил этилган йўналишларидан ҳисобланади. Ўз диний қарашлари билан бошқа бир диний ташкилот – Евангель лютеранлар черкови билан зиддиятга бўлиб келади. Новоапостол черковининг таъминоти кучли бўлганлиги сабабли, немис миллатига мансуб фуқаролар лютеранлар черковидан чиқиб, новоапостолчиларга қўшилиб кетмоқдалар.

Ҳозирги пайтда Новоапостол черковига мансуб 4 та диний ташкилот фаолият кўрсатмоқда.

“Иегова гувоҳлари” черкови республикада мавжуд христиан диний ташкилотларининг орасида миссионерликка жуда берилган диний йўналиш ҳисобланади. Ноисломий диний ташкилотлар билан шуғулланиш давомида шу нарсага гувоҳ бўлиндики, христианликнинг мавжуд барча йўналишлари “Иегова гувоҳлари” черковини тан олмайдилар ва уни энг ашаддий секталардан бири деб ҳисоблайдилар⁴⁸.

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ диний адабиётларни республика ҳудудига фақат марказий бошқарув органига эга бўлган диний ташкилотлар олиб кириши мумкин⁴⁹. Лекин диндорларнинг диний адабиётлар билан танишишини мумкин қадар осонлаштириш мақсадида Дин ишлари бўйича қўмита адабиётларни диний экспертизадан ўтказган ҳолда марказий бошқарув органларига эга бўлмаган диний ташкилотларга, жумладан “Иегов гувоҳлари” черковига ҳам вақтинча рухсат берган.

Арман апостол черкови.

Мазкур черков Ўзбекистонда ягона бўлиб, унинг раҳбари қўшимча равишда бутун Марказий Осиё мамлакатлари қудудида истиқомат қиладиган арман миллатига мансуб фуқароларнинг етакчиси ҳисобланади.

⁴⁸ Хусниддинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик, -Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. Тошкент-2006.- Б. 81-85.

⁴⁹ Ўзбекистон Республикасининг Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Қонуни (янги таҳрири), Тошкент, “Адолат”, 1998.

Самарқанд шаҳрида жойлашган бу диний ташкилот ўз фаолиятида давлат қонун-қоидаларига қаттиқ риоя қилади.

Республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам арман миллатига мансуб фуқароларнинг борлиги сабабли ҳозирги кунда черков раҳбарияти марказда – Тошкент шаҳрида яна бир арман черковини рўйхатга олиш бўйича иш олиб бормоқдалар.

“Голос Божий” христиан черкови.

Мазкур черков Тўлиқ инжил христиан черковлари маркази таркибидан ажралиб чиқиб, ҳозирда мустақил христиан йўналиши сифатида фаолият олиб бормоқда. Бу ҳолат икки диний йўналиш орасида маълум бир зиддиятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Корейс протестант черковлари.

Юқорида қайд этилгандек, корейс протестант черковлари энг тез суръатларда ривожланиб бораётган диний ташкилотлар сирасига киради.

Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистон Республикаси бўйича жами 58 та корейс протестант диний ташкилотлари рўйхатга олинган. Улардан 44 таси илгари фаолият кўрсатган диний ташкилотлар, 14 таси эса янгитдан ташкил этилган.

Қонунга мувофиқ, диний ташкилотларнинг рўйхатга олиниш муддати чегараланмаганлиги сабабли, Ўзбекистон республикасида корейс протестант диний ташкилотларининг сони секин бўлса-да, ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда Адлия вазирлигининг жойлардаги идораларида яна 12 корейс диний ташкилотининг ҳужжатлари кўриб чиқиш жараёнида ҳозирги вақтда мавжуд 58 та корейс протестант диний ташкилотларининг фақат Самарқанд шаҳридаги 3 та диний ташкилотда Дин ишлари бўйича кўмита билан келишилган ҳолда АҚШ ва Корея Республикаси фуқаролари раҳбарлик лавозимида ишлаб келмоқдалар⁵⁰.

⁵⁰ Ҳусниддинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш омиллари ва муаммолари. фал. фан. ном. дисс. Тошкент, 2000. –Б.121.

Ўзбекистондаги черковлар фаолияти ва уларнинг юртимизда яшашлари учун кенг имкониятлар берилган. Айниқса, мустақилликка эришгандан сўнг кўпгина соҳаларда ислохотлар олиб борилди. Шу жумладан, дин соҳасида олиб борилган ислохотлар чинакам маънода Ўзбекистоннинг қадим-қадимдан динга бўлган эътиборини бугунги кунда очиқ берди. Сабаби, миллати ва диний қарашларидан қатъий назар, инсонни ардоқлаш ва ўзгаларни кадрлаш, катталарга ҳурмат ва кичикларни иззат қилиш каби туйғулар халқимизнинг юксак сифатларига айлангандир. Манашу омиллар халқимизнинг нафақат маънавий-маърифий, балки диний бағрикенг (толерант)лигининг маънавий асосини ташкил қилади.

Толерантлик (лотинча “tolerare” - чидамоқ) умумий маънода бирор нарса ва ҳодисани, ўзгача фикр ёки қарашни, ўз шахсий тушунчаларидан қатъий назар, имкон қадар чидам ва тоқат билан қабул қилишни англатади.

Бағрикенглик – инсон ҳуқуқларини қарор топтириш, плюрализм, демократия ва ҳуқуқнинг устун бўлиши учун кўмаклашиш мажбуриятидир. Энг аввало, инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тан олиш асосида шаклланган фаол муносабатдир. Шунингдек, бағрикенглик – инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда қабул қилинган қоидаларни тасдиқловчи тушунчадир.

Диний бағрикенглик эса виждон эркинлиги нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этиб, бошқа шахснинг диний эътиқоди ўзга динга, унинг вакилларига эътиқодида ақидавий фарқлар бўлишига қарамай, уларнинг ёнма-ён ва ўзаро тинч-тотув яшашларини англатади⁵¹.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “...Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ давлат ишларидан ажратилган ҳолда бизнинг мустақил, хур, кўпмиллатли мамлакатимизда ислом дини билан баробар православие, иудаизм, баптизм, адвентизм, католизм сингари ўндан ортиқ бошқа конфессиялар мутлақо эркин фаолият кўрсатмоқда.

⁵¹ Хусниддинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик, “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. –Т.: 2006. –Б.9.

Қайси дин ёки мазҳабга мансублигидан қатъий назар, бу конфессияларнинг вакиллари биз билан елкама-елка туриб, Ўзбекистон халқларининг фаровонлиги ва равнақи учун астойдил меҳнат қилаётганликлари бизни мамнун этади⁵². Тарихдан бизга маълумки, ҳар қандай давлатнинг ундаги халқлар, миллат ва элатларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақатгина қонуний ҳужжатларда белгиланишига эмас, балки уларнинг амалда қай даражада ўз ифодасини топишига ҳам боғлиқдир. Шунини эслатиб ўтиш жоизки, мамлакатимизда фуқароларнинг виждон эркинлиги билан боғлиқ ҳуқуқлари нафақат қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган, балки амалиётда унинг асосий тамойилларига қатъий риоя қилиб борилаётганини кўришимиз мумкин.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда диний ташкилотларнинг сони кўпайди. 1990 йилда мамлакатимизда 119 та диний ташкилот, 2 та диний ўқув юрти бор эди, 2009 йилга келиб эса, 2186 та диний ташкилот ўз фаолиятини олиб бормоқда. Улардан кўзга кўринганларидан Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси, Рус Православ черковининг Тошкент ва Ўрта Осиё Эпархияси, Евангел христиан-баптистлар черкови, Рим-католик черкови, Тўлиқ Инжил христианлари черкови, Ўзбекистон Библия жамияти мамлакатимизда фаолият олиб бормоқдалар. Шунингдек, 1987 та масжид, 163 та христиан черкови, 8 та яҳудий синагогалари, 6 та Баҳойлар жамоаси, 1 та Кришнани англаш жамияти, 1 та Будда ибодатхонасида фуқаролар эркин фаолият олиб бормоқдалар⁵³.

Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2011 йилнинг 1 январигача бўлган маълумотларига кўра республикаимизда 2051 та исломий ташкилот, жумладан, 2039 та масжид, Тошкент ислом институти, 9 та ўрта махсус ислом билим юрти фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, жами 176 та ноисломий диний ташкилот, шулардан 160 та христиан черкови, 8 та яҳудий синагогаси, 6 та баҳойий жамоаси, 1 та Кришнани англаш жамияти ва 1 та будда ибодатхонаси фаолият олиб бормоқда. Истиклол шарофати туфайли

⁵² Каримов И.А. Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари.-Т.: Ўзбекистон, 1995. -Б. 56.

⁵³ Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари, “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. -Т.: 2005. – Б.12.

тарихда биринчи марта Тошкентда православ ва протестант семинариялари фаолият кўрсата бошлади.

Ўзбекистон Республикасида 2011 йил июль ҳолатига кўра эса, 16 та конфессия ва 2225та диний ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Улар қуйидагилардир: Ислом(Ўзбекистон мусулмонлари идораси), Православлик (Тошкент ва Марказий Осиё епархияси), Католик(Рим-католик черкови), Лютеранлик (Немис-лютеран черкови), Арман-апостол черкови, Пятидесятниклар (Тўлиқ инжил христианлари), Баптистлар (Евангелъ-христиан баптистлар черкови), Новапостол черкови, Еттинчи кун адвентистлари, “Голос божий”, Иегово шохидлари, Корейс протестант черковлари, Яхудийлик, Баҳойлик, Кришнани англаш жамияти, Буддавийлик. Рўйхатга олинган “Ўзбекистон библия китоб жамияти” эса диний ташкилот ҳисобланиб, бошқа конфессиялардан алоҳида фаолият олиб борсада, “диний конфессия” мақомига эга эмас¹⁰⁶.

Ўзбекистон Республикасида диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш учун мамлакатимиз ҳукумати томонидан бир қанча фаолиятлар олиб борилаётганини кўришимиз мумкин. Улардан 1992 йил 11 май Тошкентда “Марказий Осиё ва жаҳон цивилизацияси” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси ташаббуси билан 1995 йилда “Ягона осмон остида биргаликда яшайлик” деб номланган халқаро христиан-мусулмон конференцияси ўтказилди.

1996 йилда Епархия ташкил этилганининг 125 йиллиги, 2001 йилда эса, 130 йиллик юбилейи нишонланди.

1996 йил ноябрь ойида Тошкентдаги Евангел-христиан черковининг 1000 йиллиги нишонланди, декабрь ойида эса, Тошкент шаҳри немис Евангел-лютеранлар черковининг Ўзбекистондаги ilk черкови (Кирхаси)нинг 100 йиллиги нишонланди.

¹⁰⁶ Агзамходжаев С., Раҳимжонов Д., Мухамедов Н., Нажмиддинов Ж. Дунё динлари тарихи. -Т.: 2011. - Б.225.

1998 йил 3 февральда Тошкент ва Марказий Осиё епархияси архиепископи Владимир Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг тинчликни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун Рус православ черковининг биринчи даражали “Мурувватли имони бут Москванинг князи Даниил” орденини топширди.

2000 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан, Тошкент ва Марказий Осиё Архиепископи Владимир (Иким Василий Захарович) “Дўстлик” ордени билан тақдирланди⁵⁴.

2000 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан Тошкентда ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликда “Жаҳон динлари: тинчлик маданияти йўлида” халқаро конференция бўлиб ўтди⁵⁵.

2001 йилда Ўзбекистон халқлари тарихи музейида “Ўзбекистонда диний муносабатлар” кўргазмаси ташкил этилди.

2002 йил 24 майда инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказида “Конфессиялараро мулоқот – барқарорлик асослари” мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

2002 йил 30 май куни Навоий шаҳрида Рус Православ черковининг янги қуриб битказилган биносининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

2004 йил 3-11 октябрь кунлари Ўзбекистондаги Вашингтон элчихонаси билан ҳамкорликда “Ўзбекистон: давлат, дин ва конфессиялараро тотувлик” номи семинар ўтказилди⁵⁶.

Республикадаги ислом ва христиан диний ташкилотларининг катта қисми мамлакатда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш жараёнига сезиларли ва ижобий ҳисса қўшиб келмоқда.

Мамлакатимизда Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг ташаббуси билан «Бир само остида» номи билан мусулмон-

⁵⁴ Хусниддинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик (монография). –Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. –Т.: 2006. –Б.135.

⁵⁵ Юсупов О. Ўзбекистон диний бағрикенглик ватани, Илмий таҳлилий ахборот. 2/2005 йил.

⁵⁶ Хусниддинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик, “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. –Т.: 2006. –Б.135.

христиан мулоқоти (10-12.10.1995), Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 125 йиллик (9-12.11.1996), Евангель-лютеранлар черковининг Ўзбекистондаги илк черкови (Кирха)нинг 100 йиллик (10.12.1996) тантаналари, Тошкентдаги ЮНЕСКО «Жаҳон динлари: тинчлик маданияти йўлида» халқаро конференция (14-16.10.2000), Давлат ва жамият қурилиши академияси ва Германиянинг Оснабрюк университети ҳамкорлигида ташкил этилган «Христиан-ислом мулоқоти: Германия-Ўзбекистон» конференцияси (28.03.2003) каби тадбирлар¹⁰⁷ да иштирок этган турли конфессиялар вакиллари юртимизда ҳар бир фуқаро ўз динига эмин-эркин эътиқод қилиши учун зарур шароитлар яратилгани ҳамда Ўрта Осиёдаги динлар ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик асосида шаклланишини таъкидлайдилар.

«2008 йилнинг 20 февраль – 29 май кунлари Ўзбекистон мусулмонлари идораси Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида жойлашган олий ва ўрта махсус ўқув юртлири талабалари билан диний экстремизм ва миссионерлик масалаларига бағишланган учрашувлар ўтказилган. Муҳтожларга маънавий кўмак берилиши, ичкилик, гиёҳвандликка ружу қўйган, жазони ўташ муассасаларидан қайтган фуқаролар билан маънавий-тарбиявий ишлар олиб борилиши натижасида ижобий натижаларга эришилмоқда»¹⁰⁸.

Демак, диний эътиқод жиҳатидан турли хил конфессиялар умуммиллий гоё остида биргаликда ҳаракат қилиши мумкин бўлган мақсадлар ҳам бор. Бу эса ўз ўрнида юрт тинчлиги, ватан тараққиёти ва халқ фаровонлигига хизмат қилиши табиийдир. Файласуф Константин Леонтьев: «Турли дунёқараш, маданият ва урф-одатларнинг ҳамкорлиги мужжасам бўлган жойдагина

¹⁰⁷ Хуснидинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006. – Б. 121-141.

¹⁰⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2008 йил ҳисоботидан.

«маданият ривожии» туғилади, бир турликда эса жамият хазон бўлади»¹⁰⁹, – деб таъкидлаган.

Ўзбекистонда диний соҳада олиб борилаётган ислохотлар билан халқаро ҳамжамиятни таништириш, уларнинг юртимиздаги эътиқод эркинлиги борасида яратилган шароитлар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишларида турли конфессия вакилларининг ўринлари ҳам салмоқли бўлмоқда. Масалан, Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган диний ва руҳоний раҳнамоларнинг тинчлик масалалари бўйича минг йиллик саммитида (25-30.06.2000), Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонаси ва Р.Никсон номли марказ ҳамкорлигида «Ўзбекистон: давлат, дин ва конфессиялараро тотувлик» номли семинар (3-11.10.2004) ва бошқа тадбирлар¹¹⁰да Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, Тошкент ва Ўрта осие епархияси протоиерейи ҳамда Ўзбекистон яҳудийлар жамоаси раҳбари иштирок этиб, хорижий тингловчиларга Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида батафсил маълумот бериб ўтганлар.

Маълумки, 2006 йил 15 сентябрда АҚШ Давлат департаменти дунёда дин эркинлигининг таъминланиши борасидаги йиллик ҳисоботида Ўзбекистондаги ҳолат юзасидан салбий фикрлар билдирилган эди. Митрополит Владимир Россия ва бошқа хорижий давлатлардаги анжуманларда ушбу масала юзасидан Ўзбекистон мавқеини ҳимоя қилганини ҳам юртимиздаги тинчлик, толерантликни кўролмаётган баъзи геосиёсий кучлар хуружига қарши хатти-ҳаракат деб баҳолаша бўлади. У ўз маърузаларида мамлакатда турли миллат вакиллари тенг ҳуқуқли равишда ўз динларига эркин эътиқод қилаётганликларини таъкидлаб, АҚШнинг бундай иддаоларидан таажжубда эканини баён қилган¹¹¹.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўрта Осиёдаги мусулмон ва христианлар ўртасидаги муносабатлар ҳам сиёсий, ҳам маиший даражада икки асосий хусусиятга асосланган, булар ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликдир.

¹⁰⁹ Леонтьев К. Н. Собр. соч. в 9 т. СПб., - М. – 1913. – Т. 8. – С. 160.

¹¹⁰ Хуснидинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик. – Т.:Тошкент ислом университети, 2006. – Б. 121-141.

¹¹¹ Митрополит Владимирнинг лутфан таклиф этган хорижий давлатларда ўтказилган анжуманлардаги маъруза матнидан.

Бу ҳурмат ва бағрикенглик икки дин вакилларининг мураккаб тарихий жараёнлар синовларини мардонавор енгиб ўтишлари натижасида шаклланган. Мамлакатда тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик бўлишидан барча дин вакиллари манфаатдор. Мана шу олижаноб мақсад йўлида кўпгина христиан конфессиялари юртимизда ва хорижда ташкил этилаётган маънавий ва маърифий тадбирларда республикада диний бағрикенглик ва ижтимоий барқарорликни янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаб келмоқдалар.

II боб бўйича хулоса

Тадқиқотнинг II боби бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1. 431 йилда рўй берган Эфес соборидаги можаро туфайли “ересь” “бидъат” деб ҳисобланган несторианлар ва христианликнинг айрим гуруҳлари Византия империясидан қувиб чиқарилди. Бу жараён несторианликнинг аввал Эрон, Сурия, Фаластин ҳудудида, орадан кўп вақт ўтмасдан Ўрта Осиёда тарқалишига замин яратди;

2. Марв, Суғд, Уструшона, Шош, Хоразмда несторианлик хочлари, суратлари ва бошқа тарихий ашёларнинг топилиши ушбу шаҳарлар ўз вақтида несторианликнинг муҳим марказлари бўлганлигини билдиради;

3. XIII аср бошларида Марказий Осиёнинг мўғуллар томонидан босиб олинishi ва мўғул хонларининг христианликка нисбатан хайрихоҳ муносабатда бўлиши, несторианларнинг Ўрта Осиёга бўлган таъсирини кучайишига сабаб бўлди;

Мўғуллар империясининг кулаши, несторианларнинг заифлашишига ва Ўрта Осиёдаги фаолиятлари якунига етганлигидан далолат беради.

4. Истиқлол йилларида Ўзбекистоннинг ривожланиш тажрибаси кўп миллатли, турли маданиятлар вакиллари истиқомат қиладиган ҳамда кўп конфессиявий жамиятда демократик ислохотлар ва бағрикенглик руҳини қарор топтиришнинг муҳим воситаси бўлишини кўрсатиб берди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон заминида қадим замондан ислом билан бошқа динлар,

маданиятлар ёнма-ён яшаб, ривожланиб ва бу жамиятнинг маънавий юксалишига муайян ҳисса қўшди.

Мусулмонлар ва христианларнинг Ўзбекистон замида биргаликда ҳамнафас бўлиб яшаши диний бағрикенгликнинг нодир тимсоли бўлиб келмоқда.

III боб. Ўзбекистоннинг этник ва конфессиявий хилма-хиллик шароитида бағрикенгликнинг жамият маънавий тараққиётига таъсири

1. Ижтимоий ва этник бағрикенгликнинг моҳияти

Ўзбекистон кўп миллатли, кўп конфессияли давлатдир. Бундай давлатда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва тараққиётни таъминлашнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун диний бағрикенглик мамлакатимизда қурилаётган демократик жамиятнинг асосий тамойилларидан биридир. Зеро, мамлакатимизда 16 диний конфессия ўзаро тотувликда фаолият кўрсатмоқда. Ўтган қисқа давр ичида мазкур йўналишда қатор ишлар амалга оширилди ва диний ислохотларга кенг замин яратилди. Буни қуйидаги омилларда кўришимиз мумкин.

1995 йилда “Бир осмон остида” шиори билан ўтказилган мусулмон ва христиан динлари вакиллари ўртасида мулоқот, 1996 йилнинг ноябр ойида Рус православ чerkови Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси ташкил этилганлигининг 125 йиллик юбилеи, 1996 йилнинг декабр ойида Ўзбекистон евангел-лютеран жамоаси ташкил этилганлигининг 100 йиллигига бағишланган тадбирлар бу борадаги хайрли ишларнинг ёрқин намунаси⁵⁸.

Ўз навбатида фуқаролик жамияти турли этник низолар, конфликтли вазиятлар, тўқнашувлар юки остида қолган ҳозирги даврда, бир томондан, инсоният ўзининг бир бутунлигини, иккинчи томондан, алоҳида олинган ҳар бир жамият ички бирлик, тотувлик ва ҳамкорлик бўлгандагина мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, янгилари пайдо бўлишининг олдини олиш ва тараққиётни таъминлаш мумкинлигини тобора чуқур англаб бормоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, жамиятда ижтимоий бағрикенглик муҳитини қарор топтириш муҳим аҳамиятга эга.

Жамият ривожини манфаатлар, қадриятлар ва хулқ нормалари умумийлигига асосланганидан, ўзаро алоқаларнинг даражаси, кучи,

⁵⁸ Ибрагимов Э. Ўзбекистон-диний дағрикенглик ўлкаси, Илмий-таҳлилий ахборот, 1/2006.

характерига кўра фарқланадиган кишиларнинг нисбатан барқарор бирликлари – ижтимоий гуруҳларнинг шаклланишига олиб келди. Хусусан, бугунги кун илмий адабиётларида турли социал қатламлар, этник бирликларни ўз ичига оладиган катта, қишлоқ, туман, шаҳар аҳолиси бирлигини характерлайдиган ўрта, оила, бригада, ўқув гуруҳларини қамраб оладиган кичик ижтимоий гуруҳлар фарқланади. Катта ва ўрта гуруҳларга хос хусусиятлар нисбатан барқарорлиги, қисқа ораликда мавжуд бўладиган кичик гуруҳлар ўзгарувчанлиги билан ажралиб туришини қайд этиш лозим.

Жамият юқоридаги каби гуруҳларга бўлиниши узоқ давом этган ижтимоий жараёнларнинг ҳосиласидир. Жумладан, ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралиши, мулкчилик муносабатларининг ривожини турли ижтимоий қатламларнинг пайдо бўлишига олиб келган бўлса, асосан, аграр ва индустриал ишлаб чиқаришга ихтисослашув қишлоқ ва шаҳар аҳолиси турмуш тарзидаги ўзига хосликларнинг шаклланишига замин яратди¹¹².

Инсониятнинг этномаданий ривожланиши эса қабила, элат ва миллат каби бирликларнинг юзага келишига ва жамият этник структурасининг мураккаблашишига олиб келди. Шу нуқтаи назардан қараганда, кенг маънода ижтимоий бағрикенглик ана шу гуруҳлар ўртасидаги муносабатларнинг характерини, унинг ижобий мазмунга эгаллигини англатади.

Айни пайтда, тарихан ҳар бир ижтимоий гуруҳ доирасида бағрикенглик ўзига хослик касб этганини ҳам таъкидлаш зарур. «Этник бағрикенглик» ва «диний бағрикенглик» каби тушунчаларнинг шаклланиши ҳам мазкур ҳулосанинг ўринли эканини тасдиқлайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий бағрикенглик тушунчасини тор маънода, яъни жамиятдаги мавжуд ижтимоий қатламлар, синфлар ўртасидаги муносабатларнинг характерини тавсифлаш учун қўллаш ўринлидир. Шу маънода, ижтимоий бағрикенглик ўзаро муносабатларда турли ижтимоий қатлам ва синфларга

¹¹² Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили/Масъул муҳаррир А.Очилдиев. –Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. –Б. 15. (Бундан кейин: Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили.)

хос жиҳатларни тўғри тушуниш, англаш ва баҳолашни ҳамда унга асосланган амалий фаолиятни ифода этади.

Ижтимоий бағрикенглик масаласи жамият социал структурасининг мураккаблашиб боришига ҳамоҳанг равишда ҳамиша долзарб бўлиб келган. Ижтимоий тизим элементлари ўртасидаги барқарор ва тартибли алоқаларни англатадиган яхлит ҳодиса ҳисобланмиш социал структура ўзгарувчан характерга эгалигини қайд этиш лозим. Бу бир ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимидан бошқасига ўтиш даврида айниқса яққол намоён бўлади. Бунда ижтимоий гуруҳларнинг жамият социал структурасидаги ўрни, мавқеи тез ўзгариши мумкин. Шу билан биргаликда, кескин ижтимоий ўзгаришлар социал гуруҳларнинг қатламлараро даражада ёки муайян қатлам ичида содир бўладиган вертикал ва горизонтал ҳаракатчанлиги (мобиллиги)ни ҳам келтириб чиқаради. Айни пайтда, бундай ўзгаришлар бир авлод, икки авлод (ота-бола), уч авлод (ота-бола-набира) доирасида ҳам содир бўлиши мумкин.

Социал структурадаги кескин ўзгаришлар ижтимоий онг ва маънавий ҳаётдаги беқарорликни ва унинг оқибати сифатида тоқатсизлик ва муросасизликни ҳам, ўзаро ҳамкорлик ва толерантликка асосланган янги мазмундаги ижтимоий муносабатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Тарих жамиятда кескин ижтимоий табақалашув, қашшоқлик даражасининг кучайиши, ночорлар, ёрдамга муҳтож кишилар сонининг ўсиб бориши, социал адолат нормаларининг бузилиши хилма-хил кўринишдаги тоқатсизлик ва муросасизлик қарашлари ҳамда ҳаракатларининг пайдо бўлишига йўл очишини кўрсатади. Мавжуд муносабатларнинг мазмунига ижтимоий-фалсафий фикр ривож тарихида ҳам алоҳида эътибор берилган. Хусусан, қадимги Миср, Ҳинд, Хитой манбалари, буюк мутафаккирлари қарашларида ижтимоий ҳамкорликнинг инсонлараро тотувликни таъминлашдаги беқиёс аҳамияти билан бир қаторда, улкан бунёдкорлик кудратига эгалиги кўрсатилганини қайд этиш лозим.

“Бағрикенг” (“толерант”) атамасининг луғавий маъноси лотинча чидамоқ сўзидан олинган. Толерантлик бирор нарсани, ўзгача фикр ёки карашни, ўз шахсий тушунчаларидан қатъи назар, имкон қадар бағрикенглик ва чидам билан қабул қилишни англатади. Диний бағрикенглик виждон эркинлиги ва маънавий жихатдан катта аҳамият касб этади, у бошқа шахс ё динга хурматни билдиради. Турли дин ҳамда конфессия вакиллари эътиқоидида ақидавий фарқлар бўлишига қарамай, уларнинг ёнма-ён ва ўзаро тинч-тотув яшашини англатади. Худди шунингдек, маданий бағрикенглик ўзга тилда яратилган санъат ва маданият бойликларидан ўз маданиятини устун кўрмаслик, улардаги маъно ва гўзалликни тан олиш, ўзга маданиятлардан ниманидир ўрганишни билдиради. Маданий бағрикенглик турли миллатга мансуб зиёлиларни бир бирига руҳан яқинлаштиради. Ўзидаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаб олишга ёрдам беради. Этномаданий ҳамкорлик ягона мамлакатда яшовчи турли миллатга мансуб халқларнинг муайян мафкура асосида қўлни қўлга бериб ишлаши, бир мақсад йўлида фаолият олиб боришини билдиради. Масалан, Ўзбекистонда умумхалқ “Наврўз” байрамини нишонлашда кўпмиллатли Республикамизнинг барча санъат ва адабиёт аҳли байрамни халқ шод-хуррамлик билан ўтказиши учун ўз истеъдод ва маҳоратини намойиш этади. Вилоятларда ўтказиладиган байрам тадбирларида этномаданий ҳамкорлик ўзига хос тарзда намоён бўлади. Хоразм воҳасида бўлиб ўтадиган байрам тадбирларида ўзбек, қорақалпоқ, туркман миллатига мансуб ашула ва куйлар янграйди. Самарқандда бўлиб ўтадиган тантаналарда ўзбек ва тожик миллатига мансуб санъаткорларнинг ҳамкорликдаги фаолиятларига гувоҳ бўламиз.

Фарғона вилоятининг Риштон, Қувасой туманларидаги байрамларда ўзбек, тожик ва қирғиз миллатига мансуб санъаткорларнинг чиқишлари тадбир дастуридан ўрин эгаллайди. Тошкент шаҳри туманларида ўтказиладиган турли тадбирларда ўзбек, рус, тожик, татар ва бошқа миллат вакиллари санъаткорлари ўз маҳоратини ишга солади. Тадбирларни бундай этномаданий ҳамкорлик асосида ўтказиш халқлар ўртасидаги аҳилликни,

Ўзаро –хурмат ва меҳр-оқибатни яхшилашга, ягона фуқаролик жамияти туйғусини шакллантиришга катта ҳисса қўшади.

“Бағрикенглик” (“толерантлик”) сўзи деярли барча тилларда бир хил ёки бир-бирини тўлдирувчи мазмунга эга. Уларни умумлаштириб “бағрикенлик” чидамлилик, бардошлилик, тоқатлилик, ўзгача карашлар ва ҳаракатларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, мурувватлилик, ҳимматлилик, кечиримлилик, меҳрибонлик, ҳамдардлик каби маъноларга эга дейиш мумкин¹¹³. Бугунги кунда чуқур ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий мазмун касб этган ушбу тушунча кўпчилик томонидан тан олинган, илмий таърифи ишлаб чиқилган.

“Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси”да бағрикенглик тушунчасига шундай таъриф берилган: “Бағрикенглик – бизнинг дунёмиздаги турли бой маданиятларни, ўзини ифодалашнинг ва инсоннинг алоҳидалигини намоён қилишнинг хилма-хил усулларини ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни англатади. Уни билим, самимият, очиқ мулоқот ҳамда хур фикр, виждон ва эътиқод вужудга келтиради. Бағрикенглик – турли туманликдаги бирликдир. Бу фақат маънавий бурчгина эмас, балки сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёж ҳамдир. Бағрикенлик – тинчликка эришишни мушарраф қилгувчи ва уруш маданиятсизлигидан тинчлик маданиятига элтувчидир”¹¹⁴.

“Бағрикенглик” тушунчаси илмий фаолият ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари, жумладан, сиёсат ва сиёсатшунослик, социология, философия, илоҳиёт, ижтимоий ахлоқ, қиёсий диншунослик каби соҳаларда кенг истифода этиладиган тушунчалардан бири ҳисобланади. Лотинча *tolerare*, яъни “чидамоқ”, “сабр қилмоқ” маъносини англатган бу сўз, асосан бир инсоннинг бошқа инсон дунёқарашига тоқат қилишини билдирса-да, этимологик таҳлил унинг том маъносини доим ҳам очиб беравермайди¹¹⁵.

¹¹³ Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили. – Б. 8-9.

¹¹⁴ Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси // ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари. – Т.: Адолат, 2004. –Б. 91.

¹¹⁵ Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили. – Б. 88.

Шу ўринда ЮНЕСКО “Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси”да “толерант” яъни “бағрикенглик” тушунчасига берилган таърифларни келтириб ўтмоқчимиз:

1.2. Бағрикенглик – ён бериш, андиша ёки хушомад эмас. Бағрикенглик – энг аввало, инсоннинг универсал ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тан олиш асосида шаклланган фаол муносабатдир. Ҳар қандай вазиятда ҳам бағрикенглик ана шу асосий қадриятларга тажовузларнинг баҳонаси бўлиб хизмат қилмайди. Бағрикенгликни алоҳида шахслар, гуруҳлар ва давлатлар намоён қилиши лозим.

1.3. Бағрикенглик – инсон ҳуқуқларини қарор топтириш, плюрализм (шу шужумладан, маданий плюрализм), демократия ва ҳуқуқнинг тантанаси учун кўмаклашиш мажбуруятдир. Бағрикенглик – ақидабозликдан, ҳақиқатни мутлақлаштиришдан воз кечишни англатувчи ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ўрнатилган қоидаларни тасдиқловчи тушунчадир.

1.4. Бағрикенгликни намоён қилиш инсон ҳуқуқларига эҳтиром билан ҳамоҳанг, у ижтимоий адолатсизликка нисбатан сабр-тоқатли муносабатда бўлишни, ўз иймон – эътиқодидан воз кечиш ёхуд бошқаларнинг эътиқодига ён беришни англамайди. Ҳар ким ўз эътиқодига амал қилишда эркинлиги ва ҳар ким бу ҳуқуққа бошқалар ҳам эга эканлигини тан олмоғи лозимлигини ҳамда одамлар ўз табиатига кўра ташқи кўриниши, қиёфаси, ўзини тутиши, нутқи, хулқи ва қадриятлари жиҳатидан фарқланиши эътирофга лойиқлиги баробарида, улар дунёда яшашга ва ўзларининг ана шу индивидуаллигини сақлаб қолишга ҳақлилигини англатади. Шу билан бирга бир кишининг қарашлари бошқаларга мажбуран сингдирилиши мумкин эмаслигини англатади¹¹⁶.

Ўрта аср араб муаррихи Ибн Халдун фикрича, бағрикенг бўлмаган яъни мурасисиз инсон - “хавфли ҳайвон”, инглиз философи Томас Гоббснинг

¹¹⁶ Déclaration de principes sur la tolerance. Point 5.12 de l'ordre du iour provisoire. Vingt-huitième session de Conférence générale (28 C/26, 6 septembre 1995). – Paris, 1995. – P. 12.

фикрича, “инсон инсонга нисбатан бўри”¹¹⁷. Инсон табиатан мурасасиз бўлиб, у биринчидан мухтожлик, иккинчидан эса ақл-идрок орқали бағрикенгликка ўрганади. Иккинчи жаҳон уруши дахшатларидан олинган сабоқлар бағрикенглик тушунчасининг вужудга келишига ҳамда уни ўзаро ҳамкорлик, плюрализм, хилма-хиллик ва биргаликда тинч яшашнинг асосий тамойилига айлантирди.

Айни пайтда лисоний бағрикенглик (тил бағрикенглиги) этник бағрикенгликнинг бир кўриниши сифатида серқирра ходиса бўлиб, унинг моҳиятига нисбатан ягона ёндашув мавжуд эмас. Шунга қарамай, унинг асосини ўзга этник ва лисоний гуруҳларга нисбатан тоқатли муносабат ташкил этади, дейиш мумкин.

Этнолисоний бағрикенглик бевосита этник-маданий алоқалар жараёнида намоён бўлади. Адабиётларда бағрикенгликнинг аниқ вазиятлар билан шартланганлиги масаласи нисбатан кам тадқиқ этилганини таъкидлаш жоиз. Зеро, бағрикенглик даражаси ўзаро алоқалар мунтазамлигига боғлиқ равишда ҳар бир конкрет ҳолатда ўзига хос мазмунга эга бўлади.

Шунинг учун шахс ҳамда этник ва лисоний даражадаги бағрикенгликни тадқиқ қилишда турли вазиятлар билан боғлиқ равишда содир бўладиган алоқаларни ажратиш кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон турли миллат ва элатлар вакилларининг умумий уйидир. Бу, бизнингча, буюк бойлик ва тараққиётнинг муҳим манбаидир. Зеро, полиэтник салоҳият ва хилма-хилликни ўзида мужассам эта олиш имкониятига эга бўлган мамлакат тараққиёт калитини ўз қўлида тутиб туради.

Турли тил ва маданиятларни билиш, этник ва лисоний бағрикенглик, ўзгалар борлиғи ва дунёқарашининг ижобий жиҳатларини ўзига қабул қила олиш хусусияти жамиятга янги ғоялар ва янги ижтимоий-иқтисодий

¹¹⁷ Mohammed Talbi. Tolerance et intolerance dans la tradition musulmane / Corporate author: Académie universelle des cultures (France). L'intolerance: Forum international sur l'intolerance, (la Sarbonne, 27-28mars 1997). – Paris: Edition Grasset & Fasquelle, 1998. – P. 53. (Бундан кейин: Mohammed Talbi. Tolerance et intolerance...)

ресурсларнинг кириб келишига имконият яратади. Буни мамлакатимиз мисолида, этник хилма-хиллик турли йўналишларда “чегараларимизни очаётгани” ҳамда этнослараро бағрикенглик туфайли жаҳон ҳамжамиятининг бизга нисбатан ҳурмати ва ишончининг ортиб бораётганида ҳам кўришимиз мумкин¹¹⁸.

Аслини олганда, ўзбек этноси ва давлатчилиги тарихи кўплаб халқлар, оддий инсоний, лисоний, маданий даражалардаги ўзаро таъсирлашув натижасида бойиб борган. Шундай таъсирлашув ҳамда ўзбек этносининг этнослараро, маданий, лисоний бағрикенглиги унинг узоқ тарихи, миллий ўзига хослигининг сақланиши ва ривожланишининг ҳам муҳим омили бўлди.

Бугунги кунда ҳам биз ушбу фикрнинг тасдиғини кўриб турибмиз. Зеро, миллатлараро тотувлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик янги мазмундаги ўзбек давлатчилигининг қарор топишида ҳал қилувчи омил бўлди. Шу туфайли жамиятимиз ўтиш даврига хос бўлган ички этнослараро зиддиятлардан холи яшамокда. Ваҳоланки, бундай зиддиятлар бир қатор мамлакат ва минтақаларда содир бўлгани, уларнинг тадрижий тараққиётини издан чиқариб юборгани ҳаммага маълум. Мустақил Ўзбекистон эса, аксинча, бутун дунёга этнослараро тотувлик ва бағрикенглик жамиятни ислоҳ этишининг муҳим ресурси эканини исботлаш борасида намуна бўлмокда.

Шунингдек, бағрикенглик этник гуруҳларнинг янги мазмундаги иқтисодий ҳаёт, хўжалик юритиш шакллари ҳамда ижтимоий демократияни қарор топтиришда муҳим роль ўйнаётганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Юртимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асоси бўлмиш нодавлат ташкилотлар орасида биринчилардан бўлиб тузилган миллий-маданий марказлар (МММ) ва уларни бирлаштириб турувчи Республика байналмилал маданият марказининг (РБММ) ташкил топиши мамлакатимизда миллатлараро бағрикенглик борасидаги барқарор вазиятдан далолат беради. Моҳият эътибори билан МММ ва РБММ фаолияти мураккаб

¹¹⁸ Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили. –Б.52.

ва нозик соҳа – миллатлараро муносабатлар борасида бутун жамиятимизга намуна бўлди, дейиш мумкин.

Бунда РБММ ва МММ фаолияти оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда ва кенг ёритиб боришининг ҳам ўзига хос ўрни борлигини таъкидлаш зарур. Телетомошабинлар миллий-маданий марказлар фаолияти ва этносоциал, этнолисоний жараёнларнинг бориши тўғрисидаги тезкор ахборотларни “Ахборот”, “Давр”, “Ассалом, Ўзбекистон”, “Пойтахт” каби телекўрсатувлар орқали олиш имкониятига эга. Шунингдек, мазкур йўналишда миллий тилларда олиб бориладиган кўрсатувлар орқали янада батафсил маълумотлар бериб борилади. Рус тилидаги “Ўзбекистон – умумий уйимиз”, “Ягона оилада”, уйғур тилидаги “Умид”, қozoқ тилидаги “Жетиген”, “Замандас”, “Дийдар”, қирғиз тилидаги “Айчурек”, тожик тилидаги “Меҳрангез” ва “Рангинкамон”, татар тилидаги “Бизнен мирас”, бошқирдча “Ирендек”, корейс тилидаги “Ариран”, “Чинсен” каби кўрсатувлар шулар жумласидандир¹¹⁹.

Умуман олганда, мамлакатимиз ижтимоий-маданий ҳаётида Ўзбекистон халқининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланган этник гуруҳлар ўзига хос роль ўйнамоқда.

Тарих юртимизда ҳамиша ижтимоий ҳамкорлик руҳи ва бағрикенгликни тарғиб этувчи қадриятлар устувор бўлиб келганидан далолат беради.

Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал бирлигини ёқлаган, тарғиб қилган “Авесто”да тинчлик ва тотувлик, ижтимоий ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик руҳи устувор бўлган эллар Тангри томонидан ярлақаланади ҳамда бу ўлкалар муқаррар гуллаб-яшнайдди, деб тавсифлангани ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради.

Ночор ва ёрдамга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак бериш, сахийлик улуғ инсоний фазилат сифатида эътироф этилганида, унинг соҳибларига эса юксак иззату иқром кўрсатилганида ҳам шундай қадриятларни кўриш мумкин. Халқимизнинг асрлар оша шаклланган

¹¹⁹ Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили. –Б.53.

тажрибасини ўзида мужассам этган “Сахийнинг кўли очик, кўли очикнинг йўли очик”, “Ўнг кўлинг берсин, чап кўлинг билмасин” мазмунидаги мақоллари, аз-Замахшарийнинг “Хайру эзгуликдан бошқа инсонга кўркамлик берадиган ҳеч нарса йўқдир”¹²⁰, Аҳмад Югнакийнинг “Сахийлик шараф, мартаба ва камолотингни орттиради”¹²¹, – деган сўзлари ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.

Халқимизнинг пурмаъно ҳикматларини ўзида мужассам этган “Девону луғотит турк”да “Молу мулкинг кўпайса, мағрурланиб кутурма”¹²², “Ҳибат-ул-хақойик”да эса “Зинҳор зўравонлик ва зулм қилма, агар киши кийинчиликка тушса, сен унга кўмак бер”¹²³, – деб таъкидлангани бундай кадриятларнинг илдизлари узоқ мозийга бориб тақалишидан далолат беради.

Абу Наср Форобий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” асарида ўзаро тотувлик ва ҳамжиҳатлик руҳи устуворлигини фозил шаҳарларнинг муҳим белгиси ҳамда уларнинг гуллаб яшнаши, фаровонлиги ва бахт-саодати тантанасининг замини, ўзаро кўмак, меҳр-мурувватнинг йўқлиги жоҳил шаҳарларнинг асосий хусусияти ҳамда фитна, фисқу фужур ҳукмронлигининг сабаби сифатида қайд этади. “Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи асос инсонийликдир, шунинг учун ҳам, одамлар инсоният туркумига бирлашганликлари туфайли ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим”¹²⁴, – деган фикрлари ҳам буюк файласуфнинг ижтимоий ҳамкорликни жамият тараққиётини таъминловчи омиллардан бири, деб ҳисоблаганини англаш имконини беради.

Салтанат ишларини мурсою мадора, мурувват ва сабр-тоқат билан юргизган буюк аждодимиз Амир Темур фаолиятида эса ижтимоий бағрикенглик ғоя ва амалиёт бирлиги сифатида намоён бўлганини кўриш

¹²⁰ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. –Т.:Камалак, 1992. –Б.75.

¹²¹ Аҳмад Югнакий. Ҳибат-ул-хақойик // Қадимий ҳикматлар. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – Б.421.

¹²² Девону луғотит турк.//Қадимий ҳикматлар. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – Б.424.

¹²³ Аҳмад Югнакий. Ҳибат-ул-хақойик // Қадимий ҳикматлар. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. –Б.424.

¹²⁴ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – Б.186.

мумкин. Зеро, Соҳибқирон ҳаёти давомида, биринчидан, сармоёси қўлидан кетиб қолган савдогарга уни қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин, ўз иши билан шуғулланишга қурби етмай қолган деҳқонларга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб, уй-иморати бузилиб, тузата олмаётган фуқароларга керакли ускуналарни етказиб бериш зарурлигини ҳамда бундай ҳаракатларнинг ижтимоий фаровонлик ва тараққиётни таъминлашдаги аҳамиятини чуқур англаган ҳолда фаолият олиб борди.

Иккинчидан, турли мамлакатлар аҳолиси билан бўлган муомалада холислик билан иш тутиб, жамиятда ўзаро бир-бирини тушуниш, ҳурмат ва ҳамкорлик руҳи устувор бўлишига интилиб яшади.

Учинчидан, фақиру мискин, бирон касб қилишга ожиз кишиларга нафақа тайинлашни йўлга қўйиб, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ўзига хос тизимини яратди¹²⁵.

Ўз мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистон ана шу тарихий анъаналарга содиқ қолган ҳолда жамиятда ижтимоий бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик руҳи устувор бўлишига қаратилган сиёсат олиб бормоқда. Ана шундай сиёсат туфайли халқимиз жипслашиб, ўзининг бирлиги, бир бутунлигини англаган ҳолда, бир-биримизга меҳрли, оқибатли бўла бошладик. “Сен коммунист”, “Сен диндор”, “Сен кофир” деган каби ўртага раҳна солувчи маломатлар бўлмади... ва шу тариқа халқимизни пароканда бўлиш балосидан асраб қолдик”¹²⁶.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий бағрикенглик маданиятини камол топтириш жараёнида мамлакатимизда кишиларнинг бир хил ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларга, уларни рўёбга чиқаришда эса тенг имкониятларга эгаллигини тарғиб қилиш, кенг тушунтириш баробарида фуқароларимизнинг:

– ҳар бир шахснинг мулкдор бўлиши, ўз меҳнати орқали фаровон ҳаёт кечириши унинг конституциявий ҳуқуқи;

¹²⁵ Темур тузуклари. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б.67, 95, 97.

¹²⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.107.

- одамларни камбағал, қашшоқларга ажратмаслик, ҳеч қачон таъна қилмаслик, камситмаслик халқимизга хос азалий қадрият;
- ёрдамга муҳтож кишиларга беғараз кўмак бериш олижаноблик ва юксак инсоний фазилат;
- ижтимоий адолатсизлик кўринишларининг олдини олиш, уларга қарши курашда фаол бўлиш ҳаётий зарурат;
- юртимизда тарихан ижтимоий заминдаги адоват ва келишмовчиликлар бўлмагани, турли социал гуруҳлар вакилларига нисбатан юксак эҳтиром ва ҳурмат, ўзаро муроасада яшашга интилиш халқимизга хос бўлган ва асрлар оша камол топган фазилат;
- мавжуд ижтимоий муаммоларга дахлдорлик туйғуларини ҳис қилиш Ватан, миллат, жамият олдидаги муқаддас бурч ва юксак масъулият эканини теран англаб етишларига эришишни энг муҳим ва долзарб вазифалар сирасига киритиш мумкин.

Ўз навбатида, турли ижтимоий қатламлар, гуруҳлар мавжуд бўлган шароитда уларнинг интилиши ва манфаатлари ҳамма вақт ҳам бир-бирига мос келавермас экан, социал масъулият, жамият, миллат бирлиги, жипслиги ва тақдирига дахлдорлик туйғусининг ижтимоий онгда устувор бўлишига эришиш муҳим аҳамият касб этади.

2. Диний бағрикенглик борасида Ўзбекистон тажрибаси

Мустақиллик ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, жумладан, маънавий ҳаётдаги янгиланиш жараёни ва туб ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Динга бўлган муносабат ижобий томонга ўзгарди. Собиқ совет тизимининг динга атеистик ҳужумкорлик сиёсатига барҳам берилди, виждон эркинлиги қонун орқали кафолатланди.

Инсонларнинг муқаддас эътиқоди – дин кишиларни ҳамиша яхшиликка, эзгу ишларга чорлаб келган. Жумладан, ота-боболаримизнинг муқаддас эътиқоди бўлган ислом дини ҳам юксак инсоний фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилган. У туфайли халқимиз минг йиллар мобайнида бой маънавияти ва мероси, ўзлигини омон сақлаб келди.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятига кириб бораётган бир шароитда турли конфессия вакиллари билан мулоқот қилишнинг юксак маданиятига эришиш катта аҳамият касб этади. Айтиш пайтда Дин ва Қонун ўзаро муносабатларини билиш республикада демократик ҳуқуқий жамият қуриш пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўз навбатида дин ва дунёвий давлат орасидаги муносабат ҳақида гап кетар экан, унинг асосида энг аввало диннинг давлатдан ажратилиши тамойили ётишини таъкидлаш зарур. Бу ҳақда Конституциямизнинг 61-моддасида шундай дейилади: “Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди”¹²⁷.

Мазкур моддада муҳим аҳамиятга эга қоидалар мустаҳкам қўйилган. Биринчидан, диний ташкилотлар қайси конфессияга тааллуқлилигидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқий майдонда фаолият олиб борадилар. Бугунги кунда республикада 15 та ноисломий конфессияга мансуб 186 та ташкилот эмин-эркин фаолият олиб бораётгани ҳам бунинг амалий ифодасидир. Иккинчидан, диний бирлашмалар фаолиятини ташкил этиш уларнинг ички иши ҳисобланади ва давлат назоратидан холидир¹²⁸.

Шу билан бирга, диний ташкилотлар давлатдан ажратилган бўлса-да, бу диннинг жамиятдан ажратилганини англатмаслигини таъкидлаш зарур. Зеро, бирор динга эътиқод қилувчи фуқаролар ҳам жамиятнинг таркибий қисми ва шу сабабли дин фуқаролик жамиятида ўз мавқеига эга бўлади.

Давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодаловчи яна бир тамойил шундан иборатки, давлат динни халқ маънавиятининг узвий қисми сифатида тан олади. Шундан келиб чиқиб, унинг ривожини учун тегишли шарт-шароит яратишга ҳаракат қилади.

И.А.Каримовнинг Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида бу тамойил ўзининг ёрқин ифодасини топган: “Мамлакатимизни

¹²⁷ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – Б. 13.

¹²⁸ Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2005. – Б. 8.

демократик тамойиллар, илм-фан ютуқлари, юксак технологиялар асосида модернизация қилиш билан бирга, муқаддас динимизни, миллий ўзлигимизни асраб-авайлаб яшашни мақсад қилиб қўйганмиз”¹²⁹. Бу фикрлар ҳаётий воқеликка айланмоқда.

Дунёвий давлатнинг динга бўлган муносабатида диндорларнинг ҳуқуқий мақоми ва давлат томонидан ўтказилаётган тадбирларда диний конфессиялар ҳақидаги қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилишидек икки муҳим жиҳат ҳам бор.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида бу масалалар ўз ечимини топган ва у дунёдаги ривожланган мамлакатлардаги ҳуқуқий-меъёрий талабларга тўла жавоб беради. Ҳар қандай динга эътиқод қилувчи ва ҳеч қандай динга эътиқод қилмайдиган кишилар учун бир хилдаги шартлар қўйилишини таъминловчи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида, жумладан, шундай дейилади:

“Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”¹³⁰.

Мазкур қоидада дунёвий давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодаладиган асосий тамойиллар ўз ифодасини топган:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;
- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;

¹²⁹ Каримов И. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг букилмас иродасига боғлиқ. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – Б. 8.

¹³⁰ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – Б. 8.

- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш зарурати;

- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш¹³¹.

Давлатнинг динга муносабатидаги асосий хусусияти – бу диннинг сиёсатга аралашмаслиги. Зеро, ҳар қандай дин, биринчи ўринда маънавий-ахлоқий жиҳатни ўз ичига олади.

Ҳеч қайси дин ўзида халқнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатларининг барчасини камраб олишга даъвогарлик қилмайди. Акс ҳолда у дин бўлмай қолади. Худди шу асосда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасида диний-сиёсий партиялар тузиш тақиқланган¹³².

Ўзбекистон давлатининг дунёвийлик, диний бағрикенглик, барча динларга бир хилда муносабат, жамият таракқиётида дин билан ҳамкорлик қилиш хусусиятлари ушбу тамойил асосида амалга оширилади. Чунки, конституциявий дунёвий-маърифий давлатда виждон эркинлиги қонуни диний эътиқоди ва дунёқарашидан қатъи назар, сиёсий хоҳишларини билдиришда барча фуқароларнинг тенг иштироки тамойилига риоя қилади.

Глобаллашув жараёнлари шиддат билан кетаётган бугунги кунда турли динлар ва маданиятларга мансуб давлатлар ўзаро яқинлашмоқда. Мазкур ҳолат улар орасидаги ижтимоий, маданий ва диний соҳалардаги доимий мулоқотларни тақозо этмоқда. Шу мақсаддан келиб чиқиб, 1945 йилда БМТ Низоми “сабр-тоқатли бўлиш ва жаҳонда яхши кўшнилари сифатида биргаликда яшаш ҳамда халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш учун саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш”ни ўз мақсадларидан бири деб эълон қилди. 1981 йил 25 ноябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 36/55-резолуцияси дин ёки эътиқодга асосланган сабр-тоқатсизлик ёки

¹³¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 43-44.

¹³² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – Б. 12.

камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги декларацияни қабул қилди.

БМТ Низомида динлараро муносабатларда энг аввало, толерант тушунчаси муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Бағрикенглик эса турли бой маданиятлар, диний урф-одатлар ва анъаналарнинг хилма-хил усуллари хурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни англатади. Уни билим, самимият, очиқ мулоқот ҳамда хур фикр, виждон ва эътиқод каби умуминсоний маънавий кадриятлар вужудга келтиради. Демак, бағрикенглик фақат маънавий бурчгина бўлиб қолмасдан, балки сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёж ҳамдир. Ҳозирги кунда республикамизда бағрикенгликни қарор топтириш учун барча шароитлар мавжуд. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда бағрикенглик илдизлари ва тарихий асослари кўҳна мозийга бориб тақалади.

Тинчликсеварлик, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик тамойилларини намойиш этган Ўзбекистон халқларининг тарихи, турли миллат ва дин вакиллари ҳамкорлик ва осойишталикда яшайдиган ўлка эканлигига далил бўла олади. Диний бағрикенглик миллати ва келиб чиқишидан қатъи назар тўла тенг ҳуқуқ ва инсон эркинлигига эга бўлишда, зўрликни қораловчи қарашлар ва муносабатларда яққол намоён бўлади. Ўтмишда Ўзбекистонда диний муносабатлар асосида бирор марта ҳам низо чиқмагани қатор тарихшунос олимларимиз томонидан қайд қилинган. Бундай ҳолатни ҳозирги Ўзбекистондаги ислом, христиан, яҳудий динлари ва бошқа конфессияларнинг ўзаро муносабатлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бугун Ўзбекистон диний бағрикенглик ва динлараро мурося борасида нафақат МДХ давлатларига, балки бутун дунёга намуна бўлмоқда. Бу ҳақда Москва ва бутунрус патриархи Алексей II, АҚШ сенатори Хиллари Клинтон хоним ва собиқ АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайтлар юртимизга зиёратлари вақтида таъкидлаб ўтдилар. Албатта, халқимизга азалдан хос бу хислат бир зумда пайдо бўлган эмас, у узоқ тарихга эга.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, “толерантлик” атамаси билан кўлланиладиган бағрикенглик, хусусан, диний бағрикенглик мазмун-моҳияти жихатдан бирор нарсани, ўзгача фикр ёки қарашни ўз шахсий тушунчаларидан қатъи назар имкон қадар бағрикенглик ва чидам билан қабул қилишни англатади. Диний бағрикенглик виждон эркинлиги ва маънавий жихатдан катта аҳамият касб этади, у бошқа шахс ёки динга ҳурматни билдиради. Турли дин ва конфессия вакиллари эътиқодида хилма-хил ақидавий фикрлар бўлишига қарамасдан, уларнинг таълимоти эса ёнма-ён ва ўзаро тинч-тотув яшабини тақозо этади.

Виждон эркинлиги – фуқароларнинг у ёки бу динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи демак. Виждон эркинлиги инсон ҳуқуқлари масаласининг энг муҳим қирраларидан биридир. Шунинг учун ҳам БМТнинг 1948 йилда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари Декларацияси”да бу масалага алоҳида эътибор берилган. Хусусан, Декларациянинг 18-моддасида бундай деб ёзиб қўйилган: “ҳар бир инсон... дин ва виждон эркинлиги ҳуқуқига эгадир”¹³³.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш керакки, виждон эркинлиги тушунчаси эътиқод эркинлигидан фарқ қилиб, кенг мазмундаги маънони англатади. Ҳар қандай динга ишониш ёки эътиқод қилиш бўйича инсон ҳуқуқларини чекламайди. Аини пайтда виждон эркинлиги атеизм, турли эътиқодларни қориштириш (аралаштириш), қадимий ва янги динларни қабул қилиш эркинлигини ҳам билдиради. Европа олимларининг фикрига кўра, бундай эркинлик инсон ҳаётини бошқарувчи динга дахлдор бўлмаган кадриятлар, тамойиллар ва ғоялар ҳуқуқи ҳам виждон эркинлигини англатади¹³⁴.

Виждон эркинлигига оид умуминсоний кадриятларни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистонда мавжуд. Шунинг учун ҳозирда ноисломий конфессияга мансуб фуқароларимиз хорижга чиқувчи диндорлар учун

¹³³ Религия и закон: Сб. международных документов и законодательных органов Республики Узбекистан/Сост. А.Т.Юнусова. – Т.: ТИУ, 2002. – С. 10.

¹³⁴ www.laicite-educateurs.org

яратилган барча имтиёزلардан тўлиқ фойдаланмоқдалар. Ҳар йили 120 дан ортиқ ноисломий конфессия вакиллари Исроил, Греция ва Россиядаги муқаддас жойларга зиёратга бориб келмоқдалар¹³⁵.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси ҳам инсон ҳуқуқлари бўйича Халқаро меъёрларни тан олган ва мазкур масала хусусида халқаро ҳамжамият қабул қилган ҳужжатларга қўшилган. Шунинг учун ҳам давлатимиз Асосий Қонуни – Конституциямизнинг 31-моддасида қуйидаги сатрлар битилган: “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эгадир. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”¹³⁶.

1991 йил 14 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунни қабул қилди. 1998 йилда эса Ушбу қонуннинг Янги таҳрири қабул қилинди. Бу қонун 23 моддадан иборат. Қонуннинг 3-моддаси “виждон эркинлиги ҳуқуқи” деб номланган. Бу моддада қуйидаги қоидалар ёзилган: “фуқаро ўзининг динига, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод қилмасликка, ибодат қилишда диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка нисбатан ўз муносабатларини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди”. Бу ўз навбатида белгиланган ҳаётий қоида ва мезон ҳисобланади. Бу масалага ислом динида ҳам сабр-тоқат билан ёндашилади: “Динда зўрлаш йўқ...”¹³⁷.

Қонуннинг 4-моддаси “Фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлилиги”¹³⁸ деб номланган.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари динга муносабатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

¹³⁵ Саидов А.Х. Религиозная толерантность и светское государство в Узбекистане. – Т.: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2002. – С. 57.

¹³⁶ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – Б. 8.

¹³⁷ Қуръони карим: маъноларининг таржимаси /Таржима муаллифи А.Мансуров. – Т.: Тошкент ислом университети, 2004. – Б. 42.

¹³⁸ Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – Т., 1999. – № 3-4. – Б. 14.

Динлараро бағрикенглик ғояси хилма-хил диний эътиқодга эга кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади.

Умуман олганда, Ўзбекистонда совет ҳукумати ўрнатилгунга қадар ислом дини жамиятнинг маънавий озиғи вазифасини бажариб келган. Шу боис ҳам мамлакатимиз азал-азалдан қадимий динлар ривож топган макон сифатида дунё цивилизацияси тарихида алоҳида мавқега эга. Шу билан бирга дин ва давлат ўртасидаги муносабатларда ҳам мўътадиллик ва бағрикенглик кадриятларини кўриш мумкин.

Ўз навбатида динни давлатдан ажратиш концепцияси азалдан ҳурфикрлилик ва дунёвий рационалистик тафаккур ривожига асосланган. Аммо мусулмон Шарқи, шу жумладан, Ўрта Осиё мамлакатларида яқин ўтмишга қадар у, Ғарбдан асрлар оша давом этгандек, алоҳида ишлаб чиқилмаган.

Ўрта асрларда Ўрта Осиёдаги деярли барча давлатларда руҳонийлар ролини одоб-ахлоқ масалалари ва маънавий-тарбиявий соҳа билан чеклашни ёқлаб чиқувчилар билан анъанавий жамият ҳаётини ташкил этишда диннинг кенг қамровли роли учун кураш олиб борган сиёсий кучлар ўртасида доимо кўз илғамас кураш давом этган. Минтақа, давлатлар ва ҳатто, XIV аср учинчи чорагида Амир Темури (1370 – 1405) томонидан тузилган салтанат ҳаётидаги кўп воқеалар шундан далолат беради. Ўрта асрларда марказлашган қудратли давлатлардан бирининг асосчиси Амир Темури, айниқса, ўз сиёсий фаолиятининг илк даврида қабилавий зодагонлар ўртасида, масалан, ўша даврнинг бош диний марказларидан бири – Термизда катта нуфузга эга бўлган тасаввуф пешволари сиймосидаги руҳонийлар тазйиқини бошдан кечирган. Бу, тарихда Амир Темурининг маънавий пири сифатида машҳур бўлган нуфузли шайх Саййид Бараканинг Соҳибқирон томонидан онгли равишда ўзига яқинлаштиришга, маълум даражада, туртки бўлган. Манбаларда шундай қайдлар учрайдики, руҳонийларнинг энг нуфузли вакиллари Соҳибқирон қарорларининг устуворлигини сўзсиз тан олганлар ва

у бошлаган ҳар бир ишга, шу жумладан, ҳарбий юришларга ҳам оқ фотиҳа берганлар. Ушбу ҳақиқатни дунёвий ҳокимият билан уламолар руҳонийлар ўртасидаги кескинликни юмшатишга, ижтимоий-сиёсий ҳаётда дунёвий ва диний кучлар ўртасида мантиқий мувозанатни ўрнатишга, шунга мос равишда ўзи тузган давлат қудратини мустаҳкамлашга кўмаклашган пухта ҳисоб-китобли тактик-стратегик қадамлардан бири сифатида баҳолаш мумкин¹³⁹.

Ўрта асрлардаги Мовароуннаҳр тарихига мурожаат этсак, шу нарса аён бўладики, давлат тепасида турган сиёсий кучлар билан ҳарбий – қабилавий аъёнлар ва шаҳарлик зодагонлар эътиборли руҳонийлар ўртасида маъқул консенсусга эришилган даврларда мамлакатдаги умумий тараққиёт суръатлари ўсганини кўрамиз. Шунини ҳам қайд этиш муҳимки, бундай даъволарда, шартли равишда айтганда, дунёвий ёки кундалик турмуш билан боғлиқ табиатга эга масалалар бўйича қарор қабул қилиш учун масъул бўлган дунёвий сиёсий кучлар устувор бўлган Амир Темур бошқаруви даври бунинг энг ёрқин мисолларидан биридир. Негаки, мазкур минтақа тарихининг ўша даври, қолаверса, кенг мусулмон дунёсининг қолган қисмлари учун ҳам, дунёвий ва диний-маънавий ҳокимият ўртасидаги аниқ чегараларни белгилаш ўта мураккаб бўлганига ишорадир. Ушбу икки таркибий қисм ўртасидаги мувозанат бузилганда ва руҳонийларнинг сиёсий масалаларга таъсири кучайганда, баъзан ҳатто ҳукмдорларни жисмонан йўқ қилишгача олиб борадиган ижтимоий-сиёсий тартибсизликлар содир бўлган. XV аср охири – XVI аср бошида минтақада юзага келган ижтимоий-сиёсий вазият шундан далолат беради. Бу даврда Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Махдуми Аъзам, Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий, Жўйбор хўжалари (XVI – XVII асрлар) каби нуфузли шахслар бошчилигидаги нақшбандийлик тариқатининг ижтимоий-сиёсий ҳаётга таъсири авж чўққисига кўтарилган эди¹⁴⁰.

Мустақиллик йилларида республикада қатор халқаро диний

¹³⁹ Қаранг: Мунавваров З. Ислом ва дунёвий-маърифий давлат. – Т.: Имом ал-Бухорий жамғармаси, 2003. – Б. 133-134.

¹⁴⁰ Қаранг: Мунавваров З. Ислом ва дунёвий-маърифий давлат. – Т.: Имом ал-Бухорий жамғармаси, 2003. – Б. 134.

анжуманлар ҳамда жаҳон цивилизацияси ривожига беқиёс ҳисса қўшган алломаларимиз юбилейлари билан бир қаторда бошқа диний конфессия тадбирлари ҳам халқаро даражада нишонланди:

- 1995 йилнинг октябрида бизнинг минтақамизда биринчи бор Тошкент шаҳрида “Ягона осмон остида бирга яшайлик” шиори остида ўтказилган халқаро мусулмон-насроий конференцияси фикримиз далилидир.

- 1996 йилнинг ноябрида шу ерда Рус православ черковининг Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси ташкил этилганининг 125 йиллиги тантаналари нишонланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таклифига биноан тантаналарда Ўрта Осиёга илк ташриф буюрган Москва ва бутун Рус Патриархи Алексей II иштирок этди. У, жумладан, шундай деди: “Ўйлайманки, Ўзбекистондаги давлат идоралари ва диний ташкилотлар ўртасидаги хайрли ҳамкорлик ва сермахсул алоқалар мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг бошқа республикаларига ҳам яхши намуна бўла олади”¹⁴¹. Албатта, дунёвий услубдаги демократик ҳуқуқий жамиятни куриш ва қадимий миллий давлатчилик анъаналарини қайта тиклаш жараёни осонликча кечмайди.

Ирқчилик Ўзбекистон тарихида умуман кузатилмаган бўлса-да, айрим минтақаларда миллатчилик ғоялари билан қуролланган гуруҳлар диний ақидапарастлик ва ирқчилик қарашларидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга уринмоқдалар. Бугунги ахборот глобллашуви даврида ҳар-хил ғояларни давлатимизга кириб келиши бизни бу соҳада янада эҳтиёткорликка чорлайди.

Дунёда содир этилаётган низоларнинг аксарияти миллий ва диний ёки ирқий асослардан келиб чиққан фуқаролик урушларидир. Бу каби можароларнинг келиб чиқиши ва ҳозирги кунга қадар давом этиб, ҳал этилмаганлиги миллатлар ва динлараро муносабатларни ҳамда унинг назариясини тўғри йўлга қўйилмаганлиги натижасидир.

¹⁴¹ Халқ сўзи 1996 йил 26 ноябрь, № 243. –Б .1.

Абу Наср Форобий ўзининг “Фозил одамлар шахри” асарида ўзаро тотувлик ва ҳамжихатлик руҳи устуворлигини фозил шахарларнинг муҳим белгиси ҳамда уларнинг гуллаб-яшнаши, фаровонлиги ва бахт-саодати тантанасининг замини, ўзаро кўмак, меҳр-мурувватнинг йўқлиги жоҳил шахарларнинг асосий хусусияти ҳамда фитна, фиску фужур ҳукмронлигининг сабаби сифатида қайд этади. “Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи асос инсонийликдир, шунинг учун ҳам, одамлар инсоният туркумига бирлашганликлари туфайли ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим”¹⁴², – деган фикрлари ҳам буюк файласуфнинг ижтимоий ҳамкорликни жамият тараққиётини таъминловчи омиллардан бири, деб ҳисоблаганини англаш имконини беради.

Зеро, республикамиз аҳолисининг миллий қиёфаси нафақат Шарқ балки Ғарб цивилизациясига мос келадиган умуминсоний тамойиллар, анъана ва урф-одатлар, турли динларга эътиқод, ранг-баранг турмуш тарзидан иборат маънавий мезонларни ўзида акс эттиради.

Шу ўринда бир масалага эътибор қаратишни истардик. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг жаҳондаги буюк давлатларнинг қизиқиш доирасига кирди. Бу борада айрим давлатлар Ўзбекистонда ислом динини ўз манфаатлари ва мақсадларига эришиш учун муҳим куч сифатида баҳолашса, айримлари аксинча ислом дини ривожланиши улар учун тўсиқ бўлади, деб ҳисоблайдилар.

Биринчи гуруҳ давлатларига Эрон, Покистон, Миср, Саудия Арабстони, иккинчи гуруҳга – жаҳондаги буюк давлатлар АҚШ, Россия, Ғарбий Европа давлатлари, Хитой ва Ҳиндистонни киритиш мумкин.

Биринчи гуруҳ давлатлари ўтган асрнинг 90-йилларида Ўзбекистонда динни ривожлантириш мақсадида диний ташкилотларни тиклашда, масжидлар ва мадрасалар қурилишини молиялашда фаол иштирок этишга уринганлар.

¹⁴² Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: Абдулла Қодирий, 1993. – Б. 186.

Ўз навбатида иккинчи гуруҳ мамлакатлари ислом кучайиши минтақада хавфсизликка раҳна солади деб, вазиятни ўрганиш учун ўз тадқиқотчиларини Ўзбекистонга юбора бошладилар ва бошқа дин вакиллари, яъни, ноанъанавий протестантлик конфессия вакиллари ҳуқуқларини ҳимоя қила бошладилар. Шу билан бирга протестантлик конфессиялари миссионерларини қўллаб-қувватлай бошладилар.

Россиялик диншунос олим Михаил Сиверцев минтақавий ва давлат ички муаммолари халқаро даражага кўтарилиб кетиши ҳақида сўз юритиб, бу можароларнинг кўпчилигини диний можаролар ташкил этишини таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, бундай муаммоларни ҳал этишда диний ташкилотлар муҳим ўрин тутди.

Ноанъанавий динлар ҳақида рус диншуноси қуйидаги фикрни олға суради: миссионерлик ва прозелитизм ҳар қандай анъанавий динни хавотирга солади. Шунинг учун мулоқот ёрдамида прозелитизмнинг хавфини камайтириш зарурлигини айтади. Чунки прозелитизм – динлар ўртасида асосий зиддиятларга олиб келувчи омилдир. Тарихда прозелитизмнинг ҳар қандай кўринишлари динлараро мулоқотга раҳна солган¹⁴³.

Тарихдан маълумки, ўзбек, қорақалпоқ, қирғиз, қозоқ, тожик, туркманларнинг аجدодлари Марказий Осиё ҳудудида асрлар давомида ёнма-ён, кўп ҳолларда аралаш яшаб келган. Бугунги кунда ҳам Президентимиз таъкидлаганларидек, “...минтақада яшаётган халқларнинг жуғрофий, этномаданий ва ижтимоий-диний яқинлиги миллатлараро мулоқот ва давлатлараро ташқи сиёсий ва савдо-иқтисодий муносабатларининг ижобий жиҳатлари сифатида майдонга чиқмоқда”¹⁴⁴.

Дарҳақиқат диёримизда азал-азалдан ислом, христианлик, яхудийлик каби динлар ёнма-ён яшаб келган. Асрлар мобайнида йирик шаҳарларда масжид, черков ва синагогаларнинг мавжуд бўлиши, турли миллат ва динга

¹⁴³ Қаранг: Сиверцев М. Межрелигиозный диалог в эпоху глобализации // Россия и мусульманский мир. – Москва, 2003. – № 2 (128). – С. 144-160.

¹⁴⁴ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 77.

мансуб қавмларнинг ўз диний амалларини эркин адо этиб келаётгани бунинг тасдиғидир.

Бугунги кунда ҳам шаҳарларимизда турли динларга мансуб муассасалар – мусулмонларнинг масжидларини, православ ибодатхоналарини, яҳудий синагогаларини, католик ва протестант мазҳабларининг турли шаҳобчаларига оид ибодатхоналарни кўришингиз мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, тарихимизнинг энг мураккаб, оғир даврларида ҳам улар орасида диний асосда можаролар бўлмагани халқимизнинг динлараро бағрикенглик борасида улкан тажриба тўплаганидан далолат беради.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда диний ташкилотларнинг сони ўсди. Хусусан, 1990 йилда республикада 119 та диний ташкилот (89 та исломий ва 30 та ноисломий) мавжуд бўлган бўлса, 1991 йилда 179 тага (146 исломий ва 33 ноисломий) етди, 2008 йилнинг сентябрига келиб эса, уларнинг сони 2228 тани (2049 та исломий, 179 та ноисломий) ташкил этди¹⁴⁵.

Шу ўринда ноисломий диний ташкилотлар қаторида Рус Православ черкови, Рим-католик черкови, Немис Евангель-лютеранлар черкови, Арман Апостоллик черкови, Яҳудийлар ва Баҳойлар диний жамоалари, Буддавийлар ибодатхонаси, Библия китоб жамияти каби ташкилотларни санаш мумкин¹⁴⁶.

Ушбу ижобий ҳолат Яқин Шарқда ўн йиллар мобайнида турли миллат ва диний қараш вакиллари ўртасида муросасиз кураш тўхтамаётган, Болқон, Шимолий Ирландия, Шимолий Кавказ ва бошқа ҳудудларда этник ва диний қарама-қаршиликлар минтақавий можароларнинг авж олишига манба бўлиб хизмат қилаётган ҳозирги замонда беқиёс аҳамиятга эга бўлур эди.

Минг йиллар давомида турли-туман дин, маданият ва турмуш тарзига эга бўлган халқларнинг биргаликда яшаши ва ҳамкорлиги маркази бўлган Ўзбекистон бунинг инкор этиб бўлмайдиган тасдиғидир. Айнан шу заминда

¹⁴⁵ Қаранг: Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари / Масъул муҳаррир А.С.Очилдиев. – Т.: Тошкент ислом университети, 2008. – Б. 55.

¹⁴⁶ Ўша асар. – Б. 55.

юз йиллар давомида дунё маданиятларининг катта миқёсдаги бир-бирини бойитиш жараёни рўй берган.

Бизнинг юртимизда ҳеч қачон антисемитизм кўринишлари ҳам учрамаган. Аксинча, Бухоро яҳудийлари Ислом таълимотига салмоқли ҳисса кўшган, исломий маданиятнинг асосчиларидан бўлган ўзбеклар билан иноқликда яшаганлар.

АҚШда ўтказилган яҳудий миллати вакили Д. Очилдиевнинг “Навуходонасрнинг асирлари” китоби тақдимида “Замон” газетасининг муҳаррири, профессор Л.Якубов ўзбек олими Г.Ҳидоятловнинг сўзларини келтириши бунга яққол далил бўла олади: “Бизнинг орамизда ўзининг қадимий тарихига эга бўлган, бухоро яҳудийлари деб номланадиган ажойиб халқ яшайди. Уларнинг тарихини ўрганиш ва кенг оммага тақдим қилиш керак”¹⁴⁷.

Халқимизнинг бутун тарихи давомида ҳеч қандай диний низо, одамларни миллати ва диний мансублигига қараб айириш ҳоллари бўлмаган. Чунки, “миллатлараро тотувлик ғояси – умумбашарий қадрият бўлиб, турли халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади”¹⁴⁸.

Ўзбек халқи ўзининг бутун тарихи давомида турли маданият ва дин вакилларига нисбатан хайрихоҳлик ва ҳурмат билан ёндошишини намоён этиб келган. Этник, маданий, диний хайрихоҳлик ва очиқ кўнгиллилик ўзбек халқининг ўзига хос фазилатларидан бирига айланган.

Бу борада Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси, сиёсий фанлар доктори Фарит Мухаметшин шундай деган: “Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти миллий анъаналарни сақлаш ва ривожлантиришга, она тилларни ва республикада истиқомат қилаётган миллат ва элатларнинг маданиятини қайтадан тиклашга бутун кучини

¹⁴⁷ Презентация книги Давида Очилдиева “Пленники Навуходоносора” // Печатный орган Конгресса бухарских евреев США и Канады, 1999, июнь. – С. 89.

¹⁴⁸ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 59.

сарфламоқда. Виждон эркинлигининг кафолатланиши мустақил давлатнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган турли конфессия вакиллари тинчлик ва тотувликда ҳаёт кечирмоқда. Кўп асрлар давомида Ўзбекистонда биргаликда яшаб келган мусулмон ҳам, насроний ҳам ҳамда бошқа дин вакиллари ҳам нафақат бағрикенглик маданиятини ишлаб чиқишди, балки бир-бирини тушунишга ва ҳамкорликка ҳам ўрганишди.

Христианлар сони кўпчиликини ташкил этмаган ҳудудлардаги шаҳар марказида жойлашган православ соборлари ва бутун мамлакат бўйича фаолият кўрсатаётган черковлар, шунингдек, бошқа дин вакилларининг ибодатхоналари бунга яққол мисол бўлади. Шу йиллар давомида биз Ўзбекистондаги насронийлар ҳукумат ва мусулмонлар томонидан уларнинг диний эътиқод эркинликлари поймол қилинганлиги ҳақида шикоятлар билдирганликларини кўрмадик. Республикада ҳамма конфессиялар томонидан ва умуман барча шаклда намоён бўладиган диний экстремизм қораланади”¹⁴⁹.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик серқирра бўлиб, хусусан, маданиятлараро ва динлараро бағрикенгликни мустаҳкамлаш борасида қатор анжуманлар хронологиясини келтириб ўтмоқчимиз:

- 1995 йилда ЮНЕСКОнинг “Динлараро ва маданиятлараро мулоқот” Дастури қабул қилинди. Ушбу дастур турли динлар ва маданиятларга оид урф-одат, анъаналар ва миллий, диний қадриятларнинг дунё маданиятида тутган ўрнини кўрсатиб беришдан иборат. Дастур доирасида Работ (1995, 1998), Мальта (1997), Тошкент (2000) шаҳарларида динлараро мулоқот мавзусида халқаро анжуманлар бўлиб ўтди.

- 1998 йил 6 ноябрда Тошкентда ўтказилган ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг 155-сессиясида “Тинчлик маданияти ва ЮНЕСКОнинг аъзо

¹⁴⁹ Ўзбекистондаги бағрикенглик хорижликлар нигоҳида // Ўзбекистон – бағрикенг диёр. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – Б. 268-269.

давлатларидаги фаолияти” Декларацияси қабул қилинди. Шу ўринда айтиш керакки, ЮНЕСКОнинг “Тинчлик маданияти” концепцияси БМТ томонидан маъқулланиб, 2000 йил “Халқаро тинчлик маданияти йили”, 2001 йил эса “Халқаро маданиятлараро мулоқот йили” деб эълон қилинди.

- 2000 йил 13–15 сентябрда Тошкентда ўтган динлараро мулоқот анжуманида ЮНЕСКО Конгресси томонидан Марказий Осиёдаги маданий, диний ва этник хилма-хиллик масалалари кўриб чиқилди. Унда 40 га яқин давлатдан 80 дан ортиқ турли дин ва конфессияларга мансуб вакиллар, йирик мутахассислар иштирок этди. Конгрессдан сўнг 18 сентябрда Бухоро шаҳрида “Тасаввуф ва динлараро мулоқот” мавзусида халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

- 2001 йил сентябрда Тошкентда ўтказилган Осиё – Тинч океани минтақаси ЮНЕСКО “Бағрикенглик тармоғи”нинг иккинчи йиғилишида бағрикенглик тамойиллари ўзбек халқининг асрий урф-одатлари ва қадриятлари билан боғлиқ масалалар хусусида сўз борди.

- 2007 йил 14-15 августда Таълим, фан ва маданият бўйича халқаро ислом (ISESCO) ташкилоти томонидан Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида “Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси” мавзуида ўтказилган халқаро конференцияда жаннатмакон диёримизда бағрикенглик маданияти ва қадриятлари қарор топганидан далолат беради.

III боб бўйича хулоса

Тадқиқотнинг III боби бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўзбекистондаги этник ва миллатлараро ҳамжиҳатлик ўзининг мустаҳкам тарихий илдизларига эга. Бизнинг ҳудудимиз минг йиллар давомида Буюк Ипак йўлининг муҳим қисми бўлиб келган. Бу ерда савдотик, илм-фан, маданият марказлари вужудга келган. Уларнинг ривожланишида халқимизга хос бағрикенглик, меҳмондўстлик, ўзга маданият вакилларига ҳурмат туйғулари асосий омиллардан бўлган. Шунинг учун ўлкамизда турли халқлар урф-одат ва анъаналари ўзаро уйғунликда ривожланиб борган.

2. Дарҳақиқат, диёримизда азал-азалдан ислом, христианлик, яҳудийлик каби динлар ёнма-ён яшаб келган. Асрлар мобайнида йирик шаҳарларда масжид, черков ва синагогаларнинг мавжуд бўлиши, турли миллат ва динга мансуб қавмларнинг ўз диний амалларини эркин адо этиб келаётгани бунинг тасдиғидир.

3. Бугунги кунда ҳам шаҳарларимизда турли динларга мансуб муассасалар – мусулмонларнинг масжидларини, православ ибодатхоналарини, яҳудий синагогаларини, католик ва протестант мазҳабларининг турли шаҳобчаларига оид ибодатхоналарни кўришингиз мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, тарихимизнинг энг мураккаб, оғир даврларида ҳам улар орасида диний асосда можаролар бўлмагани халқимизнинг динлараро бағрикенглик борасида улкан тажриба тўплаганидан далолат беради.

4. Мамлакатимиз тарихида этник ва конфессиявий хилма-хиллик шароитида диний бағрикенглик асослари ва унинг халқимиз маънавий ҳаётидаги аҳамияти ҳамда миллатлар ва конфессиялараро тотувликни мустаҳкамлашда Ўзбекистон тажрибаси тарихий мисолларда асосида ўзининг аксини топди.

ХУЛОСА

Ўзбекистон кўп миллатли, кўп конфессияли давлатдир. Бундай давлатда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва тараққиётни таъминлашнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун диний бағрикенглик мамлакатимизда қурилаётган демократик жамиятнинг асосий тамойилларидан биридир. Зеро, мамлакатимизда 16 диний конфессия ўзаро тотувликда фаолият кўрсатмоқда. Ўтган қисқа давр ичида мазкур йўналишда қатор ишлар амалга оширилди ва диний ислохотларга кенг замин яратилди.

Марказий Осиё азалдан турли урф-одат, маданият, тил, турмуш тарзига эга бўлган, хилма-хил динларга эътиқод қилувчи бир-бирига ўхшаш бўлмаган бир неча халқлар яшаган минтақа саналади. Бунда Ўзбекистоннинг жўғрофий нуқтаи назардан муҳим савдо йўллари чорраҳасида жойлашгани, кўплаб давлатлар билан иқтисодий, маданий алоқалар қилгани ерли халқнинг диний ва маданий ҳаётига катта таъсир кўрсатган.

Ўзбекистондаги миллатлараро ҳамжиҳатлик ва динлараро бағрикенглик бўйича ўзининг мустақкам тарихий илдизларига эга. Бизнинг ҳудудимиз минг йиллар давомида Буюк Ипак йўлининг муҳим қисми бўлиб келган. Бу ерда савдо-сотик, илм-фан, маданият марказлари вужудга келган. Уларнинг ривожланишида халқимизга хос бағрикенглик, меҳмондўстлик, ўзга маданият вакилларига ҳурмат туйғулари асосий омиллардан бўлган. Шунинг учун ўлкамизда турли халқлар урф-одат ва анъаналари ўзаро уйғунликда ривожланган.

Мамлакатимиз ҳудудида фаолият юритган зардуштийлик, буддавийлик, ислом ва христианлик каби дин вакилларининг асрлар давомида ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатиб келиши диний бағрикенглик илдизлари чуқур бўлганининг яққол исботи десак бўлади.

Ўзбекистон ҳукумати мустақилликнинг илк кунлариданоқ ўзининг динга муносабатини “Дунёвийлик – дахрийлик эмас” тамойили асосида аниқ ва қатъий белгилаб олди. Давлатнинг динга муносабати “Инсон эътиқодсиз

яшай олмайди” деган ишонч асосида белгиланди. Бу тамойилдан келиб чиқиб, ҳозирги кунда мамлакатимизда турли диний конфессиялар диний бағрикенглик, ўзаро ҳамжихатлик каби умуминсоний қадриятлар асосида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон турли динларга мансуб қадриятларни асраб-авайлаш барча фуқаролар ўз эътиқодини амалга ошириши учун зарур шароитларни яратиб бериш, динлар ва миллатлараро ҳамжихатликни янада мустаҳкамлаш улар ўртасидаги қадимий муштарақ анъаналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Мустақиллик туфайли ўзлигимизни англаш, маънавий, миллий ва диний қадриятларимизни тиклаш жараёни кечаётган ҳозирги пайтда нафақат исломга, балки бошқа диний конфессияларга ҳам муносабат тубдан ўзгарди.

431 йилда рўй берган Эфес соборидаги можаро туфайли “ересь” “бидъат” деб ҳисобланган несторианлар ва христианликнинг айрим гуруҳлари Византия империясидан қувиб чиқарилди. Бу жараён несторианликнинг аввал Эрон, Сурия, Фаластин ҳудудида, орадан кўп вақт ўтмасдан Ўрта Осиёда тарқалишига замин яратди;

Марв, Суғд, Уструшона, Шош, Хоразмда несторианлик хочлари, суратлари ва бошқа тарихий ашёларнинг топилиши ушбу шаҳарлар ўз вақтида несторианликнинг муҳим марказлари бўлганлигини билдиради;

XIII аср бошларида Марказий Осиёнинг мўғуллар томонидан босиб олинishi ва мўғул хонларининг христианликка нисбатан хайрихоҳ муносабатда бўлиши, несторианларнинг Ўрта Осиёга бўлган таъсирини кучайишига сабаб бўлди;

Мўғуллар империясининг кулаши, несторианларнинг заифлашишига ва Ўрта Осиёдаги фаолиятлари якунига етганлигидан далолат беради.

Истиқлол йилларида Ўзбекистоннинг ривожланиш тажрибаси кўп миллатли, турли маданиятлар вакиллари истиқомат қиладиган ҳамда кўп конфессиявий жамиятда демократик ислохотлар ва бағрикенглик руҳини қарор топтиришнинг муҳим воситаси бўлишини кўрсатиб берди. Дарҳақиқат,

Ўзбекистон замида қадим замондан ислом билан бошқа динлар, маданиятлар ёнма-ён яшаб, ривожланиб ва бу жамиятнинг маънавий юксалишига муайян ҳисса қўшди.

Мусулмонлар ва христианларнинг Ўзбекистон замида биргаликда ҳамнафас бўлиб яшаши диний бағрикенгликнинг нодир тимсоли бўлиб келмоқда.

Ўзбекистондаги этник ва миллатлараро ҳамжиҳатлик ўзининг мустаҳкам тарихий илдизларига эга. Бизнинг ҳудудимиз минг йиллар давомида Буюк Ипак йўлининг муҳим қисми бўлиб келган. Бу ерда савдо-сотиқ, илм-фан, маданият марказлари вужудга келган. Уларнинг ривожланишида халқимизга хос бағрикенглик, меҳмондўстлик, ўзга маданият вакилларига ҳурмат туйғулари асосий омиллардан бўлган. Шунинг учун ўлкамизда турли халқлар урф-одат ва анъаналари ўзаро уйғунликда ривожланиб борган.

Дарҳақиқат, диёримизда азал-азалдан ислом, христианлик, яҳудийлик каби динлар ёнма-ён яшаб келган. Асрлар мобайнида йирик шаҳарларда масжид, черков ва синагогаларнинг мавжуд бўлиши, турли миллат ва динга мансуб қавмларнинг ўз диний амалларини эркин адо этиб келаётгани бунинг тасдиғидир.

Бугунги кунда ҳам шаҳарларимизда турли динларга мансуб муассасалар – мусулмонларнинг масжидларини, православ ибодатхоналарини, яҳудий синагогаларини, католик ва протестант мазҳабларининг турли шаҳобчаларига оид ибодатхоналарни кўришингиз мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, тарихимизнинг энг мураккаб, оғир даврларида ҳам улар орасида диний асосда можаролар бўлмагани халқимизнинг динлараро бағрикенглик борасида улкан тажриба тўплаганидан далолат беради.

Мамлакатимиз тарихида этник ва конфессиявий хилма-хиллик шароитида диний бағрикенглик асослари ва унинг халқимиз маънавий ҳаётидаги аҳамияти ҳамда миллатлар ва конфессиялараро тотувликни мустаҳкамлашда Ўзбекистон тажрибаси тарихий мисолларда асосида ўзининг аксини топди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Қонунлар ва расмий ҳужжатлар :

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – Б 40.
2. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистоннинг янги қонунлари, Т. 19. Т., Адолат, 1998. – Б. 224-234.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари:

3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 415-683.
4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 132-154.
5. Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. “Тафаккур” журнали бош муҳаррирининг саволларига жавоблар // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 84-102.
6. Каримов И.А. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. “Туркистон пресс” ахбарот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 349-355.
7. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 429.
8. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 429.
9. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т. 11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – Б. 318.

10. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – Б. 30.

11. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б. 158.

12. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.

13. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – Б. 439.

III. Асосий адабиётлар

Ўзбек тилидаги адабиётлар:

14. Агзамходжаев С.С., Раҳимжонов Д.О., Муҳамедов Н.А., Нажмиддинов Ж.Х. Дунё динлари тарихи: ўқув қўлланма. – Т.: Тошкент ислом университети, 2011. – Б. 260.

15. Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар. I том. – Т., 1968. – Б. 486.

16. Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили / Масъул муҳаррир А.С.Очилдиев. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. – Б. 121.

17. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари: ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир А.С.Очилдиев. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008. – Б. 246.

18. “Диншуносликнинг долзарб муаммолари” мавзуидаги 4-илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Т. “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2012.

19. Жўраев М., Нуруллин Р., Камолов С. ва бошқалар. Ўзбекистоннинг янги тарихи: Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 687.

20. Ёвқочев Ш. Марказий Осиё динлари тарихи. – Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006. – Б. 207.

21. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д. ва бошқалар. Диншунослик. – Т.: Меҳнат, 2004. – Б. 295.

22. Очилдиев А. Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари (юз саволга юз жавоб). – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – Б. 198.

23. Раҳимжонов Д. Маърифат – тинчлик асоси. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007. – Б. 190.

24. Содиқов Ҳ, Шамсутдинов Р, Равшанов П. в б. Ўзбекистоннинг янги тарихи: Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ, 2000. – 463 б.

25. Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. -Т.: Ўзбекистон, 2004. -134 б.

26. Ражабова М. “Диний экстремизм ва террорчилик”, -Т.: 2000. – Б.163.

27. Ҳусниддинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик. -Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. Тошкент, 2006. - Б. 162.

28. Йўлдошхўжаев Ҳ. Диншунослик, -Т.: “Тошкент”. 2000. – Б. 131.

Хорижий тиллардаги адабиётлар:

29. К истории христианства в Средней Азии. (XIX-XX вв.) Ташкент, “Ўзбекистан”, 1998.

30. Кон-Щербок Д., Кон-Щербок Л., “Иудаизм и христианство” Словарь. М, 1995. – С. 250.

31. Религиозные традиции мира. Буддизм, иудаизм, христианство, ислам. Бишкек. 1997.

32. Бартольд В.В. О христианстве в Туркестане в домонгольский период. – СПб: Изд-во Огни, 1918. – С. 95.

33. Леонтьев К. Н. Собр. соч. в 9 т. СПб., - М. – 1913. – Т. 8. – С. 160.

34. Пупар П. Религии. – М.: Весь Мир, 2003. – С. 92.
35. Keller. Shoshana // Islam in Soviet Central Asia 1917-1927 : Soviet Policy and the Struggle for Control. – Central Asian Survey, 1993/1, XI. – Page. 27-28.
36. Архиепископ Владимир. ...А друзей искать на Востоке. –Т.: 2000. – С. 43.
37. Кнауер Н.Х. Евангелическо-лютеранская церковь в Туркестане // К истории христианства в Средней Азии (XIX–XX вв.) / Сост.: Л.И. Исукова. –Т.: Узбекистан, 1998. – С. 244.
38. Рядом с исламом. Беседа корреспондента «Независимой газеты» Юрия Егорова с главой Ташкентской и Среднеазиатской епархии Русской Православной Церкви архиепископом Владимиром // Восток свыше / духовное и литературно-историческое издание. –Т.: 2001. – Вып. 1. – С. 50.
39. Жукова Л. Из истории древних культов Средней Азии: Христианство. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 3.
40. Ретвеладзе Э.В. Великий шелковый путь. -Т.: 1999.
41. Митрополит Ташкентский и Среднеазиатский Владимир(Иким). Христианство в Центральной Азии. – М.: М. Сканрус, 2011. – Б. 102.
42. Бартольд В. О христианстве в Туркестане в домонгольский период (по поводу семиреченских надписей). Сочинения. – Т. II. – Ч. 2. – М.: Наука, 1964.
43. Aziz S.Atiya . A History of Eastern Christianity. London. 1968. Page 250.
44. Махдумзода Б. «Неистовые несториане» Санкт-Петербург. Издательство Шандал. 2001. –С . 12.
45. Dickens M. “Nestorian Christianity in Central Asia”. Cambridge. 2001. Page 3.
46. Sachau E. Zur Ausbreitung des Christentums in Asien. Berlin., 1919., zettel-19
47. Бернштам А.Н. Согдийская колонизация Семиречья.- КСИИМК. Вып. 6. 1940. Стр. 49.

48. Кызласов Л.Р. Археологические исследования на городище Ак-Бешим в 1953-1954 гг. - Труды ККАЭЭ. Т. 2.М., 1953.стр. 220.

49. Леонтьев К. Н. Собр. соч. в 9 т. СПб., - М. – 1913. – Т. 8. – С. 160.

50. Déclaration de principes sur la tolerance. Point 5.12 de l'ordre du iour provisoire. Vingt-huitième session de Conférence générale (28 C/26, 6 septembre 1995). – Paris, 1995. – P. 12.

51. Italo Mereu. L'iotolerance institutionnelle; origine et application d'un systeme toujours occulte / Corporate author: Académie universelle des cultures (France). L'intolerance: Forum international sur l'intolerance, (la Sarbonne, 27-28 mars 1997). – Paris: Edition Grasset & Fasquelle, 1998. – P. 42.

52. Mohammed Talbi. Tolerance et intolerance dans la tradition musulmane / Corporate author: Académie universelle des cultures (France). L'intolerance: Forum international sur l'intolerance, (la Sarbonne, 27-28mars 1997). – Paris: Edition Grasset & Fasquelle, 1998. – P. 53. (Бундан кейин: Mohammed Talbi. Tolerance et intolerance...)

53. Сиверцев М. Межрелигиозный диалог в эпоху глобализации // Россия и мусульманский мир. – Москва, 2003. – № 2 (128). – С. 144-160.

54. Презентация книги Давида Очильдиева “Пленники Навуходоносора”, Печатный орган Конгресса бухарских евреев США и Канады, 1999, июнь. – С. 89.

V. Илмий – таҳлилий нашрлар ва журналлар.

56. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Жаҳон динлари тинчлик маданияти йўлида” халқаро анжумани иштирокчиларига табриги. Халқ сўзи. 2000. 15-сентябрь.

57. Нуритдинов Ҳ. Ўзбекистондаги диний ташкилотлар: маълумотнома, -Т.: 1997. -Б. 9.

58. Юсупов О. Ўзбекистон диний бағрикенглик ватани, Илмий таҳлилий ахборот. 2/2005 йил.

59. Ибрагимов Э. Ўзбекистон-диний дағрикенглик ўлкаси, Илмий-таҳлилий ахборот, 1/2006.

60. Шодижонов Қ. Диний бағрикенглик борасида Ўзбекистон ва ЮНЕСКО муносабатлари, Илмий-таҳлилий ахборот, 1/2003.

V. Интернет сайтлар.

61. www.tiu.uz

62. www.pravoslavie.uz

63. www.google.co.uz

64. www.laicite-educateurs.org